



# Al-Bayan

Кеңг күламлы,  
фикарий, сақоғий журнал

Ал-Баън сүзі

Ақсо түфөни операцияси:  
(Исроил) давлатини яратиш лойиҳаси илк куни-  
дан бери Farbning муваффақиятсиз лойиҳаси бўлди

(Исроил) давлатини йўқ қилиш  
яҳудийларга қарши жанг қилиб, уларни йўқ қиладиган  
Халифалик давлатини барпо этиш орқали бўлади

Фаластин  
масаласи борасида-  
ги ўзгармас шаръий  
асослар

14

Ислом миллий давлатни рад  
этиб, Ислом Умматини битта  
қудратли Ислом давлатида  
бирлаштиради

54

Исломий оламдаги қүшинлар бизнинг қүшин-  
ларимиздир, уларнинг раҳбарлиги биздан тортиб  
олинган ва биз уни қайтариб олишимиз  
фарзdir

Эй армия сафидаги зобитлар!  
Яҳудий вужудига қарши курашда  
сизни ортда қолдирган ҳамда  
уларни ҳалокатга учратиб,  
қўркувга солган Fazо қаҳ-  
рамонларидан ибрат ол-  
майсизми... Нимани  
кутяпсиз?!

(Бу Устоз Аҳмад Қасоснинг  
Fazодаги аҳлимиз билан  
бирдамлик кунида қилган  
жума хутбаси)

48

24



**448  
449**

Жумодулаввал жу-  
модуссоний 1445ҳ  
Декабр 2023м  
Январ 2024м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Чибұң соңда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Ақсо тўғони операцияси: (Истроил) давлатини яратиш лойиҳаси илк кунидан бери Фарбнинг муваффақиятсиз лойиҳаси бўлди... (Истроил) давлатини йўқ килиш яхудийларга қарши жанг килиб, уларни ўлдирадиган Халифалик давлатини барпо этиш орқали бўлади ..... 3
- Фаластин масаласини ҳал қилишнинг ўзгармас шаръий асослари ..... 14
- Эй армия сафидаги зобитлар! яхудий вужудига қарши курашда сизни ортда колдирган ҳамда уларни ҳалокатга учратиб, қўркувга солган Ғазо қаҳрамонларидан ибрат олмайсизми... Нимани кутяпсиз?! ..... 24
- Муносабатларни нормаллаштириш келишувлари (Иброҳим келишувлари) ҳамда Яқин Шарқдаги стратегик иттифоқ... Халкаро рақобат Истроил минтақадаги асосий ўйинчи (4) ..... 38
- Исломий оламдаги кўшинлар бизнинг қўшинларимиздир, уларнинг раҳбарлиги биздан тортиб олинган ва биз уни қайтариб олишимиз фарзdir.....48
- Ислом миллий давлатни рад этади ва Ислом Умматини битта қудратли Ислом давлатида бирлаштиради ..... 54
- Американинг «янги ипак йўли» лойиҳаси: ундан энг катта фойда олувчилардан бири (Истроил) бўлиб, бу лойиҳа сионист вужуд билан Форс кўрфази давлатлари ўртасидаги муносабатлар нормаллашуви жараёнини тезлаштиради ..... 63
- Оммавий кирғин куроллари Farb ва Ислом нуктаи назарида ..... 72
- **Олам мусулмонлари хабарлари** ..... 78
- Яхудийлардаги мавжуд сифатлар уларни тарк этмайди... Зоро, Аллоҳ бунга гувоҳлик берган ..... 85
- **Қуръони Карим сұхбатида** ..... 90
- **Жаннат болгари:** Яхудийлар Исломга, унинг пайғамбарига ва Умматига бўлган душманликларида то қиёматгача давом этади ..... 96
- **Сўнгги сўз:** Халклардан фарқли ўлароқ гарб ҳукмдорлари ҳам араб ҳукмдорлари ҳам бир хил ҳукм юритишиади ..... 111
- (Истроил) друзлари Ғазога қарши урушда армиянинг олдинги сафида ..... 112



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## АҚСО ТҮФОНИ ОПЕРАЦИЯСИ:

**(ИСРОИЛ) ДАВЛАТИНИ ЯРАТИШ ЛОЙИХАСИ ИЛК КУНИДАН  
БЕРИ ҒАРБНИНГ МУВАФФАҚИЯТСИЗ ЛОЙИХАСИ БҮЛДИ  
(ИСРОИЛ) ДАВЛАТИНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ ЯҲУДИЙЛАРГА ҚАРШИ  
ЖАНГ ҚИЛИБ, УЛАРНИ ЎЛДИРАДИГАН ХАЛИФАЛИК  
ДАВЛАТИНИ БАРПО ЭТИШ ОРҚАЛИ БҮЛАДИ**

2023 йил 7 октябр шанба куни тонгда Иззуддин Қассам мужоҳидлари «Ақсо түфони» деб номлашган амалиётда «Ғазо филофи»<sup>1</sup> худудига хужум қилдилар... Бундан мақсад, яҳудийларни асирга олиб, уларни (Исройл) қамоқхоналарида энг оғир шароитда сакланаётган мусулмон асирларга алмаштириш эди. Аммо юз берган воқеа ҳамманинг, шу жумладан хужумчиларнинг ҳам кутганидан ошиб кетди. Чунки мужоҳидлар яҳудийларнинг, айниқса, ҳарбий ва хавфсизлик кучларининг қўрқоқлигидан ҳайратга тушдилар. Улар куролларини ташлаб, арслондан қочган ёввойи эшаклар каби қочиб қолишиди... Тўғрироғи, илк дақиқалардан бошлаб яҳудийлардан тинч аҳоли ҳам, ҳарбийлар ҳам пана жойларга яшириниб, минглаб ракета ҳужумларининг тугашини кутишиди. Шу тариқа, асирларни озод этишга қаратилган жанг, яҳудийларнинг қўрқоқлиги туфайли, бутун яҳудий вужудининг мавжудлигига (ҳаётига) таҳдид солган урушга ўхшаб қолди. Бу ҳолат яҳудийларни ваҳимага солиб қўйди. Улар ўзларини Фаластинда нотинч ва бекарор ҳис қиласидаган бўлиб қолишиди. Яҳудийлар орасида (Исройл)нинг завол топиши ҳақидаги башоратлар тўғрисидаги гаплар қайта кўтарилди. Шу тариқа, қўш фуқароликдан фойдаланиб, юрт ташқарисига чиқиб кетиш ҳақида гапирила бошлади. Бу фақатгина битта нарсани, яъни (Исройл) давлатини барпо қилиш лойиҳаси ўзининг илк кунидан бери муваффакиятсиз лойиҳа бўлганини англатади. Шунингдек, агар мусулмонлар яҳудийларга қарши ҳақиқий жанг олиб борсалар яҳудийлар жуда тез мағлуб бўлишини ва уларнинг қуроллари осонликча мусулмонлар қўлидаги ўлжага

<sup>(1)</sup> Ғазо секторини ўраб турган ва яҳудийлар яшаётган аҳоли пунктлари.

айланишини ҳам кўрсатди. Зеро, ўшанда улар Фаластиинни тарк этишга ва асл туғилган жойлари бўлмиш «ватаангадолик дунёси»дан бошпана излашга шошилишади... Чунки улар на жангари халқ ва на давлат барпо қилиб беришга лойик халқ. Улар учун энг идеал вазият, Аллоҳ улар учун ирода қилганидек, ер юзида тарқоқ бўлиб қолишларири. Улар қаерда, қандай ҳолатда ва қандайдир давлат ёки «ватаангадолик дунёси»да бўлишларидан қатъий назар бўхтон тарқатувчи ва ёвуз одамлардир. Уларнинг хатти-харакатларидан бутун дунё изтиробга тушиб, безовта бўлади.

**Фаластиин масаласи биринчи навбатда Ислом Уммати масаласи, шунингдек, яхудийлар билан диний, Ғарб билан ҳазорий кураш масаласидир:**

Бу операция бутун дунёга Фаластиин масаласи биринчи навбатда Ислом Уммати масаласи эканлигини таъкидлаган нома йўллади. У яхудийлар билан диний, Ғарб билан ҳазорий кураш масаласидир. Доим айтиб келинаётган «битта давлат ечими», «икки давлат ечими» ёки «аср келишуви» ва хукмдорларнинг яхудийлар билан муносабатларни нормаллаштириши ҳақидаги гаплар, шунингдек, Фаластиин масаласига қарши тўхтовсиз давом этиб келаётган бошқа тилбириктирувлар... Буларнинг барчаси халқларнинг келишувлари эмас, балки хоин хукмдорларнинг келишувларидир.

Бу операция Фаластиин масаласини халқаро сиёсий саҳнада биринчи ўринга олиб чиқиб қўйди. Бу масала муҳимлиги билан Украина урушидан олдинги ўринни эгаллади. Америка ва Ғарбнинг минтақадаги барча манфаатларини ларзага келтирди. Дастребаки кунлардаёқ Байденни яхудийларнинг изтиробга тушган қалбларини тинчлантиришга ва уларга очиқ ёрдам кўрсатишга мажбур қилди. АҚШ давлат котиби доим минтақага қелиб, малай хукмдорлар ўртасида кўчиб юришга мажбур бўлди. Яхудийларни янада тинчлантириш учун уларга ўзининг яхудийлигини эслатди. Уларнинг ўзларини ҳимоя қилишга ҳақлилигини айтиб, ҳимоясиз мусулмонларга нисбатан яхудийлар содир этган жиноятларни оқлади. Ҳолбуки, улар энг жирканч жиноятларни содир этиб, мусулмонлардан Роббим Аллоҳ деганлари учунгина ўч олишган, ночор аҳволда қолган тинч аҳолини, болалар, аёллар ва қарияларни қирғин қилишган, шунингдек, уйларни вайрон қилиб, Фазодаги барча ҳаёт омилларини йўқ қилишган эди...

АҚШ давлат котибининг миңтақага давомий келишидан мақсад бирор нарса назоратдан чиқиб кетмаслиги учун у ерда юз бераётган воқеалар оқимини назорат қилиш ҳам эди. Улар ўзлари билмаган номаълум томондан хавф келишидан қўркиб ва воқеалар жараёни ҳисобга олинмаган ҳолатларга айланниб кетмаслиги учун миңтақага энг кучли қуролларини олиб келишди. Чунки юз берган воқеа уларнинг ва миңтақадаги малай хукмдорларнинг тасаввуридан ошиб кетди.

Бу мусулмонлар қалбida Фаластин масаласининг кучлилигига далолат қиласди. Чунки унда Умматнинг бирлигини ифодаловчи маънолар жамланган. Уммат Аллоҳнинг йўлида, яхудийларга ҳамда ушбу вужудни ўрнатиб, унинг барча жиноятларини химоя қилган Farbga душманликда, шунингдек, Ислом доирасида ва ягона Исломий давлат ичидагаш сари интилишида бирлашади. Фаластинда яхудий вужудини барпо қилиш мусулмонларнинг бирлашишига тўсқинлик қилиш учун эди. Мана, бугун у Уммат бирлашишининг энг муҳим омилларидан бирига айланди... Ҳа, Америка, Farb ва улар билан биргаликда уларнинг арзанда кўғирчоғи (Исройл) ипларини бир-биридан ажратиб бўлмайдиган мураккаб стратегик дилеммада... «Ақсо тўфони» операциясига айни шу жиҳатдан қаралиши, инсоний ва моддий йўқотишлар жиҳатидан қаралмаслиги керак. Биз дунёда экилган нарсанинг ҳосили охиратда олинишига, мусулмон одам доим куфр билан кураш ҳолатида бўлиши, мусибат келгандан ажрни Аллоҳдан умид қилиши кераклигига имон келтирган Умматмиз. Шунингдек, бизнинг сафимиизда ўлганлар шаҳидлар бўлиб, улар жаннатда, уларнинг ўликлари эса жаҳаннамда бўлишига ҳам имон келтирганмиз. Биз буни Фаластин аҳлида, айни ўша Fazo аҳлида топдик. Чунки бутун Fazo аҳолиси яхудийларга душманлик Аллоҳ учун душманлик эканлигини... мусибатлар ҳар қанча оғир бўлмасин, уларни мамнуният билан кўтаришларини... ўзларининг ҳақ устида эканликларини... ўз масалалари олдида жонлар ва уйлар арзимас эканлигини... Аллоҳнинг розилиги ҳамма нарсадан устунлигини эълон қилдилар. Бу туйғунинг кучлилиги ва уларнинг самимий позицияси Farbdagi одамларнинг кўпчилигини ҳайратга солди. Айни пайтда, Fazo аҳлини ёрдамсиз ташлаб қўйганлар, уларга орқадан пичоқ урганлар ва уларга тўсқинлик қилаётганлардан ҳеч қандай таъсирли позицияси кўринмади.

**Яҳудийларнинг қирғинлари Ғарб томонидан  
ҳимояланган жиноят ва банкротликлар:**

Яҳудийларнинг ҳимоясиз мусулмонларни, эркаклар, аёллар ва болаларни қирғин қилиши... Уларнинг уйларини ва Газодаги барча ҳаёт омилларини вайрон этиши... Буни эркинликни, тинчликни, инсонлар ва халқлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни даъво қилаётган Ғарб давлатларининг кўз ўнгига, уларнинг қўллаб-қувватловида амалга ошириши Ғарб ҳазоратини асфала софилинга тушириб юборди... Америка ва у билан бирга Ғарб давлатларининг (ўз баёнотлари, ташрифлари ва жўнатган ёрдамлари билан яҳудийларнинг жиноятларини қўллаб-қувватлаш орқали) эгаллаган позицияси... Шунингдек, малай ва хоин мусулмон ҳукмдорларнинг (ушбу жиноятларга сукут сақлаш, армияларни ҳаракатга келтирмаслик, ўз халқларини жанг қилишдан ва чегарани кесиб ўтишдан тўсиш, шунингдек, баъзи ҳукмдорларнинг, яҳудийлар содир этган шунча жиноятларга қарамасдан, улар билан муносабатларни нормаллаштириш сиёсатида қатъий туриши ва бу сиёсатни давом эттиришини эълон қилиши билан) эгаллаган позицияси ҳам асфала софилинга қулади ва очиқ банкротга учради. Биз барча араб ва мусулмон ҳукмдорларга бундай деймиз: Сочилган таналарни йиғиб олаётган бу Умматга қараб, ўйлаб кўринг ва бир-бирингизга «бундай Уммат мағлуб бўлиши мумкинми?!» деб савол беринг. Газода жонлар энг жирканч кўринишдаги қирғинга дучор бўлди. Барча (ота, она, бола, қари, ёш, эркак ва аёл) қирғинга учради. Уларнинг ҳеч бири бу қирғиндан ташқарида қолмади. Уйлар, шифохоналар ва барча яшаш обьектлари бомбаланди ва вайрон этилди. Бундан мақсад, Газо аҳли, уларнинг ортидан Фаластин аҳли ва уларнинг ортидан бутун мусулмонлар иродасини синдириш эди... Уларнинг орасидан оқ байроқни кўтариб, яҳудийларга таслим бўладиган ва бўйсунадиганлар топилдими?!

Иродани синдириш масаласи яҳудийлар, кофир Ғарб давлатлари ва мусулмон ҳукмдорларнинг талабидир. Шунинг учун бунга рухсат берилиб, сукут сақланмоқда. Аммо бунинг акси кўриниб турибди: Умматнинг дарди, интилиши ва бирлигида ягона Умматлиги кўринди. Умматнинг яҳудийларга, шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаб, дўст тутганларга ва ён берив, ёрдам кўрсатганларга нафрати кучайди. Умматнинг ўз динини англаши, тавҳид байроғини кўтарадиган Исломий давлатни барпо этиш орқали уни шу дини кутқаришини

билиши кучайди. Унинг ҳукмдорларга нисбатан норозилиги ортди, шунингдек, армияларни сафарбар қилиш, уларни ўзгартириш жараёнида ўз ролларини эгаллашга, режимлар ҳимоячисидан бу режимларни йўқ қилувчига айланишга ва динига ёрдам кўрсатувчи бўлишга чақириш муҳимлигини янада чуқурроқ англаб етди.

Мусулмон ёки ғайримусулмон бўлишидан қатъий назар, ақли бор ҳар қандай инсонда қўйидаги савол туғилиши табиий: яхудий ҳукмдорлар бундай қирғинларни содир этишар экан, улар ақл юритишаپтими ёки ақлини йўқотган телбалардек иш тутишяптими? Улар бу қирғинлар билан ўзларини мусулмонлардан қуткариб қолишадими ёки ўзларини ва фарзандларини ушбу жиноят қурбонига айлантиришадими? Наҳотки, ўзлари кутмаган ҳолда мусулмонларнинг яна шундай касос олишларига кўйиб беришса, худди «Ғазо тўфони» бўлишини кутишмагани каби?! Ўнлаб йиллар давом этган босқинчлилик даврида ҳам мусулмонларнинг иродаси букилмаганини улар кўришмаяптими? Мусулмонлар ўзларини шундай бир кунга тайёрламоқдаларки, у кунда улар ҳакни ушлайдилар ва яна қайта дунё карвонининг сарбони бўладилар. Улар буни кўришмаяптими? Мусулмонларга нисбатан бундай қирғинларни содир этган яхудийлар бир кун келиб ўлдирилишларини, мусулмонлар ҳокимиятни қўлга олганларида улардан ва уларнинг фарзандлари айни шу суратда ўч олинишини билишмайдими?

**Мусулмон юртлари ҳукмдорлари ёмонликда Ғарбга ва яхудийларга тенг бўлиб, уларнинг мусулмонларга қарши қилган қирғинлари яхудийларнинг қирғинларидан қолишмайди:**

Бугун биз Ғазода кўраётган жиноят Сурия ҳукмдорлари Россия ҳукмдорлари билан, Эрон ўзининг тарафдорлари билан содир этган жиноятдан фарқ қилмайди. Улар портловчи бочкаларни ташлаш, қирғинларни амалга ошириш, қийноққа солиш каби турли йўллар билан ёшу кекса мусулмонларни ўлдиришди, шунингдек, мусулмонлар ор-номусини топташди, уларни қамоққа олишди ва кувғин қилишди... Ироқда Америка содир этган жиноятлардан ҳам фарқ қилмайди. Америка тасаввурга сифмайдиган ушбу жиноятларни Туркия ва Саудия, айниқса, Эрон каби қўшни давлатлар ёрдамида ҳамда улар билан тил бириктирган ҳолда амалга оширди... Афғонистонда юз берган воқеалардан ва у ерда содир этилган, даҳшатидан

болалар сочи оқариб кетадиган қирғинлардан фарқ қилмайди. Бу қирғинлар коалиция давлатлари, шу жумладан ҳукмдорлари мусулмон бўлган давлатлар, хусусан, Туркия ёрдами билан содир этилди.. Мъянма, Ҳиндистон ва Хитойда мусулмонларга нисбатан содир этилган қирғин ва қувғинлардан ҳам фарқ қилмайди. Бу қирғинларда мусулмон юртларидағи ҳукмдорлар ушбу жиноятчи давлатлар томонида туришди ва баъзи пайтларда уларни ҳимоя қилишди... Бу ҳукмдорларнинг баъзилари, айниқса, Кўрфаз ҳукмдорлари, шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари шайтони Мухаммад ибн Зойид ва унинг бадбаҳт ака-укалари Ироқдаги урушда Американи пул билан, Суриядаги урушда Россияни қурол-яроғ ва пул билан таъминлашди. Аввалроқ уларнинг Фазо ва бошқа жойлардаги босқин-рейдларда ҳам қатнашишгани айтилган.

Энди табиий савол туғилади: Фарб, яхудийлар, Америка, Европа давлатлари, Россия, Ҳиндистон ва Хитой ҳукмдорлари нега халқларга душманлик қилиб уларга қарши қирғинларни амалга оширишяпти? Нега бу халқларнинг ҳукмдорларига қарши уришишмаяпти? Нега мусулмон юртларидағи ҳукмдорлар ушбу давлатларнинг ҳукмдорлари ва (Исроил) билан бирга туриб, ўз халқларига қарши чиқишияпти? Ҳеч кимга сир бўлмаган жавоб шуки, мусулмон юртларидағи ҳукмдорлар Фарб ҳукмдорларининг парда ортидаги хизматкорларидир. Улар ўз халқларига душманлик қилиб, уларга қарши курашишда Фарб ҳукмдорлари билан бир хил позицияда туришади. Мусулмон юртларидағи ҳукмдорлар Фарб ҳукмдорларига душман эмас, яъни улар барчаси битта фронтга мансублар.

Шу ўринда шуни таъкидлаш керакки, мусулмон халқлар ўзларининг ҳукмдорлари каби бўлмаганидек, Фарб халқлари ҳам ҳукмдорлари каби эмас. Масалан, биз Байден, Сунак, Макрон ва Шолц каби ҳукмдорларни яхудий вужудининг тинч аҳолига нисбатан содир этган жиноятларини жирканчли ва уларни инсонийликдан чиқариб юборадиган тарзда қўллаб-қувватлаётганини кўряпмиз. Айни пайтда уларнинг халқларида бунинг аксини кўряпмиз. Чунки ушбу ноодатий жиноятни қораловчи катта намойишлар бўлиб ўтди. Ижтимоий тармоқларда Фазо ахлини қўллаб-қувватловчи, раҳбарларга ва (Исроил)га ҳужум қилувчи позициялар кўринди. Шу ўринда биз мусулмонларни Фарб ҳукмдорлари мусулмон юртларга ташриф буюрганида уларга қарши туришга ва уларнинг

юқорида айтилган позицияларини фош этишга чақирамиз. Уларнинг мусулмон юртларга ташриф буюриши ва хукмдорлар тарафидан кутиб олиниши номақбулдир...

Шу ўринда шуни таъкидлаш керакки, миңтақа хукмдорлари ўз сиёсатларида Фарб давлатларига бўйсунишади. Фарб хукмдорлари уларни ҳокимиятга олиб келишидан олдин, уларнинг воқелигини билгандан кейингина ҳокимиятга олиб келишган. Улар ўз тафаккурларида Фарбга мойил бўлиб, буюрилган ҳар қандай буйруқни – у ўз халқлари ва уларнинг масалаларига нисбатан жиноят бўлса ҳам – бажаришдан уялишмайди. Халқаро позицияларга келсак, улардан ўз юртлари сиёсатини хўжайинлари сиёсатига мувоғиқ юргизиш тўғрисида аҳд олинган. Регионал ва халқаро миқёсда уларнинг тинч бўлиши ҳам, ҳужумга учраши ҳам шу позицияларга вафо қилишларига боғлик. Бу позицияларга, шу жумладан, Фаластин масаласи ва терроризмга қарши кураш бўйича позицияга, шунингдек, булардан бошқа халқаро позицияларга карши чиқиш уларга таъқиқланган.

Хукмдорларга, уларнинг Фарб хукмдорларига малайлигига ва умуман мусулмонларнинг масалаларига нисбатан уларнинг тутган позициясига доир асл воқелик мана шу. Уларнинг бугун Ғазода юз бераётган воқеаларга нисбатан тутган позициясига келсак, бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Биринчидан, Ғазо воқеалари яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш бўйича араб давлатлари тутган позицияларни фош қилди. Баъзи давлатлар яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришни очиқ намоён қилган бўлса, баъзилар уни эълон қилишни кечикириб келмоқда. Биз Саудия ва ундан бошқа баъзи давлатлар томонидан нормаллашув келишуви эълон қилинишидан олдин қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш орқали унинг пойdevori қўйила бошлангани ҳақида хабар берган эдик. Шунинг учун бу хукмдорларнинг позициялари танг ахволга тушиб қолди. Улар Америка лойиҳасига таслим бўлиш режасини давом эттира олишлари учун (Истроил)нинг вазиятни тезда ўз фойдасига ҳарбий йўл билан ҳал қилишини исташади. Шунингдек, доимий тинчлик ҳолатига ўтиш ҳақиқатдан амалга ошиши учун Ғазодаги ҳарбий қувватнинг йўқ қилинишини ҳам исташади. Албатта, Бирлашган Араб Амирликларининг хукмдорларининг қўпол позициялари бизни ажаблантиrmайди. 2023 йил 9 октябрда, яъни «Ақсо тўфони» ҳужуми бошланганидан икки кун ўтиб,

«Арабий 21» ахборот агентлиги қуидаги хабарни берди: «Бирлашган Араб Амирликлари Газога қарши олиб борилаётган урушда, шунингдек, босқинчига қарши «Ақсо тўфони» операциясини бошлаган Фаластин қаршилик ҳаракатига қарши туришда (Исройл)ни қўллаб-куватлашини билдириди. Бирлашган Араб Амирликлари ташқи ишлар вазири Абдуллоҳ ибн Зойид (Исройл) мухолафати етакчиси Яир Лапидга қўнғироқ қилиб, бу қарама-қаршиликда (Исройл) билан бирдамлигини билдириди. Лапид ўз аккаунтидаги твитида: «Мен унга бизни қўллаб-куватлагани учун миннатдорчилик билдиридим», деди». Лекин дунёнинг барча бурчагида мусулмонлар ўлдирилаётган ва уларга нисбатан жиноятлар содир этилаётган ва бу жиноятларнинг барчасида ҳукмдорлар ҳам иштирок этаётган бўлсада, биз мусулмонларнинг динларига бўлган ишончи кучайиб бораётганини кўрмоқдамиз. Уларнинг динларига бўлган садоқати кучайиб, уни ўзларининг халоскори деб билмоқдалар.

Яхудийлар билан курашиш Farb билан бўлган курашнинг бир қисмиdir. Бу гоялар, тушунча ва қадриятлар устидаги ҳазорий курашдир. Америка ҳарбий урушлар билан, шунингдек, куч ишлатиб мағлуб қилиш орқали Ислом ҳазорати устидан ғалабага эришишни истайди. Бундай ҳисоблаш катта хатодир. Чунки ҳарбий кураш ҳазорий курашдан фарқ қилади. Бугун дунё Farb ҳазоратининг қулаши остонасида турибди. Farb ҳазорати инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тинчликни ёйиш, халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашини таъминлаш, шунингдек, давлатлар ва халқларнинг барқарор ривожланиши каби чалғитувчи қуруқ даъволари билан бирга кулади. Farb ҳазоратининг халқлар ва давлатларни ташқи судхўрлик қарзларига боғлаши, давлатлар ўртасида урушларни алангалашиб, уларни ўз манфаатига мувофиқ бошқариши ҳам кулади. Зеро, халқларни қашшоқлаштирган ва юртлар тараққиётига тўсик бўлган нарса айни шу ташқи қарзлар ва урушлардир... Бугун дунё Исломнинг глобал ҳазорат сифатида қайта тикланиши остонасида турибди. Бугун мусулмонлар ҳам, дунё халқлари ҳам Ислом қайта тикланиб, уларни кутқаришини ва тўғри йўлга бошлашини кутмоқда... Farb буни билади, ундан қўрқади ва унга тўсқинлик қилишга ҳаракат қилади. Унинг барча халқаро масалаларда мусулмонларга ва уларнинг динига доим қарши туришига сабаб ҳам шудир... Бугун кураш

энг қизғин паллага кирди ва Ғазода бугун юз берган воқеа унинг кўринишларидан бири холос. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحُقْقِيْلَيْظِهِرَهُ عَلَى الَّذِينَ كُلَّهُ ۚ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا﴾

**«У (Аллоҳ) Ўз пайгамбари (Муҳаммад алайҳис-салом)ни ҳидоят ва Ҳақ дин (Ислом) билан, у (дин)ни барча (дин)ларга голиб-устун қилиши учун юборган зотdir. Аллоҳнинг Ўзи (ушбу ваъдасининг рӯёбга чиқишига) етарли гувоҳdir»** [Фатх 28]

**Ислом Уммати ҳукмдорларни йўқ қиласиган армиялар тўфонига муҳтож:**

Армиялар Умматнинг фарзандлари ва куч-кувват соҳибларидир. Улар Уммат жинсидан бўлиб, Унинг оғриғидан алам чекади, шодлигидан шод бўлади. Фарб ва унинг малай ҳукмдорлари армияларнинг ўзлари учун қанчалик хавфилигини билишади. Шу боис, ҳокимиятни ўз назоратларида сақлаб қолиш ва юртдаги ҳар қандай ўзгаришдан омон қолиш учун армия тизгинини маҳкам ушлаб, уни эҳтиёткорлик билан бошқаришни афзал билишади. Аммо бу зобитлар орасида Исломни севадиганлар ҳам борки, агар кимдир бориб унга Аллоҳни ва Умматнинг вазиятини, шунингдек, воқеликни ўзгартириш борасида унинг зиммасидаги Аллоҳнинг ҳаққини эслатса, у чақириққа жавоб бериши мумкин... Росууллоҳ ﷺ Ислом давлатини барпо этиш учун харакат қилар эканлар, Маккадаги айни шу зобитларга ўхшаган куч-кудрат эгалари билан боғландилар. Улар эса юз ўгиришди ва баъзилари Тоифда бўлгани каби хунук тарзда жавоб беришли. Аммо Росууллоҳ ﷺ бунга сабр қилиб, нусрат талаб қилишни давом эттиридилар. Мадина аҳли бошлиқлари жавоб бергунига қадар, Росууллоҳ ﷺнинг бу йўлдаги уринишлари тахминан ўн бештага етди. Уларнинг жавоб бериши билан илк Ислом давлати барпо этилди ва тарих қиёфаси ўзгарди... Бугун биз Аллоҳ Таоло Ўз Росулига ва Росулининг элчиси Мусъаб ибн Умайрга нусрат заминини тайёрлаб берганидек, бизга ҳам нусрат заминини тайёрлаб беришини Аллоҳдан умид қилган ҳолда, Росууллоҳ ﷺ куч-кудрат эгаларидан нусрат талаб қилганлари каби биз ҳам имон аҳлидан нусрат талаб қиласиз. Бугун мусулмонлар ўз ахволлари яхшиланиши учун сабрсизлик билан армиялардан кутаётган нарса мана шудир... Ислом давлатини барпо этиш учун қолган ягона иш ҳам мана шудир.

Биз мусулмонлар ўртасидаги куч-кудрат эгалариға қўйидагича савол йўллаймиз: воқеликни ўзгартириш борасида сизнинг зиммангизда Исломнинг ҳаққи йўқми? Ҳукмдорларни ва уларнинг манфаатларини, шунингдек, бу ҳукмдорлар эргашаётган куфр давлатлари нуфузини химоя қилишга наҳотки рози бўлсангиз?! Динингизни ва Умматингизни ҳимоя қилмайсизми? Шуни билингки, куч-кудрат эгаси сифатида сиз учун икки танловдан бошқа танлов йўқ: ё ҳукмдорларингиз орасидаги пасткаш, золим малайларга ёрдам берасиз ёки динингиз ва диндошларингизга ёрдам берасиз. Сиз диндошларингизга барча жойда ва охирги пайтлар Ғазода нима бўлаётганини кўриб турибсиз.

Қачон Уммат ҳукмдорларига қарши қўзғолон қилса, бунга сиз куч-кудрат аҳли сабабчисиз. Чунки Аллоҳ сизга буюрган вазифани шу иш билан шуғулланаётганлар билан биргаликда бажармадингиз. Ҳукмдорларга қарши туриш ва уларни ўзгартириш учун ташкил топган қуролли гуруҳлар сиз қила олмаган ишни қиляпти. Сиз ўзгариш жараёнининг ўз ролини бажариши керак бўлган асл-ўзагисиз. Чунки Аллоҳ сизга орангизда динга ёрдам берувчилар бўлишини вожиб қилди.. Бугун Ғазода юз бераётган воқеаларга қаранг. Армиялар сафидаги куч-кудрат эгаларидан бошқа ким яхудийларга чек қўя олиши мумкин?! Сизнинг бу ишингизни бажаришингизга ким тўскинлик қилмоқда?! Сизни ва Умматни жиҳоддан тўсаётганлар ҳукмдорларнинг ўzlари эмасми?! Яхудийларга қарши жиҳод қилмоқчи бўлганларни чегарага яқинлаштирмаслик учун ҳукмдорлар сиздан фойдаланишмадими?! Умматнинг аҳволи шу даражага етдики, У ўзини бу оғир мусибатдан фақат сизнинг қутқариб қолишингизга ишонади. Бу Аллоҳ сизга юклаган фарздир, агар бу фарзни тарқ этсангиз гуноҳкор бўласиз ва бу нақадар оғир гуноҳ. Агар Аллоҳдан ажр умид қилиб бу фарзни бажарсангиз, буюк ажрга эга бўласиз. Бундай ажр фақат сиз каби одамларга берилади. Сиз Аллоҳ улар туфайли динни ғолиб қилишни вайда қилган зотларсиз. Сиз каби кишилар ўлганида, уларнинг Парвардигор олдидаги қадр-қийматини кўрсатиш учун Раҳмоннинг арши ларзага келади. Зиммангизда Аллоҳнинг ҳаққи бор, бас, уни зое қилманг. Сукут сақлашингиз ва харакатсиз туришингиз билан Умматни зое қилманг. Орангиздан Росулуллоҳ  бошпана бериб, даъватларини ҳимоя қилган, У зот билан бирга давлатни барпо этган Саъд

ибн Муоз, Асъад ибн Зурора ва Усайд ибн Ҳузайрлар каби кишилар чиқишини Аллоҳ сизга насиб этишини Уммат кутмоқда. Биз сизга олдин йўлланган даъватимизни эслатиб, бундай деймиз:

**Эй армиялар сафидаги холис зобитлар!** Сиз Ислом билан нафас олган ва ундаги барча нарсани севган тирик Умматнинг бир бўлагисиз. Сиз Умматнинг бошига тушган ёвузликни, ресурслар эгаллаб олинганини, бойликлар талон-торож қилиниб, халқлар қул қилинаётганини кўриб турибсиз. Умматнинг бошига тушган ёвузлик сизга ҳам етяпти. Лекин бир вақтнинг ўзида одамлар ҳуқукига бепарволик қилган, уларни ва уларнинг юртларини Фарбнинг қул бозорида арzon нархга сотаётган режимга ёки режим қўриқчиларига ҳам шерик бўлмоқдасиз... Бас, қачонгача жим турасиз? Қачонгача сизга Уммат талпиниб, ёрдамга чақириб, сиздан нусрат умид қилиб турган бир пайтда, уни ёрдамсиз қолдирганингиз учун Роббингиз олдида жавоб берадиган позицияни эгаллайсиз?! Шуни яхши билингки, бу дунёда тўпланган барча бойликлар ва ундаги ҳамма нарса йўқ бўлиб кетади. Сиз Роббингизга рўпара бўлганда мол-дунёнгиз, мартабангиз, мансабингиз ва имтиёзларингиз бўлмайди. Аксинча, режим томонидан сизга берилган бу дунё матолари қиёмат кунида оғир юқ бўлиб, сизни ўраб олади. Шу боис Умматнинг ташвиши сизнинг ҳам ташвишингиз бўлсин, ғоянгиз динга ёрдам бериш бўлсин. Уммат билан бирга бўлинг, Унинг масаласини қўллаб-қувватланг. Динни татбиқ этиб, ўнлаб йиллар давом этган хорлик ва қуллик даврига яқун ясовчи, шунингдек, пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик соясида Умматнинг ўғирланган қадр-қимматини қайта тикловчи давлатни барпо этинг. Аллоҳим, биз учун Халифаликнинг барпо этилишини тезлаштир ва бизни унинг аскарларидан кил. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا أَسْتَجِبُ لَهُوَ وَلِرَسُولٍ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحِبِّيْكُمْ﴾

«**Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қиласр экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсиз» [Анфол 24] □**

## ФАЛАСТИН МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗГАРМАС ШАРЬИЙ АСОСЛАРИ

Фаластин масаласида, «Исройл»нинг Ғазога қилаётган урушида, бу вужуд пайдо бўлиб, йўқ қилингунига қадар содир этаётган жиноятларида, буларниң барчасига нисбатан узогу яқиндаги барча мусулмонларниң қарашлари битта бўлиши ва Роббилари динига асосланмоғи даркор. Бўлаётган бу ходисаларга нисбатан Умматда вужудга келган эзгулик бизни ўзгармас шаръий асосларни унга яна бир бор эслатиб ўтишга унданоқда. Токи, уларни Уммат онгли равишда тушунсин ва унинг ичига ғулгула солишга, хафсаласини пир қилишга уринаётган кимсалардан таъсирланмасин.

**Ушбу ўзгармас асослар қуидагилардир:**

**1 – Фаластин масаласи исломий масала бўлиб, мусулмонларниң барча масалаларининг онасидир.** Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло (икки қибланиң биринчиси ва зиёрат қилинадиган уч муқаддас байтнинг бири бўлмиш) Масжидул Аксони зикр қилиб, ушбу заминнинг чор атрофини, яъни Шом замини ва Фаластинни муборак қилиб, бундай деди:

﴿سُبْحَنَ الَّذِي أَسْرَى بِعَيْدِهِ لَيَلًا مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَى الَّذِي بَرَّكْنَا حَوْلَهُ وَ﴾

«(Аллоҳ) бир кечада, Ўз бандаси (Муҳаммад)ни — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун Масжидул ҳаромдан Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир» [Исройл 1]

Сайидимиз Иброҳим алайхиссалом ҳақида бундай деди:

﴿وَجَئْنَاهُ وَلُطَّا إِلَى الْأَرْضِ الَّتِي بَرَّكْنَا فِيهَا لِلْعَلَّمِينَ﴾

«Биз унга ва Лутга најсом береб, (уларни) Биз барча оламлар учун муборак қилган (Шом) заминига (юбордик)» [Анбиё 71]

Ҳасан Аллоҳ муборак қилган заминдан мурод Шомдир деган ҳамда буни Мужоҳид, Ибн Зайд ва Ибн Журайждан ривоят қилган. Шайх Саъдий роҳимаҳуллоҳ ҳам уни Шомдир, деган. У ер анбиёлар кўп бўлгани учун даъват тупроғидир. У ерда Пайғамбарларниң қабрлари бор бўлиб, у йигилиш ва қайта тирилиш жойидир. Аллоҳ Таоло у ерни ўз дўсти Иброҳим ҳижрат қилиши учун танлаган заминдир. У ерни, шунингдек, мусулмонлар билан яҳудийлар ўртасида кураш заминига, бизга нусрат ваъда қилинган ерга айлантириди, шубҳасиз, Аллоҳ Ўз ваъдасига ҳаргиз хиёнат қилмас. Демак, Аллоҳ томонидан

муборак қилиб берилган шундай бир замин мусулмонларга доимий адоватда бўлган ва насроний Фарбнинг арқонини тутган душман томонидан босиб олинди. Бу душман яхудийлар бўлиб, улар ҳақида Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿يَتَأْيَهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَشْخُدُوا أَلَيْهُوَ وَالنَّصَرَىٰ أُولَئِاءُ بَعْضُهُمُ أُولَئِاءُ بَعْضٌ وَمَنْ يَتَوَهَّمْ مِنْكُمْ فَإِنَّهُ مِنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّلَمِينَ﴾

«Эй мўминлар, яхудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас» [Моида 51]

Биз Британиянинг нима сабабдан Фаластинда яхудийлар учун давлат қуриб берганини қайта ўрганиб чиқсан, буни диний ҳисоб-китобдан келиб чиқиб содир этганини, яъни мусулмонлар билан яхудийлар доимий душман эканини билгани учун шундай қилганини гувоҳи бўламиз. Шунинг учун бу уларнинг сиёсатига, яъни мусулмонларни яхудийлар билан, яхудийларни мусулмонлар билан овора қилиб қўйиш, мусулмонларни заифлаштириб, бирлашишларига йўл қўймаслик сиёсатларига хизмат қилмоқда. Бу билан Фаластин масаласи, ўз навбатида, ҳалқаро курашнинг асосий жиҳатларидан бирига айланмоқда... Яна шундай оят ва ҳадислар ҳам борки, улардан учала дин (Ислом, яхудий ва насроний динлари) вакиллари ўртасида ҳазорий кураш бўлиши ва бу кураш қиёматга яқин муборак Шом минтақасида мусулмонлар билан яхудийлар ва Фарб насронийлари ўртасида янада кучайиши тушунилади. Ҳақиқатда, айни кескинлик Фаластин масаласига барча масалаларни жамламоқда ва уни ҳамма масалаларнинг энг бирламчисига айлантироқда. Ушбу идеологик кураш кенг кўламли тус олиб, ер юзининг барча қитъасидаги мусулмонларни Фаластин масаласига битта нуқтаи назардан, Ислом ойнасидан қарашга ундамоқда.

**2 – Фаластин масаласининг шаръий ечими «Исройл» деган давлатни йўқ қилиш ва у ерда исломий ҳаётни қайта бошлашдан иборат.** Зотан, Фаластин масаласи исломий масаладир. Шу боис ушбу ечим ҳам исломий бўлиши керак. Чунки Фаластин заминининг ҳукми шуки, у Ислом тупроғи бўлиб, бу тупроқни Ислом давлатига қайтариш ва у ерда исломий ҳаётни қайта бошлаш лозим. Ислом давлати мусулмонлар ҳаётидан фойиб бўлиб, уни барпо этиш фарзга айлангач, давлат барпо этиш орқали Исломни ҳокимиятга олиб

келиш масаласи Фаластин масаласи билан ҳамда мусулмонларнинг ўз юртларидағи масалалари билан ўзаро муштарак битта масалага айланди. Чунки мусулмонларнинг ўzlари яшаётган юртларидағи шаръий вазифалари ўша ерда Аллоҳнинг бошқарувини барпо этиш ва уни барча исломий юртларни ўз ичига олган ягона Ислом давлатига қўшишдир. Демак масала фақат ерни қайтариб олиш билан боғлик эмас. Чунки бу Фаластин ва бошқа ерлардаги мусулмонлар ҳаётида Исломнинг қоим қилинишини эътиборсиз ташлаб қўйишинг англаади. Шу ерда барча мусулмон юртларида Аллоҳнинг ҳокимиятини ўрнатиш учун бирлаштирувчи чақириқ орқали бу масала бошқа масалалар билан бирлашади. Айни шу нарса Умматни ўз дини борасида азият чекаётган ҳар бир мусибатда бир бутун сифатида бирлаштираётганини ҳамда юртларнинг энг узогидан тортиб энг яқинигача бўлган барча юртларда мусулмонларнинг битта позицияда турганини кўряпмиз. Шубҳасиз, бу Исломни қайта ҳаётга олиб келиш ҳамда барча мусулмонлар ва уларнинг юртларини бирлаштириш асосида барпо этиладиган Исломий давлатни тиклашни талаб қилиш позициясидир. Farb Умматнинг айни воқелигини ва унинг хавфини англамоқда ва англагани учун мусулмонларга қарши жиноятларини янада кучайтириб, яхудийларни содир этаётган барча конхўрликларида қўллаб-қувватлаяпти, бу йўлда эркинликлар, тинчлик ва инсон ҳуқуқлари дея ўзи даъво қилиб келган барча тубан фикрларини ўзи оёқ ости қилмоқда... Зотан, буларнинг барчаси фирт ёлғондан иборат.

**З – «Истроил»нинг йўқ қилиниши тўғрисида илоҳий ваъда бор.** Бошқача айтганда қиёматга яқин мусулмонлар билан яхудийлар ўртасида жанг бўлиши ҳамда бу уларни илдизи билан йўқ қилиши ва уларнинг нихояси бўлиши айтилган. Зоро, улар бутун умрлари давомида у ер, бу ерда келгинди бўлиб яшашган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِذْ تَأْذَنَ رَبُّكَ لَيَعْشَنَ عَلَيْهِمْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَمَةِ مَن يَسْوُمُهُمْ سُوءُ الْعَذَابِ إِنَّ رَبَّكَ لَسَرِيعٌ  
الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

«Ўшанда Роббингиз албатта уларнинг устига қиёмат кунигача ёмон азоб билан азоблайдиган зотларни юборишини билдирган эди. Шубҳасиз, Роббингиз (кофирлар учун) азоби қаттиқ, (мўминларни эса) магфират қилгувчи, меҳрибондир» [Аъроф 167]

Улар жамланишгандан кейин йўқ қилиниши айтилган:

﴿وَقُلْنَا مِنْ بَعْدِهِ لَبَّيْنِ إِسْرَائِيلَ أَسْكَنْنَا الْأَرْضَ فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ جِئْنَا بِئْتُمْ لَفِيفًا﴾

«Ундан (Фиръавндан) сўнг, Бану Исроилга «Мана шу ерни маскан тутинглар. Бас, қачон кейинги (бузгунчиликнинг) вақти-соати келганида, сизларнинг барчангизни бир жойга жамлаймиз» деб айтдик» [Исро 104]

Кейин уларнинг жамланиши ушбу муборак заминимизда бўлиши, Масжидул Ақсо уларни қириб йўқ қилиш маъракасининг қоқ ўртаси бўлиши айтилган. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لَيَسْتُؤْمِنُ وُجُوهُكُمْ وَلَيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوا أَوَّلَ مَرَّةً وَلَيَتَبَرَّوْا مَا عَلَوْا تَثْبِيرًا﴾

«Бас, қачон кейинги (бузгунчиликнинг) вақти-соати келганида, (улар яна) юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар киргандари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишлари учун (яна душманларингизни сизларнинг устингизга юборурмиз)» [Исро 7]

Росууллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَا تَقُومُ السَّاعَةُ حَتَّىٰ يُقَاتَلَ الْمُسْلِمُونَ الْيَهُودُ، فَيَقْتُلُهُمُ الْمُسْلِمُونَ حَتَّىٰ يَخْتَيِّي الْيَهُودُ يُ منْ وَرَاءِ الْحَجَرِ وَالشَّجَرِ، فَيَقُولُ الْحَجَرُ أَوِ الشَّجَرُ: يَا عَبْدَ اللَّهِ، هَذَا يَهُودِيٌّ خَلْفِي، فَتَعَالَ فَاقْتُلْهُ، إِلَّا الْغُرْقَدُ، فَإِنَّهُ مِنْ شَجَرِ الْيَهُودِ»

«То мусулмонлар яхудийларга қарши жанг қилиб, мусулмонлар уларни ўлдирмагунича қиёмат қоим бўлмайди... Ўшанда яхудий тош ва дараҳтлар ортига яшириниб олса, ҳатто тош ёки дараҳт ҳам (тилга қириб), эй мусулмон, эй Аллоҳнинг бандаси, мана, ортимда яхудий турибди, кел уни ўлдир, дейди. Фақат гарқад дараҳти бундай демайди. Чунки у яхудийлар дараҳтидир». (Ином Муслим ривояти). Ким бу можарони кузатса, фақат битта хулоса, яъни мусулмонлар яқинда (Исроил) давлатини йўқ қиласи деган хулосага келиши мумкин. Зотан кураш оқими суръат билан шунга қараб кетмоқда. Бу шуни англатадики, воқелик шариатни (яъни юқорида айтилган ҳадисни) тасдиқламоқда ва мусулмонларнинг Аллоҳ уларга нусрат бериши ҳақидаги ваъдасига бўлган ишончини янада оширмоқда. Аллоҳ Таолонинг нусрат бериши тўғрисида ҳадисларда ҳам келган. Масалан, Росууллоҳ ﷺнинг

## «مَّنْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ»

**«Кейин Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади»,** деган башоратлари орқали рошид Халифалик барпо этилиши орқали бериладиган нусрат... ҳамда яхудийлар устидан эришиладиган нусрат:

«تَقَاتِلُكُمْ يَهُودٌ فَسَقْطُلُونَهُمْ»

**«Кейин яхудийларга қарши жанг қиласизлар ва уларни ўлдирасизлар».**

«إِنَّ اللَّهَ رَوَىٰ لِيَ الْأَرْضَ مَشْرِقَهَا وَمَغْرِبَهَا، وَسَبَّلَ مُلْكُ أُمَّتِي مَا رَوَىٰ لِيَ مِنْهَا»

«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди, шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради». Аллоҳ Таолодан бизни ушбу нусратга ноил бўлганлардан қилишини сўраймиз.

**4 – Яхудийларга қарши жанг шаръий жанг бўлиши, Фаластин масаласининг ечими шаръий ечим, яъни жиҳод бўлиши даркор.** Чунки бизнинг уларга қарши курашимиз ҳам, уларнинг бизга қарши кураши ҳам ақидавий курашдир. Улар мусулмон заминни босиб олишди, унинг аҳлини қувиб чиқаришди, улардан ўч олишди ва қаттиқ азобларга солишди. Улар ҳамон америкалик, европалик ва бошқа душманлар билан мусулмонларга қарши тил бириқтиришда давом этишмоқда. Бу ҳолат бизга то Исломнинг ҳаммаси Фаластинда ҳам, бошқа юртларимизда ҳам Аллоҳ учун бўлгунига қадар Аллоҳнинг яхудий душманларига қарши жиҳод қилишни вожиб қилмоқда. Шунинг учун яхудийларга қарши жанг қилишга айнан шундай нуқтаи назардан қарамоқ даркор. Фаластинда яхудийлар билан бўлаётган жанг шаръий жанг бўлгани учун унинг ечими ҳам шаръий бўлиши керак. Унда икки давлат ечимига ёки бошқа ечимга рози бўлмаслик керак. Фаластин ерининг бир парчасида ҳам бепарволик қилиб бўлмайди. Шунингдек, унда БМТдан ҳам, кофир Farb давлатларидан ҳам хукм сўралмайди, чунки бу уларнинг манфаатига ишлайди. Бу масала бошидан охиригача исломий масаладир. Унда ҳалқаро қонунлар ва Farb тил бириқтирувлари асосий рол ўйнамаслиги керак. Унда зўравон хукуматларга қонунийлик тусини бермаслик керак. У фақат Аллоҳ учундир, у фақат шаръий жанг, яъни жиҳод билан ҳал бўлади, бундан бошқа гап йўқ.

**5 – Агар яхудийларга қарши шаръий асосда жанг қилувчи жамоалар бўлса-ю, аммо уларнинг сиёсий етакчилари, худди ҳозирда таклиф қилинаётганидек, яхудийлар учун бир давлат, фаластилик мусулмонлар учун бир давлат дея икки давлат ечимини, яъни ношаръий ечимни талаб қилишаётган бўлса, бундай жамоаларнинг ҳарбий ҳаракатлари эътироф этилади, чунки у яхудийларга қарши жиҳодdir. Шунингдек, улар ҳақиқатда мужоҳид бўлиб, улардан ҳалок бўлганлари ажрини ёлғиз Аллоҳдан олади. Аммо уларнинг сиёсий етакчиларига келсак, уларга ношаръий ечимни талаб қилаётганликлари учун раддия билдирилади ва қилган хатти-ҳаракатлари ва берган баёнотлари қаттиқ шаръан танқид қилинади. Уларга икки давлат талаблари нафақат ножоиз, балки шаръан оғир ҳаром амалидир, дея насиҳат қилинади. Негаки, улар Аллоҳдан бошқасининг, яъни БМТнинг уларга ҳакам бўлишига рози бўлишяпти, бу ташкилотнинг ношаръий ҳукмини қабул қилишяпти. Шу боис шариат ҳаққига ва мусулмонлар ҳуқуқига озгина бўлса ҳам эътиборсиз қарашдан уларни огоҳ этилади. Шунга биноан, Аллоҳдан уларнинг ҳарбий амалларига баракот бериши сўралади, уни кўллаб-қувватланади ва Аллоҳдан уларга муваффақият сўраб ҳақларига дуо қилинади, аммо сиёсий фаолият ва ношаръий ечим эса, рад этилади. Шу ўринда икки иш ўртасида катта фарқ борлигини кўрамиз. Чунки улар амалга ошираётган жиҳод итоатнинг энг юқори чўққисини шакллантираётган бўлса, уларнинг етакчилари амалга ошираётган сиёсий амал Аллоҳнинг газабини кўзғамоқда. Демак, бутун мусулмонлар, хоссатан мужоҳидлар қаёқка қараб кетаётганларини аниқтиниқ белгилаб олмоқлари керак. Шуни таъкидлаш лозимки, жиҳодий фаолиятга хужум қилиш ва уни тўхтатиш ножоиз. Фақатгина ҳарбий ҳаракатлар сиёсий позиция билан чамбарчас боғланиб, сиёсий позицияси ҳарбий ҳаракат мақсадларини амалга оширишга хизмат қилаётгани аниқ бўлсагина жоиз. Мусулмонлар дикқат қилишлари ва эҳтиёт бўлишлари керак бўлган нарсалар мана шулар.**

**6 – Фаластин масаласининг ечими – аввал ҳам, ҳозир ҳам – Исломий Халифалик давлатнинг мавжуд бўлишига боғлиқ экани:** Фаластин масаласи бошиданоқ Халифаликнинг борлигига боғлиқ бўлган. Халифа Абдулҳамид иккинчи роҳимаҳуллоҳ сионистлар раҳбари Герцлнинг таклифини рад этди. Герцл Усмоний давлатга миллионлаб олтин танга эвазига

яхудийларни Фаластинга мигрант сифатида қабул қилишини сўрайди. Шунда халифа Абдулҳамид ўзининг машхур сўзларини айтади: «Герцлга насиҳат қилинглар, бу мавзуда жиддий қадам ташламасин. Чунки мен Фаластиннинг бир қарич тупроғидан ҳам воз кечолмайман. Чунки у менинг мулким эмас, балки Ислом Умматининг мулкидир. Халқим бу замин йўлида жиҳод қилиб, уни қонлари билан суғорган. Бас, яхудийлар миллионларини сақлаб қўйсинглар, бир кун келиб Халифалик давлати парчаланса, Фаластинни текинга олишлари мумкин. Аммо мен тирик эканман, баданимнинг скальпел билан тилка-пора қилиниши мен учун Фаластиннинг Усмоний Халифалик давлатидан бўлиб ташланганини кўришдан енгилроқдир. Таналаримизни ўлганимиздан кейин тилка-пора қилишлари мумкин-у, бироқ тирик эканмиз, бундай қилишолмайди». Ҳақиқатда шундай бўлди. Исломий Халифалик давлатини ағдаришмагунча давлат қуриш на Британиянинг қўлидан келди, на яхудийларнинг. Аммо яхудий вужудини йўқ қилиш Халифаликка боғлик деган фикрга келсак, уни қуйида баён қиласиз: Яхудийларга қарши жанг қилиш ва уларнинг давлатини йўқ қилиб, Фаластин тупроғини мусулмонларга қайтариш мудофаа жиҳодидир. Бу аслида Ислом давлатига муҳтоҷ эмас, балки Ислом давлати мавжуд бўлмаса ҳам Фаластинни озод қилиш фаластиналик ва бошқа ерлардаги мусулмонларга фарздир. Агар бу фарзни амалга оширишдан ожизлик қилинса, фарзлик доираси кенгайиб, барча мусулмонларни ўз ичига олади. Лекин воқега қарасак, исломий юртлар тепасидаги Ғарб қўйган малай ҳукмдорлар бунга тўсқинлик қиляпти. Мусулмонлар ушбу тўсиқни олиб ташлашлари керак ва бу фарздир. Бу эса исломий давлатни тиклашга ҳаракат қилиш орқали бўлади. Аслида, шаръий ҳукм бўйича Фаластинни озод қилиш учун Ислом давлати шарт эмас. Бироқ воқелик жиҳатидан бу фарзга анави ҳукмдорлар йўл бермаяпти. Демак мусулмонлар айни фарзни амалга оширувчи Халифалик давлатини тиклашлари шарт бўлади. Бу «Фарзни адо этиш учун зарур бўлган нарса ҳам фарздир», деган шаръий қоидага биноан бажарилади ҳамда Халифалик давлатини барпо этишга ҳаракат қилишнинг фарзлигига қўшимча шаръий далил бўлади.

**7 – Фаластин масаласининг ечими ҳукмдорларни ағдаришга боғлик:** Бу ҳукмдорлар Фаластин озодлиги қархисида улкан тўсиқдир. Ғарб уларни «Исройл» давлатини

химоя қилувчи девор қилиб уриб қўйган. Айниқса, Фаластинни ўраб турувчи давлатлар (Миср, Иордания, Сурия, Ливан) ва бошқа барча давлатлар армияларнинг ва мусулмонларнинг Фаластинни озод этишларига тўсқинлик қилишяпти. Бу давлатлар ҳатто босқинчи вужуд билан муносабатларни нормаллаштиришга яширину ошкора харакат қилишяпти. Уларнинг Фаластин масаласига бўлган асосий эътиборлари ён бериш, таслим бўлиш, хиёнат, мағлубият ва масалани бошқаларга топшириш деб баҳоланадиган саммитларда кўринади. Шунингдек, уларнинг бу масалага бўлган эътиборлари яхудийларни икки давлат ечими орқали тинчликка чақиришда ҳамда нормаллаштириш сиёсатига ва американлик хўжайинлари қабул қилган ҳар қандай ечимга рози бўлишда кўринади. «Исроил» бу хукмдорлар билан душман деган эътиборда муомала қилмаяпти, балки унинг реал муаммоси мусулмон халқлардир. Бу ҳақда қонхўр Нетаньяху Садатнинг «Исроил»ни зиёрат қилишининг қирқ йиллиги муносабати билан «Исроил» парламентида қилган нутқида бундай деди: «Тинчликни кенгайтириш олдидағи энг катта тўсиқ – бу бизнинг атрофимиздаги давлатлар раҳбарлари эмас, балки араб кўчаларида ҳукмронлик қилаётган жамоатчилик фикридир. Бундай фикрдан мияларни тозалаш керак, чунки у узоқ йиллардан бери (Исроил) ҳақида нотўғри ва нохолис фикр бермоқда». Шундай қилиб биз бу каби хоин ҳукмдорлар бор экан, Фаластинни озод қилиш имконсиз эканини кўряпмиз. Шу боис уларни бошқарувлари билан қўшиб йўқ қилиб, ўрнига битта яхлит давлатда, яъни Халифалик давлатида Ислом ҳокимиятини барпо этиш лозим. Ана шунда Фаластин озодлиги сари қўшинлар ва исломий халқлар сафарбар қилинади.

**8 – Фаластин масаласининг ечими армияларни ҳаракатга келтиришга боғлиқ:** Маълумки, коғир Ғарб Халифалик давлатини вайрон қилиб, уни давлатчаларга бўлиб ташлаб, уларнинг тепасига қўғирчоқ ҳукмдорларни ва ўзининг буйруғидан четга чиқмайдиган армия қўмондонларини ўрнатиб қўйгач, шунингдек, юртлар сиёсатини Ғарб манфаати бўйича олиб борадиган қилиб, Ислом шариатини ҳаёт воқелигидан бутунлай чиқариб ташлагач... шуларнинг барчасига қўшимча, Фаластинга нопок яхудийларни ханжар қилиб санчиб қўйди. Ғарбнинг бундай тақсимлаш ва муборак заминга яхудийларни санчиб қўйишдан мақсади, бу нарсани мусулмонларга мажбуrlab тиқишириш ва уни табиий ҳолга айлантиришdir.

Бироқ Уммат буни қабул қилмади, балки барчалари яҳудий вужудига қарши чиқиб, жанг қилишини истадилар. Шунда уларга Фаластин атрофидаги давлатлар қарши чиқиб, жанг қилишларига йўл бермади. Оқибатда яҳудийлар билан бўлган кураш атрофдаги давлатларга чекланди, сўнгра у янада кичрайиб, Фаластин ҳалқига чекланди. Ҳатто яҳудийлар билан Farb Фаластин ахли учун америкалик генерал Дайтон қўли билан кичик бир маъмурият ва заиф бир қўшин ясад берди... Бу қўшин қаршилик харакатидаги холис мусулмонларга қарши курашадиган бўлди.

Бироқ «Исроил» давлат бўлгани учун унга қарши давлат сифатида курашиш, армияси борлиги учун унга қарши армия сифатида жанг қилиш керак. Демак, яҳудийларни йўқ қилиш мавзусида аввал ҳукмдорлар деворини бузиб, уларни тахтларидан ағдариш ва қўшин орасидаги уларга тобе офицерларни супуриб ташлаш даркор. Шу ерда алоҳида таъкидлаш лозимки, мусулмон юртларидаги қўшинлар Умматнинг бир бўлгадидир, ҳукмдорларнинг бир бўлаги эмас. Faқатгина қўшиндаги қўмондонлар ва хавфсизлик хизматидаги қўмондонларгина Умматнинг бўлаги эмаслар, унга бегонадирлар. Farb ва унга тобе ҳукмдорлар бу қўмондонларни шу режимларни ҳимоя қилиш ҳамда ўзига қарши туғиладиган ҳар қандай хавф ва таҳдидни олиш, одамларни режим сиёсати бўйича юришга мажбурлаш учун танлаган. Аммо улардан бошқалари холис зобит ва аскарлардир.

Фаластин масаласига нисбатан қандай ёндашиш кераклигига келсак, ҳукмдорлар «Исроил» армиясига қарши ўз армияларини харакатга келтиришаётгани йўқ. Ҳаракатга келтиришса ҳам буни Фаластинни озод қилиш ва «Исроил» давлатини йўқ қилишга алоқаси йўқ маълум мақсад ва режа асосида қилишяпти, худди 1967 ва 1973 йилларда қилишгани каби. Шундай экан, ушбу қўшинлардаги зобит ва аскарлар билиши лозимки, зиммаларида динларига нусрат бериш ва Умматларига ёрдам бериб, вазиятларини ўнглаш вазифаси мавжуд. Ҳукмдорлар уларни ҳар қандай тасарруфдан ман қилмоқда. Шунинг учун ушбу ҳукмдорларни йўқ қилишлари ва Ислом давлатини барпо қилиш учун даъват ахли билан бирга фаолият қилишлари лозим. Бу офицер ва аскарлар ҳукмдорларнинг уларга ҳеч қандай ҳаракат қилишларига йўл бермаётгандарини унутмасинлар. Шу боис улар ҳукмдорларни ағдармоқлари ва

даъват аҳли билан биргаликда Ислом давлатини барпо этмоқлари даркор. Ана шундан кейин, жиҳод қилиб «Исройл»ни йўқ қилишдек ўз бурчларини адо этадилар.

**9 – Ислом Уммати бир бутун уммат бўлиб, узоғу яқиндагиси бир-бирига ёрдам беради, уларнинг масалалари ҳам битта.** Шунинг учун биз уларни исломий юртлардан бирортасида мусулмонларга адоват қилинса албатта ёрдамга шошилаётганини кўряпмиз. Бас, бу адоват Фаластинда бўлсачи, биз улардан аксарини жангга кўнгилли бўлиб, оиласини, юртини, ризқини ташлаб, жангга чопиб келаётганига гувоҳ бўляпмиз. Дарҳақиқат, бу Афғонистонда ҳам Совет Иттилоғига қарши, сўнг АҚШга қарши шундай бўлди. Сурияда ҳам шундай бўлди, улардан кўпчилигини четдан келган «муҳожирлар» деб атасди. Сал аввалроқ Босня ва Герцеговинада бўлган эди. Шунинг учун мусулмон юртларидан бирортасида бирор ҳокимият ўзгариши юз берса, бу ўзгариш бошқа тоғутларнинг ўзгаришига ҳам кўчади, бинобарин, «Исройл» чегараларига ҳам етиб келади.

**Ха, мусулмонлар масаласи битта масалага, барча мусулмон юртларини жамловчи Ислом давлатини барпо этиш масаласига айланди.** Бу мусулмонларнинг ҳар бир масаласини ҳал қиладиган, уларни битта давлатда жамлаб, фаровон ҳаёт билан таъминлайдиган, Исломни татбиқ қилиб, уни оламга олиб чиқадиган ҳамда ҳеч бир гуноҳни қилишдан тап тортмаётган золим режимларга якун ясад, ҳадисда келганидек, яхудий вужудини йўқ қиладиган Халифалик давлатини барпо этиш масаласидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ وَعْدَهُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«(Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар билмаслар» [Рум 6] □

**ЭЙ АРМИЯ САФИДАГИ ЗОБИТЛАР! ЯХУДИЙ ВУЖУДИГА  
ҚАРШИ КУРАШДА СИЗНИ ОРТДА ҚОЛДИРГАН ҲАМДА  
УЛАРНИ ҲАЛОКАТГА УЧРАТИБ, ҚҮРҚУВГА СОЛГАН ҒАЗО  
ҚАҲРАМОНЛАРИДАН ИБРАТ ОЛМАЙСИЗМИ... НИМАНИ  
КУТЯПСИЗ??!**

**(Бу Устоз Аҳмад Қасоснинг Ғазодаги аҳлимиз  
 билан бирдамлик кунида қилган жума хутбаси)**

**Биринчи хутба**

Бизни ушбу динга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамлар бўлсин. Агар Аллоҳ ҳидоят қилмаганида биз тўғри йўл топмаган бўлар эдик. Аллоҳнинг ёлгиз ва шериги йўқ эканига ва Мухаммад Унинг бандаси, Росули, танлагани ва дўсти эканлигига гувоҳлик бераман. Аллоҳ ўз Росулини гарчи мушриклар ёқтирмасаларда барча динлар устидан голиб бўлиши учун ҳақ дин билан юборди. Аллоҳим, Пайғамбаримиз Мухаммад ﷺ га, у кишининг саҳобаларига ва қиёмат кунигача у зотнинг ҳидоятига эргашган ва суннатини яхшилик билан ушлаган кишиларга салоту салом ва баракотлар ёғдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَتَقُوْا اللَّهَ حَقًّا تُقَاتَهُ وَلَا تَمُوتُنَ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ﴾

الْمُؤْمِنِينَ أَعْرَةً عَلَى الْكُفَّارِينَ يُجَهِّدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا يَخَافُونَ لَوْمَةَ لَآئِمٍ ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ  
يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسْعٌ عَلِيهِمْ ﴿ إِنَّمَا وَلِيْكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ ءامَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ  
الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكُوةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ ﴾ وَمَن يَتَوَلَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالَّذِينَ ءامَنُوا فَإِنَّ حِزْبَ  
اللَّهِ هُمُ الْغَلِيْبُونَ ﴿ يَتَأَيَّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا لَا تَتَحَدُّو الَّذِينَ أَخْذَدُوا دِينَكُمْ هُزُوا وَلَعِبَا مِنَ  
الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِن قَبْلِكُمْ وَالْكُفَّارُ أَوْلَاهُمْ وَأَنَّهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴾

«51. Эй мўминлар, яхудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сиздан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшаларданdir. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас. 52. Бас, Сиз дилларида мараз бўлган кимсалар: «Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз», деган ҳолларида улар (кофиirlар) томонга шошаётганларини қўрасиз. Шояд Аллоҳ мусулмонларга ғалаба берса ёки ўз ҳузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиладиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар. 53. (Шунда) мўминлар (бир-бирларига): «Жон-жасадлари билан «Сиз билан биргамиз», деб қасам ичганлар шуларми?» дейдилар. У мунофиқларнинг қилган амаллари беҳуда кетди ва ўзлари зиён кўргувчиларга айланиб қолишиди. 54. Эй мўминлар, сизнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтиурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўминларга хоккор, кофиirlарга эса қаттиққўл, бирон маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай Аллоҳ йўлида қурашадиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ фазлу карами кенг, билгувчиdir. 55. Сизнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг пайгамбари ва таъзим-тавозеъ қилган ҳолларида намозни тўқис адо этадиган, закотни (ҳақдорларга) ато этадиган мўминлардир. 56. Кимки Аллоҳни, унинг пайгамбарини ва мўминларни дўст тутса, (најсом топгай), зеро фақат Аллоҳнинг гуруҳигина голиб бўлгувчиdir. 57. Эй мўминлар, сиздан илгари китоб берилганлар ичидан динингизни ҳазил-масхара қилиб олган кимсаларни ва кофиirlарни дўст қилиб олмангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳдан қўрқингиз!»

[Моида 51-57] □

**ИСЛОМИЙ ОЛАМДАГИ ҚЎШИНЛАР БИЗНИНГ  
ҚЎШИНЛАРИМИЗДИР, УЛАРНИНГ РАҲБАРЛИГИ БИЗДАН  
ТОРТИБ ОЛИНГАН ВА БИЗ УНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШИМИЗ  
ФАРЗДИР**

**Шайх доктор Муҳаммад Иброҳим  
Хизб ут-Таҳрирнинг Ливан  
вилоятидаги матбуот бўлими раиси**

Ғарбдаги Уммат душманлари мусулмонларни ҳамиша исломий фикрлар ва уларнинг нажот йўлини ташкил этувчи муҳим шаръий ҳукмлардан адаштириб келишган. Бундан мақсад мусулмонлар ўзлари тушиб қолган ҳолатдан ҳамда бошига тушган мадорсизлик ва парчаланишдан чиқмасин. Шунингдек, чукурга тушиб, ундан чика олмасдан доира ичидаги тусмоллаб айланиб юраверсин. Ҳатто муваффақиятсиз тажрибалардан кейин ноумидлик энг чўққисига чиқиб, воқега рози бўлиб, ўзларининг ҳаракатсизликларини оқласинлар.

Ўша адаштирувчи фикрлардан бири бу исломий оламдаги армиялар малай ва золим ҳукмдорлар каби душманимиз деган фикр. Аслида эса исломий оламдаги армиялар бизнинг армиялар ва Уммат армияларидир. Уларнинг раҳбарлиги биздан тортиб олинган, биз уни қайтариб олишимиз керак. Шунингдек, биз уларни Аллоҳни рози қиласиган ва ўз гоясини рўёбга чиқарадиган нарсада бошқаришимиз керак. Чунки бу гоя Аллоҳ бизга буюрган гоя бўлиб, ички хавфсизликни сақлаш, ташқаридаги душманларга қарши жиҳод қилиш ва Исломни ёйишдан иборатдир.

Бу қўшинлар ўз маблаглари, нафақалари ва қуролларини бизнинг пулларимиздан олади. Бу қўшинлар бизнинг номусларимизни, қадриятларимизни, ерларимизни ва юртларимизни қўриқлаш учун ташкил этилган. Бу қўшинлар душманларга қарши кураш ҳамда номус ва қадриятларни сақлаш учун ташкил қилинган. Улар ҳеч қачон золимларнинг таҳтини химоя қилиш учун ташкил этилган эмас. Шунинг учун улар ўз Уммати, Муҳаммад Умматига, ҳатто мусулмон бўлмаса-да мазлум ва заифхолларга ёрдам бериши вожибdir. Ер юзининг барча жойларидаги мусулмонлар Газодаги аёллар ва болаларга ҳамда барчани ёрдамга чақирган ва барчадан улар билан бирга бўлишни талаб қилган мужоҳидларга жавоб берган ҳолда қўшинларни ҳаракатга келтиришни сўради. Шунингдек, намойишлар, дуо ва ёрдамлар билан қўзғалишди. Аммо қўшинлар ҳаракатга келмади.

Мухаммад ﷺ нинг Уммати дуо қилишга буюрилган, лекин дуонинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки ёлғиз дуонинг ўзи ноchorнинг тутадиган йўлидир. Бу хақда Росулуллоҳ ﷺ нинг ҳадислари бор. Ҳадиснинг маъноси шундан иборатки, уч киши қийин аҳволга тушиб, ёмғир сабабли фордан паноҳ топишга мажбур бўлишди. Улар форда туришган пайт катта харсанг тош қулаб, фор оғзини тўсиб қўйди. Улар тошни йўлдан олишга хар канча ҳаракат қилишмасин ожизлик қилишди. Шунда улар ноиложликдан қилган солиҳ амаллари ҳаққи Аллоҳга дуо қилишди. Шунда Аллоҳ Таоло уларга ёрдам бериб, тошни йўлдан улоқтириди ва улар нажот топишди. Аммо Аллоҳ Таоло кимгаки бир шаръий ҳукмни баён қилган бўлсаю, лекин у ўша ҳукмни бажаришга ҳаракат қиласа, фақат дуо қилиш билан кифояланса, у гуноҳкор бўлади. У Аллоҳ буюрган муолажани қўлламагунича бошига тушган бало олиб ташланмайди. Шунинг учун агар фақат дуога чеклансан, гуноҳкор бўламиз. Дуо чўкаётганни қутқарадими?! Агар бир инсонни чўкаётганини кўрсангиз, намоз ўқиб, дуо қиласизми?! Йиғлайсизми?! Сиз бу чўкаётганни Аллоҳ қутқарса ажаб эмас, ёрдамчилар ва ғаввослар етиб келиб қутқарса ажаб эмас, деб қараб турасизми?!

Бугун Ғазо самолётлардан ўққа тутилмоқда, мусулмонларнинг самолётлари қаерда қолди?! Миср армиясида, Иордания армиясида ва Туркия армиясида замонавий самолётлар бор. Улар бу қуролларни кимлар учун сақлашмоқда. Эй Ислом қаҳрамонлари, бу қуролларни бугун ишлатиш даври келди. Сиз ҳам «биз то тирик эканмиз, жиход қилиш учун Мұхаммадга байъат берганмиз» дея ҳайқирган турк полициячиси Мевлут Алтинташдек бўлинг. У қуролни фақат мана шу рус элчисини ўлдириш учун кўтарди ва Суриядаги мусулмонлар учун ўч олди. Сиз Миср армияси сафида бўлган, Аллоҳ учун ўзини назр қилган, яхудийларга ҳужум қилиб, улардан бир нечтасини ўлдириб яна бир қанчасини ярадор қилган Мұхаммад Салоҳдек бўлинг. Ана ўшалар қаҳрамонлардир, улар Мұхаммад ﷺ армияси вакиллариидир. Бу нарса қўшинлар ҳокимнинг эмас, балки Умматнинг қўшинлари эканига далолат қилади. Қўшиндан талаб қилинадиган нарса ўз раҳбариятини ҳукмдорлардан олиб, Уммат қўлига топширишидир.

Ҳукмдорлардан, хусусан босқинчи вужуд атрофидаги (Миср, Сурия, Иордания ва Ливан) ҳукмдорларидан умид йўқ. Эрдоган

эса ёлғондан исломий шиорларни кўтариб чиқаётгани учун мусулмонлар алданиб ундан яхшилик умид қилмоқдалар. Бироқ, мана, Ғазо урушида унинг ёлғонлари ва мунофиқлиги фош бўлди. Газода қирғин бўлаётган бир пайтда, ўт очиши тўхтатишига чақириш билан кифояланди ва тажовузкор билан мазлумни тенглаштирди. Аммо бу вақт курол ва самолётларни юборадиган вақт эди. Эрдоган Украинага самолётларини юбориб, Украянанинг барчаси озод қилиниши лозим деб баёнот берган бўлса, Ғазога кафан ва сув юбориш билан кифояланмоқда. Юборган нарсалари эса Рафаҳда тўхтатилиб, ҳалигача киришига рухсат берилгани йўқ. Эрдоган енгил огоҳлантириш беришининг ўзи кифоя эди, чунки унда самолётлар бор. Нима учун у Ғазо аҳлига нисбатан насроний кофирларга қилган муомаласини қилмади. Заифхол мусулмонларга ёрдам бериш афзалроқ эмасмиди? Агар унда динга нисбатан холислик бўлса, қўшинни ҳаракатга келтирмайдими, чунки бу жиҳод қилиш вақтидир.

Шунинг учун армия раҳбарлигини қайта қўлга олишимиз ва Мұхаммад ﷺ байроғини кўтаришимиз керак. Армия бизга қарши эмас бизнинг фойдамизга ишлайдиган қувват бўлиши керак. Армия Иордания қироли, Миср Фиръавни ва бошқа мусулмон тоғутлар каби хоин ҳукмдорларнинг тахтини эмас, балки Ғазо ва бошқа жойлардаги мусулмонларни ҳимоя қилиши лозим.

**Биринчи рисола:** Армияларимиз учун тоғут ҳукмдорларнинг қарорларига қарши қўзғалиб, Ғазолик эркак, аёл ва болаларнинг нолаларига жавоб берадиган вақт келди. Шунингдек, мужоҳидлар билан бирга Аллоҳнинг душманлари бўлмиш яхудийларга қарши жанг қилишлари лозим.

**Иккинчи рисола Мұхаммад ﷺ Умматига:** сиз армияларни Аллоҳ уларга фарз қилган жиҳод ҳамда тоғутга итоат қилмаслик, ҳар қандай тоатдан Аллоҳга бўлган итоатни устун қўйиш ва Яратувчига осийлик қилишда бандасига итоат қилмаслик каби амалларга чақиришингиз керак.

**Учинчи рисола:** Бу тоғут ҳукмдорларга эмас балки Мұхаммад ﷺ Умматига, Мұхаммад Умматидаги таъсир ўтказувчи кучларга ва қувват аҳлига. Албатта Америка Кўшма Штатлари Фаластин муаммосининг ечимиға икки давлат ечими асосидан қарайпти. Яъни Фаластин ерларининг 78 %ини ўз ичига оловчи яхудий давлати ва Фаластин ерларининг 22 %ини ўз ичига оловчи муҳофаза ёки муниципалитетга ўхшаш

давлатча бўлишини айтмоқда. Бу давлатча Ақсо масжиди ва Абу Дайсдан ташқари Ғазо ва Ғарбий Соҳилни ўз ичига олади, холос. Устига-устак, бу минтақа қуролсизлантирилади. Исломий оламдаги барча тоғутлар сионист вужуди (Исройл)ни тан олмоқда. Бу Америка ҳамда унинг мусулмон юртларидағи малай ҳукмдорлари уни амалга ошириш учун ҳаракат қилаётган Америка лойиҳасидир. Уларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, қандай адашмоқдалар-а! Ғазо аҳли қамал қилинаётган, эркаклар, аёллар ва болалар ўлдирилиб, ерлари вайрон қилинаётган бир пайтда, мусулмон ҳукмдорлар мана шу икки давлат ечимини тақрорлашмоқда. Икки ҳафтадан бери Миср конференциясида хоинлар тақрорлаётган бу лойиха, яъни икки давлат ва ўт отишни тўхтатиш ечими Аллоҳни рози қиласидаги ечим эмас, балки у Аллоҳни ғазаблантиради. У Американи рози қиласидаги ҳамда унинг манфаати ва сиёсатини рўёбга чиқаради.

Йўқ, Аллоҳга қасамки, ким шунга чақираётган бўлса, йўқолсин. Чунки яхудий вужудини илдизи билан қўпориб ташлашдан бошқа ечим йўқ. Бу борадаги шаръий ҳукм Фаластин озод бўлмагунча жиҳод қилишдан иборат.

Дунёнинг нариги чеккасидан келиб, юртимизнинг қоқ маркази-юрагига жойлашиб олган бу бир ҳовуч келгиндилар билан бўлган тўқнашувимиз ва уларнинг мағлубияти ортидан, биз ҳар сафар анави тоғутларнинг ғалабамизни навбатдаги сиёсий хиёнатга алмаштиришаётганига гувоҳ бўляпмиз. Улар мусулмонларга хиёнат қилиб, уларни душманга қарши жиҳоддан қайтармоқда. Биз бу тоғутларни шаҳидлар қони ва мусулмонларнинг қурбонликларини зое кетказишаётганини, қувватни сочиб юборишаётганини ва ғалабани зое кетказишаётганини кўряпмиз. Аксинча улар ғалабани сиёсий мағлубиятга айлантиришмоқда, улар душман уруш майдонларида рўёбга чиқара олмаган нарсани келишувлар орқали рўёбга чиқариб бермоқдалар. Биз бундан барчани, хусусан, Ғазо аҳли ва унинг мужоҳидларини ҳамда Мухаммад ﷺ Умматининг барча қатламларини огоҳликка чақирамиз. Анавиларнинг сизнинг нусратингиз, саботингиз ва жиҳодингизни ўғирлашларига йўл кўйманг.

Фаластин муаммоси унинг денгизидан тортиб дарёсигача кутқариш орқали ечилади. Фаластин хирожий ер бўлиб, мусулмонларнинг мулкидир. У яна мусулмонларга қайтарилиши лозим, у ерда сионист, яхудий ва салибчиларга

Исломий оламдаги қўшинлар бизнинг қўшинларимизdir ва биз уни қайтариб олишимиз фарзdir

жой йўқ. У қиёматгача Мұхаммад Умматиники бўлиб қолади. Яхудийларнинг жангда қўрқоқлик қилиши ҳақида Роббимиз хабар берган ва буни юқорида айтиб ўтдик. Агар яхудийларга карши қандай жанг қилганимизни билишни истасангиз, тарихни, Куръонни ва пайғамбаримиз суннатини ўқинг. Бу Фазо ахли учун, бошқа мусулмонлар учун ва куч қудрат ахли орасида пойлаб турганлар учун Аллоҳ йўлида жиҳод қилишларига хушхабардир. Бу хушхабарни билгингиз келса, тарихга мурожаат қилинг. Биз Бану Қайнуқо, Бану Назир, Бану Қурайза ва Хайбар яхудийлари билан жанг қилганимиз. Яхудийлар билан тўрт жангда уришдик ва уларнинг куролларини ўлжа қилиб, ерларни озод қилдик. Сўнг эркак ва аёлларини асирга олдик, улар ва уларнинг қўлларидағи нарсалар мусулмонларнинг ўлжасига айланди. Улар бирор марта ҳам голиб бўлишмади, балки ўзлари ва қуроллари мусулмонлар ўлжасига айланди. Аллоҳнинг изни билан яқинда яхудий вужуди ва уларнинг қўлларидағи қуроллари Мұхаммад ﷺ Умматининг мулкига айланади. Биз буни ўз кўзларимиз билан кўрдик. Мана, бир гурух мужоҳидлар уларнинг устига деворлар оша кириб боришли.

﴿أَدْخُلُوا عَلَيْهِمُ الْبَابَ إِذَا دَخَلْتُمُوهُ فَإِنَّكُمْ غَلِيلُونَ﴾

«Уларнинг устига дарвозадан тўсатдан кирингиз, ундан кириб олишингиз биланоқ шубҳасиз голиб бўлурсиз»[Моида 23]

Кейин нима бўлди?! Ўнлаб, ҳатто юзлаб яхудийлар ўлдирилди ва минглаб одамлар бир гурух мужоҳидлардан қочиб кетди. Биз бир гурух мужоҳидлар қандай қилиб яхудий аскарларини танклардан чиқариб олаётганини, қуроллари ва катта ҳарбий базаларини эгаллаётганларини ҳамда яхудийлар якка ва гурух бўлиб қочаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Аллоҳга қасамки, улар Мұхаммад ﷺ нинг қўшинига ҳамда жиҳод эълон қилган ва Мұхаммад ﷺ нинг байроғини кўтарган қўшинга қарши уриша олмайди.

### Эй Ислом Уммати!

Сиз одамлар учун чиқарилган энг яхши Умматсиз, сизда яхшилик бор, сиз учун Аллоҳнинг ваъдаси бор. Чунки Аллоҳ Таоло мусулмонлар яхудийлар билан жанг қилиши ва Байтул Мақдисни озод қилиши ҳақида хабар берган. Эҳтимол Байтул Мақдис Ислом раҳбариятининг қароргоҳи ва ваъда қилинган Ислом давлатининг пойтахти бўлар. Роббингиз Римни фатҳ қилишингиз, ер юзини бошқаришингиз ва яхудийларни йўқ

Исломий оламдаги қўшинлар бизнинг қўшинларимиздир ва биз уни қайтариб олишимиз фарзdir қилишингиз ҳақида ваъда берган. Ислом ҳовлиси ичкариси ва Ислом давлати пойтахти Аллоҳнинг изни билан Байтул Мақдисда бўлади. Эй Аллоҳнинг бандалари, ваъда сизни кутмоқда, шон шараф ва нусрат сизни кутмоқда. Шундай экан, Аллоҳ билан бирга бўлинг, Аллоҳнинг шариати билан хукм юритинг, тоғутлар тахтини улоқтиринг, Байтул Мақдис томон жиҳод эълон қилинг ҳамда Ғазо ва Қуддусдаги аҳлингиз билан бирга бўлинг.

Буюк ва қодир Аллоҳдан Ақсо масжидининг озод қилиниши бизнинг қўлларимиз билан ва шу кунларда бўлишини сўраймиз. Шунингдек, яқинда Ақсо масжидида Амирул мўминин ортида намоз ўқишимизга муяссар қилишини сўраймиз... Аллоҳ Таоло муҳоҳидларнинг қадамларини мустаҳкам қилсин, душманлари устидан нусрат берсин ва муҳоҳидларни кучайтирсин. Аллоҳ Таоло қасалларига шифо берсин, жароҳатларини тузатсин ва шаҳидларини қабул қилсин... Эй Ғазо аҳли бугун сиз Умматга, уламоларига, ёшлирига, кичикларига ва катталарига амалий имонни ҳамда сабот ва қурбонлик кайфиятини кўрсатдингиз. Аллоҳ сизни саботли қилсин, бошпана берсин ва нусрат берсин... Бизни Муҳаммад Умматидан ва Исломнинг энг буюк хукмларидан бири жиҳод Умматидан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин... Ана Муҳаммад Уммати ичидаги нидо қилувчи жиҳодга шошилинг деб нидо қилмоқда, жавоб бергувчи борми?! Исломий Халифалик давлати қўшинини пайдо қилиш учун Роббисининг динига ёрдам берадиган мусулмонлар қўшинлари қаерда. Давлатки, яхудий вужудини йўқ қиласди ва уларга ёрдам берәётган давлатларга тўсик қўяди... Ёрдам бергувчи фақат Аллоҳдир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُونُوا أَنْصَارَ اللَّهِ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлингиз!» [Соф 14] □

## **ИСЛОМ МИЛЛИЙ ДАВЛАТНИ РАД ЭТАДИ ВА ИСЛОМ УММАТИНИ БИТТА ҚУДРАТЛИ ИСЛОМ ДАВЛАТИДА БИРЛАШТИРАДИ**

**Мусъаб Умайр – Покистон вилояти**

**Муқаддима: Халифалик давлатидаги бирлик ягонадир ва  
у турли миллий давлатлардаги бўлинишдан фарқ қиласи**

Бугунги кунда Ислом оламининг иқтисодий ва хавфсизлик жиҳатидан қулаши баробарида мусулмонлар эллик еттига заиф миллий давлатга бўлинниб кетган. Мусулмонлар ўртасида Ислом Уммати шавкатини мустаҳкамлаб, кризисларини ҳал этиш учун уни бирлаштириш керак, деган мунозаралар кучайди. Умматнинг бирлашиши унинг учун дунёдаги ҳар қандай давлатдан қудратли ягона давлат бўлишини англатади, яъни армияси ҳам битта, газнаси ҳам битта бўлиб, нуфузи унинг вилоятлари ва ҳудудлари ўртасида чегара билмайди... Халифалик давлати мусулмон ёшларни, кучли мусулмон қўшинларни ва ҳосилдор ерларни ўз ичига олади. Бу ерлар унинг кучли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, хилма-хил минерал ва энергия ресурсларига эга бўлишини таъминлайди. Халифалик давлати Ислом оламидаги барча савдо йўлларини ва асосий денгиз йўлларини назорат қиласи.

Ислом ўзига хос ва мос бирликни келтириб чиқарувчи алоқа бўлиб, мусулмонларга бошқа уммат ва ҳалқлардан мумтоз равишда ажralиб турувчи ягона умматдирлар, дея таъриф беради ҳамда улар ўртасида ирқ, ранг, қабила, қавм, юрт ва бошқа асосларда бўлинишни рад этади, давлатни бутун Ислом уммати учун битта давлат, Халифалик давлатидир, деб билади. Ислом мусулмонларнинг ушбу давлати ва ҳокимиятининг ҳар қандай синфга бўлинишини ҳаром қилган. Шу сабабдан Ислом давлати тушунчаси миллий давлат тушунчаларидан мутлақо узоқ.

**Миллий давлат асл ва асосда Исломга бегона:**

Дарҳақиқат, миллий давлат тушунчаси тарихда христиан Европаси ва унинг эътиқодларидан келиб чиқди. Яъни у Исломга тамоман бегона. Европанинг масиҳий давлатлари ўртасида ўттиз йил диний урушлар бўлиб ўтгач, улар ўзаро шартномалар туза бошлишди. Ана шунда 1648 йил «Вестфалия сулҳи» ташкил топиб, урушга якун ясади ва бу низони тугатишга уриниш сифатида янги миллий давлат пайдо бўлишининг бошланиши бўлди.

Фарбдаги капиталистик давлатлар миллий давлат тушунчасига асосланган. Шунинг учун халқни ўз юртларидағи ҳукумат билан бирга мана шу миллий давлатга мансуб қилишди ва ҳар бир халқ ўша давлат чегараларида танилади. Фарб тафаккурида уммат география, тарих, этник келиб чиқиш, мерос ва тил каби бир ёки бир нечта омилларга асосан белгиланиши мумкин.

Миллий давлат тушунчаси асосидан бузук бўлиб, Уммат хақида нотўғри тушунчага асосланган. Уммат ҳаётда уммат сифатида шаклланиши учун албатта бир хил тушунчалар, эътиқодлар, қаноатлар, ўлчовлар ва нуқтаи назарга эга бўлиши керак. Тарих, ирқ, тил, ва меросга келсак, улар халқ орасидаги умумий хусусиятларнинг шаклланишига ҳисса қўшиши мумкин. Лекин Умматни тайёрлаш ва унда ягона нуқтаи назарни вужудга келтиришга ҳисса қўшмайди. Умматни пайдо қилишнинг ягона тўғри йўли умумий мабда асосига курилади. Шунингдек, Умматнинг ягона тўғри таърифи унинг умумий идеологиясида асосланади. Бундан ташқари, миллий давлат курашни тугатмайди, аксинча, уни янгича шаклда, миллий давлатлар ўртасидаги кураш шаклида қайта жонлантиради. Шунинг учун бутун дунё тарангликлар, низолар, курашлар, урушлар ва жаҳон урушлари оловида ёнмоқда.

### **Миллатчилик ва миллий давлатнинг бузғунчиликлари:**

Фарб даъволаридан фарқли ўлароқ, миллий давлат низолар ва курашларнинг авж олишига олиб келди ҳамда Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларига сабаб бўлди. Миллий давлат тушунчаси бир халқнинг бошқа халқлардан устунлиги, бир ирқнинг бошқа ирқлардан ҳукмронлиги мафкурасини келтириб чиқаради. Германия, Франция, Россия, Британия ва бошқа кўплаб мустамлакачи Фарб давлатлари тарихда шу мафкурани илгари суриб қелишган. Миллий давлатлар кураши Россия билан Украина ўртасида қирғинбарот урушга, бундан ташқари, Кўшма Штатлар билан Хитой ўртасида тарангликларга асос бўлди.

Миллий давлат мустамлакачилик империясини кенгайтиришга интилишнинг кучайишига олиб келди. Европада пайдо бўлган миллий давлатлар регионал кенгайишга қодир эмасликларини англаб етди ва оқибатда мустамлакачилик билан кенгайиш йўлини тутиб, ўз ортидан нафақат Европада, балки Ислом оламида ҳам вайронагарчиликлар қолдирди. Ўша мустамлакачилик ҳанузгача бор. Фақат замонавий кўринишда

Ислом миллий давлатни рад этади ва Ислом Умматини битта курдатли Ислом давлатида бирлаштиради давом этяпти. Бевосита ҳарбий босқинчилик кўринишидан қўра кўпроқ, бугун сиёсий ва иқтисодий мустамлака кўринишида давом этяпти. Аслида, бугунги кундаги янги мустамлакачилик, эҳтимол, энг экстремал ва кенг тарқалган шаклда бўлиб, унинг даври Фарб тарихидаги олдинги даврлардан ҳам ёмонроқ бўляпти.

Бу миллий давлат Ислом Умматига мустамлакачиликка кўшимча, уни бўлиб ташлаш билан ҳам заарар келтирди. Ҳолбуки, мусулмонлар миллий давлат бизга мустамлакачиликдан мустақиллик беради, деб ўйлаган эдилар... Бирок уларни бўлиб-бўлиб, заиф аҳволга келтирди. Масалан, араб ва турк миллатчилиги туфайли араблар кўзголон килиб, турклар бошқаруви етакчилигидан воз кечишиди... Болқон минтақаси Усмонли Халифалигидан ажраб чиқди... Оқибатда Аллоҳ бизга кофириларни ҳукмрон қилиб қўйди. Яқинда эса, мана шу миллий манфаат асосида Покистон Афғонистонга қарши АҚШни қўллаб-куватлади... Саудия, Сурия, Туркия, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари АҚШга Ироқ урушида ёрдам беришиди... Миллий манфаат асосида ҳозирги ҳукмдорлар Кашмир ва Фаластин озодлиги учун жанг қилишдан бош тортмоқдалар...

Ҳа, миллий давлат сабабли инсоният кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирди. Шунинг учун инсоният Исломнинг қардошлиқ, бирлик, Уммат ва давлат каби бебаҳо тушунчаларни тақдим этганини англаб етмоғи ва мусулмонлар етакчилигидаги янги глобал тузум сифатида Ислом тарафига йўналмоғи даркор.

### **Мусулмонлар иймон билан жамланган битта Умматдирлар:**

Мусулмонлар ер, қабила, ирқ, ўзлик ва тил асосида жамланган битта уммат эмаслар. Ислом Фарбнинг миллийлик, миллий этник, миллий манфаат ва миллий давлат каби тушунчаларидан бутунлай узоқ. Мусулмонлар иймон билан жамланган битта Умматдирлар.

Буюк қудрат эгаси Аллоҳ

﴿وَأَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا﴾

**«Барчангиз Аллоҳнинг арқонига (маҳкам) боғланинглар ва бўлинманглар!»** [Оли Имрон 103]

деди. Бу оят мусулмонларнинг битта жамоатда, яъни битта давлатда бирлашишлари фарз эканлигига далилдир. Ибн Касир оят тафсири ҳақида «уларни жамоа бўлишга буюряпти, бўлинишдан қайтаряпти» деган. Аллоҳ Азза ва Жалла яна

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْرَجُوا﴾

**«Албатта мўминлар ака-уқадирлар»**

[Хужурот 10]

Ислом миллий давлатни рад этади ва Ислом Умматини битта курдатли Ислом давлатида бирлаштиради деган. Куртубий ушбу оят тафсирида бундай деган: «Бу ердаги ака-укалик дин ва хурматдадир, насабда эмас. Шунинг учун дин оға-инилиги насаб оға-инилигидан мустаҳкам, чунки насаб оға-инилиги диннинг қаршилиги билан узилади, дин оға-инилиги эса насабнинг қаршилиги билан узилмайди, дейдилар».

Росулуллоҳ марҳамат қилганлар:

«هَذَا كِتَابٌ مِّنْ مُحَمَّدٍ الَّتِي بَيْنَ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُؤْمِنِينَ مِنْ قُرْيَشٍ وَيَنْبُوبَ وَمَنْ تَبَعَهُمْ فَلَأَحَقَّ  
كِفْمٌ وَجَاهَدَ مَعَهُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً دُونَ النَّاسِ»

«Бу Мухаммад Пайғамбар ﷺ томонидан қурайшлик ва ясириблик мўмин-мусулмонлар ҳамда уларга эргашган, уларга қўшилган ва улар билан бирга жиҳод қилган кишилар ўртасида (амал қилиниши учун) тузиб берилган келишув бандлариdirки, улар бошқалар қаршисида ягона умматdirлар». (Байҳақий «Сунанул Кубро»да ривоят қилган). Ислом Уммати битта Умматdir, унда исломий бирлик рӯёбга чиқмоғи даркор. Сиёсий бирлик эса, Халифаликни барпо қилишда гавдаланади. Бинобарин, Мадина Мунавварада Ислом давлати миллий давлат бўлган эмас, аксинча бутун Умматнинг бирлик ҳокимияти эди. У ерда турли қабила ва ирқлар бўлишларига қарамай, барчалари яқдил мўминлар бўлдилар. Ислом дини уч қитъа халқларини ақида орқали бирлаштириб, Ислом учун холис битта Умматга айлантирган ва бунга тарих гувоҳлик бермоқда.

**Мусулмонлар ирқий ва миллий асосда бўлинмасликлари керак:**

Ислом ирқ, миллат, қабила ва тил асосидаги, барча шаклдаги бўлиниш ва камситишини қоралайди. Росулуллоҳ ﷺ видолашув хутбасида бундай деганлар:

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ أَلَا إِنَّ رَبَّكُمْ وَاحِدٌ، وَإِنَّ أَبَّاكُمْ وَاحِدٌ، أَلَا لَا فَضْلٌ لِغَنِيٍّ عَلَى عَجَمٍ، وَلَا  
لِعَجَمٍ عَلَى غَرِيٍّ، وَلَا أَحْمَرٌ عَلَى أَسْوَدٍ، وَلَا أَسْوَدٌ عَلَى أَحْمَرٍ، إِلَّا بِالْتَّقْوَى»

«Эй мўминлар! Сўзимни тингланг ва яхши тушуниб олинг. Батаҳқиқ Роббингиз бирдир. Оталарингиз ҳам биттадир. Огоҳ бўлингки, арабларнинг ажамдан, ажамнинг эса арабдан, оқ танлининг қора танлидан, қора танлининг оқ танлидан ҳеч қандай устунлиги йўқдир. Устунлик ёлғиз тақводадир». (Ином Аҳмад ривояти). Росулуллоҳ ﷺ яна марҳамат қилганлар:

«إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ قَدْ أَذْهَبَ عَنْكُمْ عُبَيْبَةَ الْجَاهِلِيَّةِ وَفَحْرَهَا بِالْآبَاءِ، مُؤْمِنٌ تَقِيٌّ وَفَاجِرٌ شَقِيٌّ، أَنَّمَا  
بَئُونَ آدَمَ وَآدَمًَ مِنْ تُرَابٍ. لَيَدْعَنَ رِجَالٌ فَخْرُهُمْ بِأَفْوَامِ إِنَّمَا هُمْ فَحْمٌ مِنْ فَحْمٍ جَهَنَّمَ أَوْ لَيَكُونُنَّ  
أَهْوَانَ عَلَى اللَّهِ مِنَ الْجُلْغَلَانِ الَّتِي تَدْفَعُ بِأَنْفُفَهَا النَّقَنَ»

«Албатта, Аллоҳ сиздан жоҳилиятнинг кибрини ва отабоболари билан ўзини катта тутишни кетказди. Мўмин тақво билан, фожир бадбаҳтлик билан (ажралиб туради). Зеро, сизлар Одамнинг фарзандларисиз, Одам эса тупроқдандир. Кишилар қавмлари билан фахрланишларини қўйсиллар. Зеро, у қавмлар жаҳаннам кўмиридан бўлган бир кўмирдирлар. (Агар қавмлари билан фахрланишларини тарк қилмайдиган бўлсалар) Аллоҳ учун тумшуғи билан гўнг титадиган сассиқ қўнғиздан ҳам пастроқ бўлурлар». (Абу Довуд ривояти).

Аллоҳ Азза ва Жалла айтади:

﴿يَأَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَى وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارُفُوا إِنَّ  
أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتَقْنَاكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ حَبِيرٌ﴾

«Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизнинг Аллоҳ назидаги энг ҳурматлирогингиз тақвадоррогоғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир» [Хужурот 10]

Ислом алоқасидан бошқа ҳар қандай алоқага ва биродарликка чақириш гуноҳи азимдир:

Ислом қабилачилик ёки миллатчиликка бўлган чақириқни қоралайди, чунки у мусулмонларни бўладиган ва заифлаштирадиган хавфли чақириқ. Буларга чақириш йўлида ўлим топиш динсиз коғир бўлиб ўлиш билан баробар. Росулуллоҳ ﷺ бундай деганлар:

«مَنْ قُتِلَ تَحْتَ رَأْيِهِ عُمَيْيَةً يَدْعُ عَصَبَيَّةً أَوْ يَنْصُرُ عَصَبَيَّةً فَقِتْلَةً جَاهِلِيَّةً»

«Кимки тарафкашликка чақирган ёки тарафкашликни қўллаган ҳолда ботиллик байроби остида ўлдирилса, бас унинг ўлими жоҳилият ўлимидир». (Имом Муслим ривояти). Нававий бу ҳадис шарҳида бундай дейди: «Ундей кимса уруғчилик учун ғазабланяпти, динга ёрдам бериш учун эмас. Уругчилик эса ўз қавмига зулмда ёрдам беришдир». Шунинг учун мусулмонларга қабилачилик ёки миллатчиликка чақиришдан бош тортиш ва

Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутиш вожибидир. Зеро, бу кучли бўлиш йўлидир.

Набий ﷺ қабила уруғи билан афзаллик талашишдан қайтарганлар. Имом Муслим ривоят қилади: Бири мухожирлардан, иккинчиси ансорлардан бўлган икки ғулом бир-бири билан уришиши... Мухожир (ёки мухожирлар): «Эй мухожирлар» деса, анзорий «эй анзорлар» деб уларни ёрдамга чақирди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ чиқиб,

«مَا هَذَا، دَعْوَى أَهْلَ الْجَاهِلِيَّةِ؟!»

«Бу қандай жоҳилият аҳли даъвоси бўлди?!», дедилар. Нававийроҳимаҳуллоҳ «Шархи Муслим»да бундай дейди: «Ушбу ривоятдаги жоҳилият аҳли дейишдан мурод ул зотнинг буни қаттиқ ёмон кўрганликларини англатади. Чунки Исломдан олдин қабилалар дунёвий ишларда бир-бирлари билан шу асосда уришишган. Жоҳилият ҳақ-хуқуқни уруғчилик ва қабилачилик асосида белгилаган. Ислом келиб, буларни ботилга чиқарди ва масалаларни шаръий аҳкомлар ила ажрим қилди». Арабистон яrim оролидаги қабилаларни бир дошқозонда тоблаган наасаб эмас, балки буюк Ислом эди.

**Ислом ирқчилик ёки қабилачилик ёхуд махаллийлик асосида уюшишини ҳаром қилди:**

Ибн Масъуд ﷺ бундай деган: «Ким қавмига ноҳақлик устида ёрдам берса, худди қудукқа кулаб, думидан тортилган туяга ўхшайди». (Сунани Абу Довуд). Имом Хаттобий буни «Маолимус Сунан»да бундай дейди: «Бунинг маъноси гуноҳга ботди ҳамда қудукқа тушиб, у ердан чиқа олмай ўлган сўнгра думидан тортиб чиқарилган туяга ўхшаб қолди, деганидир».

Имом Шофеий бундай деган: «Ким уруғчиликни сўз билан изҳор этса, уруғчиликка кўникса ва унга чақирса, гарчи унинг йўлида жанг қилмаса ҳам, бундай кимсанинг гувоҳлиги олинмайди. Чунки у мен билган масалаларда барча мусулмон уламолари ўртасида ихтилоф бўлмаган очик ҳаромни содир этди». Кейин Шофеий Аллоҳ Азза ва Жалланинг

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾

**«Албатта мўминлар ака-уқадирлар»**

[Хужурот 10]

деган каломи билан Байҳақийнинг «Сунани соғир»ида келтирилган Росулуллоҳ ﷺ нинг

﴿وَكُنُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا﴾

**«Аллоҳнинг ака-ука бандалари бўлинглар», деган ҳадисини мисол қилиб келтирди.**

Хижрий 855 йил вафот этган Бадриддин Айни Ҳанафий (عُمَدة) (القاري شرح صحيح البخاري) да бундай дейди:

«مَا هَذَا، دَعْوَى أَهْلِ الْجَاهِلِيَّةِ؟!»

**«Бу қандай жоҳилият аҳли даъвоси бўлди?!»** деганинг маъноси «эй мусулмонлар, қабилангизни даъво қилманг, балки Исломни даъво қилинг», деганидир. (مَا شَأْنَهُمْ؟) дегани «уларга нима бўлди, нега бундай қилишяпти?!», деганидир. (دَغْوَهَا) дегани бундай гапни ташланг, яъни бундай иддаони тарк қилинг, деганидир. Кейин (فَإِنَّهَا خَبِيثَةٌ) дейиш билан тарк этишдаги ҳикматни баён қиляпти. Яъни бу уруғчилик даъвоси жуда бадбўй, қабих, ёқимсиз, озор берувчи ва мункардир. Чунки у ноҳақ ғазабни қўзгайди, ботил устида жанжаллашишни келтириб чиқаради ва жаҳаннамга етаклади. Бу ҳадисда яна

«مَنْ دَعَ بِدَعْوَى الْجَاهِلِيَّةِ فَلَيَسْ مِنَ وَلِيَتَبَوَّأْ مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ»

**«Ким жоҳилият (замонидаги) чақириқларни қилса, у биздан эмас. Ўзига дўзахдан жой ҳозирлаб олсин», дейилган».**

**Мусулмонларнинг ягона халифаси бўлиши шарт:**

Ислом Уммати бошқа халқлардан мумтоз равишда ажралиб турувчи битта Уммат бўлиш билан бирга, асосан, у битта давлатда битта халифа ҳокимияти остида бўлиши ҳам керак.

Набий ﷺ марҳамат қилганлар:

«وَإِنَّهُ لَا نَيِّرَ بَعْدِي، وَسَتَكُونُ حُلَفاءُ فَتَكُثُرُ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُوَّا بِبَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلُ»

**«Мендан кейин эса пайғамбар бўлмайди, балки халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда саҳобалар бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки, биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглар».** (Имом Муслим ривояти). Нававий бундай дейди: «Ушбу ҳадиснинг маъноси бундай: агар бир халифадан кейин яна бир халифага байъат қилинса, биринчиси тўғри сайланган бўлади ва ўшанга вафо қилиш ҳам, уни талаб қилиш ҳам ҳаром бўлади. Аввалгисининг шаръян сайланганини биладиларми ёки бундан бехабар бўладиларми, фарқи йўқ... Шунингдек, иккиси икки юртда бўладими ёки битта юртдами ёхуд улардан бири ишдан олинган имом халифанинг юртида бўладими ёки бошқа юртдами, фарқи йўқ фақат ва фақат биринчисига вафо қилинади».

Ибн Исҳоқ Абу Бакр  нинг хутбасини ривоят қилади: «Мусулмонларнинг икки амири бўлиши ҳалол эмас. Агар шундай бўлса, мусулмонларнинг ишлари ва аҳкомларига ихтилоф тушади, жамул-жамликлари бузилади, бир-бирлари билан низолашишади, ана шунда суннат тарқ этилиб, бидъат ўртага чиқади, фитна авж олади. Бас, ҳеч кимнинг бундай қилишга ҳаққи йўқ». Уч қитъя мусулмонларига Халифалик қилган Умар  даврида шундай бўлди. Бу даъват иши қофозга ёзиладиган ва одамлар қуруклик ва денгизда фақат тую билан сафар қилинган замонда рўй берди. Шундай экан, маълумотлар асрида ва узоқ узоқларга ҳаво орқали сафар қилинаётган асрда қандай рўёбга чиқмасин?!

### **Мусулмонлар учун бир вақтда икки халифа бўлиши ҳалол эмас:**

Имом Шофеий «Рисола» китобида бундай дейди: «Барча мусулмонлар битта халифа, битта қози, битта амир ва битта имом бўлишига ижмо қилишган». Имом Мовардий ўзининг «Аҳкомус Султония» китобида бундай дейди: «Қачон икки юртда икки халифалик бўлса, халифалик амалга ошган бўлмайди, чунки Умматга бир вақтда икки халифа бўлиши ножоиз». Ҳижрий 458 йил вафот этган Ибн Ҳазм ўзининг «Маротибул ижмо» китобида бундай дейди: «Улар шунга иттифоқ қилдиларки, мусулмонлар устидан бутун дунёда бир вақтда, икки жойда ёки битта жойда икки имом-халифанинг бўлиши ножоизdir. Уларнинг бир-бири билан келишиши ёки келиша олмаслигининг фарқи йўқ».

Икки халифа мусулмонларни Ислом билан бошқарган ҳолатдаги шаръий ҳукм мана шу... Бас, тасаввур қилинг, ўнлаб ҳукмдорлар Исломдан бошқа қонунлар билан ҳукм юритишаётган ва мусулмонларни пароканда этиб, юртларини бўлиб ташлашган ҳолатда нима бўлиши мумкин?!

### **Мусулмонларнинг яхлит салтанатини тақсимлаш мутлақо жоиз эмас:**

Мусулмонларнинг битта халифаси бўлади, уларнинг бирлигини бўлиш ва парчалаш катта гуноҳdir. Ҳокимиятлари бирлигини сақлаш Исломда хаётий масала. Ҳатто бошқа бировни ўлдириб бўлса ҳам, бирликни сақлаш лозим. Чунки Росулуллоҳ 

«إِذَا بُوِيَعَ لِخَلِيفَتِينِ فَاقْسُطُوا الْآخَرُ مِنْهُمَا»

**«Агар икки халифага байъат қилинса, кейингисини ўлдиринглар».** (Имом Муслим ривояти). Нававий ушбу ҳадисни «уламолар Ислом диёри кенгайган бўладими ёки йўқми, бир даврда икки халифага байъат қилиш ножоиз эканлигига иттифоқ

қилганлар», дея изоҳлаганлар. Имомул Ҳарамайн ўзининг «Иршод» китобида бундай дейди: «Бизнинг мазҳабдошларимиз икки шахсга байъат қилишнинг дуруст эмаслигини айтганлар, менинг раъйимда ҳам бир жойда икки кишига байъат қилмоқ жоиз эмас ва бунга ҳамма бир овоздан келишганлар». Росууллоҳ  бундай деганлар:

«فَمَنْ أَرَادَ أَنْ يُفَرِّقَ أَمْرَ هَذِهِ الْأُمَّةِ وَهِيَ جَمِيعٌ، فَاضْرِبُوهُ بِالسَّيْفِ كَائِنًا مِنْ كَانَ»

«Ким ушбу Умматнинг бошқарув иши бир бўлиб турганда уни бўлишни истаса, ким бўлишидан қатъий назар уни ўлдиринглар». (Имом Муслим ривояти). Имом Нававий ўзининг шарҳида бундай дейди: «Бу масалада ким имом-халифага қарши чиқса ёки мусулмонлар калимасини бўлишни истаса ва ҳоказо, уни бундан қайтарилади. Агар қайтмаса, унга қарши жанг қилинади. Агар унинг ушбу ёмонлиги тўхтамаса, ўзини ўлдирилади».

Шубҳасиз, ушбу Ислом Умматининг барчаси битта ҳокимият, яъни Халифалик ҳокимияти остида бўлиши аслдир. Ким уни бўлиб, вужудлар ва давлатчаларга парчалашга уринса, унга нисбатан шаръий ижро қатлдир.

**Хулоса: Ислом Умматини бирлаштириш учун ягона амалий тариқат Халифаликдир:**

Ёлғиз буюк Ислом динигина миллий давлат пайдо қилган доимий низога якун ясади. Динимиз инсоният учун реал мақсадга, яъни Аллоҳ Азза ва Жаллага қуллик қилишга асосланган кучли оға-инилик алоқасини таъсис этади ҳамда инсонлар ўртасида ирқ, қабила, миллат асосида бўлинишни иймон ҳарорати билан муолажа қиласи. Ислом Уммат устидан битта ҳокимиятни ўрнатиб, уни тақсимлашни ҳаром қиласи. Бу битта ҳокимият рошид Халифалик давлати бўлиб, биз амалда бирлашмоғимиз учун Аллоҳ Азза ва Жалла ўз нусратини нозил қилишни иродада этган пайт, яъни яқин кунларда Аллоҳнинг изни билан қайта барпо бўлади. Унинг барпо этилиши мусулмон юртларнинг бирида миллатчилик асосида эмас, Ислом ва исломий биродарлик асосида амалга ошади. Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик Ислом оламининг барча миңтақаларини битта қудратли давлатда бирлаштиришга жиддий ҳаракат қиласи. Индонезиядан то Марокашгача барча мусулмонларни – худди Исломга даъват қилгани каби – бир-бирларини яхши кўрувчи биродар бўлишга чақиради ҳамда мусулмонларни бўлиб ташлаб, узоқ вақтдан буён заифлаштириб келган миллий давлатлар чегараларини йўқ қилишга ҳаракат қиласи. □

**АМЕРИКАНИНГ «ЯНГИ ИПАК ЙЎЛИ» ЛОЙИҲАСИ: УНДАН ЭНГ  
КАТТА ФОЙДА ОЛУВЧИЛАРДАН БИРИ (ИСРОИЛ) БЎЛИБ, БУ  
ЛОЙИҲА СИОНИСТ ВУЖУД БИЛАН ФОРС КЎРФАЗИ  
ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР  
НОРМАЛЛАШУВИ ЖАРАЁНИНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ**

**Набил Абдулкарим (Абу Мусъаб)**

Қадимда «ипак йўли» энг қадимий савдо йўли бўлган. Чунки у қадимги дунёнинг аксарият минтақаларини боғлаган ва ўн бешинчи аср ўрталаригача давом этган маданий савдо йўли эди. Бугун тезкор алоқа воситаларида кутилмагандан юз берган кучли электрон инқилоб, одамларга дунё мамлакатларини бирлашзода кезиб чиқиш имконини берди ва бу билан дунё гўё бир шаҳардек бўлиб қолди. Дунёда юз берган бу ўзгаришлар товарлар ҳаракати қулайлигини, боғланиш ва етказиб бериш тезлигини, шунингдек, бу жараённинг тез ва хавфсиз бўлишини таъминлаш учун қадимги ипак йўли гоясини қайта тиклашга эҳтиёж туғдирди.

Шу асосдан келиб чиқиб қарасак, Хитойнинг «бир камар ва бир йўл» деб номланган лойиҳа орқали бу йўлни қайта тиклашга ҳаракат қилганини ва уни барпо этишда катта муваффақиятларга эришганини кўрамиз. 2013 йилда Хитой раҳбари Си Цзинпин Хитой бозорларини дунёга кулай, хавфсиз ва сув йўллари назоратисиз очиш учун савдо йўлаги ташкил этилишини, сув йўлакларини жаҳон савдо ҳаракати назорат қилаётганини билдирган эди. Шунингдек, бу йўлак Хитойнинг 21 асрда ҳукмронлик амбицияларига мувофиқ узоқ муддатли сиёсий ва иқтисодий муносабатларни ўрнатишга қаратилганини таъкидлаганди. Аммо Хитой «бир камар ва бир йўл» лойиҳасини эълон қилишидан олдин бошқа давлатлар томонидан қадимги ипак йўли ёки шунга ўхшаш нарсаларни қайта тиклашга чақирувчи овозлар янгради. Масалан, 1998 йилда Япония Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларни юқори даражага кўтариш учун «ипак йўли» дипломатиясини қайта тиклаш гоясини илгари сурди. 2011 йилда Қўшма Штатлар янги «ипак йўли» лойиҳасини таклиф қилди. Бу лойиҳани АҚШ давлат котибаси Хиллари Клинтон Ҳиндистонга ташрифи чоғида тақдим этди. Шунингдек, 2014 йилда Ҳиндистон мамлакатлар ўртасидаги миллий маданиятларни тушунишга ва Ҳинд океанидаги давлатлар ўртасидаги алоқаларни қайта тиклашга қаратилган «Mausam» лойиҳасини таклиф қилди.

Аммо бу таклифларнинг барчаси қоғозда қолиб кетди ва Хитой улардан олдин «бир камар ва бир йўл» лойиҳаси бўйича дадил

қадамлар ташлади. Хитойнинг айни лойиҳа бўйича дадил қадам ташлашининг сабаби АҚШнинг баъзи соҳалардаги хукмронлигидан азият чекаётгани билан боғлиқ. Масалан, Хитой Американинг Малакка бўғозини назорат қилишидан ҳамда ўзининг давомли ривожланиши учун муҳим бўлган, айниқса, энергия ва биринчи тоифадаги хом ашё соҳасидаги экспорт ва импортига АҚШнинг тўсқинлик қилишидан азият чекиб келади. Афтидан, Америка Қўшма Штатлари Хитойнинг ундан ўзигб кетишини истамаётган кўринади. Буни эса, кейинроқ тушунтирамиз.

АҚШ президенти Жо Байден 2023 йил 10 сентябрда Нью-Дехлида бўлиб ўтган G20 саммити чогида Ҳиндистон билан Европани боғловчи «янги йўл» лойиҳасини эълон қилди. Лойиҳа ўзаро англашув меморандумида тилга олинган. Меморандум АҚШ президенти Байден, Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди ва Саудия валиаҳди шаҳзодаси Муҳаммад ибн Салмон каби раҳбарлар томонидан имзоланди. Бу Шарқ ўртасидаги, аниқроғи, Ҳиндистоннинг гарбий соҳилидаги Пундра портидан Фужайра портигача бўлган йўлакdir. Кейинчалик Саудия Арабистони ва Иордания орқали ўтадиган темир йўл линияси стандартлаштирилган контейнерлар орқали Фаластиннинг (сионист вужуднинг) Ҳайфа портига юк ташиш учун ишлатилади. Шимолий йўлакка келсак, у Араб кўрфазини Европа билан боғлайди. Чунки у Ҳайфа портидан Франциядаги Марсел порти каби турли портларга, Италия ва Грециянинг бошқа портларига уланади. Арабийя Нет Файненшел-Таймс газетасига таяниб берган хабарга кўра, лойиҳа сув ости кабели ва энергия узатиш инфратузилмасини ҳам ўз ичига олади. Байден бу лойиҳани тарихий деб таърифлади. У жуда улкан лойиҳа бўлиб, ўйин қоидаларини ўзгартириб юборади. Чунки Мьянмадаги ҳарбий хунта ушбу лойиҳа учун мўлжалланган маҳсус порти қурилишига рухсат берса айни лойиҳа Вьетнам, Тайланд, Мьянма ва Бангладеш каби давлатларни ушбу йўлак билан боғлайди. Бошқа томондан, Бангладешда Ҳиндистонга олтига темир йўл чиқиши нуқтаси мавжуд бўлиб, улар Мундра порти орқали Европага товарлар жўнатиш учун ишлатилиши мумкин. Ушбу янги йўлак таъминот захираларини таъминлашга, савдо йўлларини кенгайтиришга, экологик тоза маҳсулотлар савдосини 40 фоизга ошириб, атроф муҳитга таъсирини камайтиришга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, самарадорликни оширади, харажатларни камайтиради ва

иссиқхона газлари чиқарилишини қисқартиради. Шунингдек, у энергия хавфсизлигини ошириш ва тоза энергияни ривожлантириш саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун кайта тикланадиган электр энергияси ва тоза водородни кабеллар ва қувурлар орқали узатишни осонлаштиришга ҳам қаратилган. У маълумотларни оптик толали кабеллар воситасида рақамли узатиш орқали ракамли иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Оқ уй Байден маъмурияти томонидан Ҳиндистон ва Европа ўртасида катта йўлак эълон қилинганлиги хақидаги хужжатда бундай деди: «Биз темир йўл тармоғининг янги даврини бошлашни ҳамда Европадаги портларни Яқин Шарқ ва Осиё билан боғлашни хоҳлаймиз». Президент Байден бундай деди: «Ушбу лойиҳа иш ўринлари яратилишига, савдонинг гуллаб-яшнашига, ўртамиздаги таъминот, алоқа ва боғланиш занжири мустаҳкамланишига олиб келади. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилади». Европа комиссияси раисаси Урсула фон дер Ляйен қитъалар ва ҳазоратлар ўртасидаги яшил ва рақамли қўприкни назарда тутиб «Лойиҳа ёлғиз темир йўл ёки кабелларгина эмас, балки бундан каттароқ», деди.

Бу эълон Ҳиндистонда Хитойнинг иштирокисиз бўлиб ўтган G20 саммитида эълон қилинди. Сиёсий ва хавфсизлик масалалари бўйича таҳлилчи Фаран Жефри Хитой раҳбари Си Цзинпиннинг шарманда бўлмаслик учун иштирок этмаганини айтди. Бошқа томондан, таҳлилчи Велена Чакарова бу қадамнинг «Хитой-Ҳиндистон рақобати доирасида ташлангани»ни айтиб, «Пекиннинг Саудия Арабистони билан Эрон ўртасидаги муносабатларни тиклаш йўлига раҳнамолик қилаётгани»ни «Нью-Дехли эса, Риёз билан Вашингтон ўртасидаги алоқани қайта тиклашга ҳаракат қилаётгани»ни таъкидлади.

Иқтисодчи эксперт Яҳё Саййид Умар Ал-Жазира Нетга берган интервюсида «Американинг лойиҳадан кўзлаган мақсади сиёсий бўлиб, у Хитойнинг «бир камар ва бир йўл» лойиҳасини бузишини ёки унга таъсир ўтказишни истайди», деди. Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги «бир камар ва бир йўл» лойиҳасининг афзалликларига нисбатан оддий кўринади ва ҳозирда фойда кўраётган мамлакатлар чекланган. Заарар кўрган давлатларга келсак, улар Хитойдан ташқари Марказий ва Фарбий Осиё давлатларидир. Туркия ҳам халқаро савдо марказига айланишни режалаштиргани учун зарар кўради.

Миср эса энг кўп зарар кўриши мумкин. Чунки лойиҳа амалга оширилса, Сувайш каналига салбий таъсир кўрсатади.

Бундан фарқли ўлароқ, иқтисодий эксперт Аҳмад Зикруллохнинг айтишича, янги йўл лойиҳаси энергия узатиш ва рақамли алоқани яхшилайди, шунингдек, Шарқ ва Фарб ўртасидаги савдо алмашинувини тезлаштиришга хизмат қиласи. Бу одатдаги вақтнинг тахминан 40 фоизини тежайди. Бошқа томондан, сиёсий жиҳатдан сионист вужуд билан баъзи Форс кўрфази давлатлари ўртасидаги муносабатлар нормаллашуви жараёнини тезлаштиришда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, бу Америка-Хитой ракобати доирасида амалга ошади. Мақсадлар жиҳатидан, иккала лойиҳа ўхшаш, деб ишонилади. Аммо улар йўл, сиёсий мақсад ва савдо уруши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласи.

**Йўл жиҳатидан:** Биз шунга гувоҳ бўляпмизки, Хитой ўз маршрути учун шундай йўл тармоғини курдики, тармоқ барчага хизмат кўрсатади ва айни пайтда, ушбу тармоқни назорат қилиб туриш имкони йўқ. Хитой ўзининг сиёсий заифлиги, Фарбнинг эса маккорлиги туфайли нозик жиҳатларни ҳисобга олмади. Гап шундаки, Хитой бу йўлни ўз вақтида назорат қила олмайдиган давлатларни танлаб кўйган ва тармоқ- занжирни шу тариқа узиладиган қилиб кўйган. У танлаган давлатларга Покистон ва Афғонистонни (айниқса, Кўшма Штатлар у ердан чиқиб кетганидан кейин) мисол қилиш мумкин. Лекин у танлаган давлатлар булар билан чекланиб қолмайди. Туркия, Миср ва булардан бошқа аксар давлатларнинг Америка сиёсатига эргашишини айтмаса ҳам бўлади. Шу сабабли, Кўшма Штатлар Хитойга бу лойиҳани ўзидан олдин тақдим этишига рухсат берган бўлиши мумкин. Хитойдан аксинча ўлароқ, биз Кўшма Штатларнинг айёрлик билан энг қисқа йўлни, Хитойни ундан маҳрум қилгани ҳолда, назорат қилишни мақсад қилганини кўрамиз. Шу билан бирга, Ҳиндистондан Араб кўрфази, сионист вужуд ва Европагача бўлган барча асосий марказий нуқталар АҚШга бўйсунади. У қўлидан чиқиб кетиши мумкин бўлган давлатларни танламади, балки, йўлда тўхтаб қолмаслиги ва йўл бузилмаслиги учун Италия, Греция ва Францияни танлади. Бу йўлнинг қисқалиги, кам харжлиги, хавфсизлиги ва замонавий технологиялари ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Кўриниб турибдики, Кўшма Штатлар Ҳиндистонни Хитой билан тўғридан-тўғри

рақобатлашадиган савдо марказига айлантиришни истайди. Шу тариқа Хитой-Хинд мажароси ва рақобатини сақлаб қолади.

**Сиёсий мақсад: Қўшма Штатлар иқтисод ва молиявий манфаатларни сионист вужуднинг давлати билан боғлашга ҳаракат қилияпти.** Бу эса минтақани бу вужуд билан муносабатларни нормаллаштиришига ҳамда уни минтақада фаол ва алмаштириб бўлмайдиган иқтисодий субъект сифатида ўрнатилишига олиб келади. Бу уларга минтақани тобора кучлироқ назорат қилиш ва унинг бирлашишига тўсқинлик қилиш имконини беради. Бугун биз Ғазо воқеаларида ва мамлакат ичкарисида кўраётган ҳолат Кўрфаз билан, хусусан, Муҳаммад ибн Салмон «Пойтахти Шарқий Қуддус бўлган Фаластин давлати тан олинсагина муносабатлар нормаллаштирилади», деб баёнот берганидан кейин, Саудия Арабистони билан муносабатлар нормаллаштирилиши сабабларини тайёрлашдан бошқа нарса эмас. Кўряпмизки, яхудий вужуди ушбу катта назорат ҳақидаги ваъдаларга эришиш учун ўз хайбатининг бироз қисмини ва одамларини қурбон қилди. Агар бу лойиҳа тугалланса, у жуда юқори молиявий манбага эга бўлади ва у билан ўзига бўйсунувчи малай хукмдорларни назорат қиласди.

**Савдо урушига келсак,** йўл савдо урушини назорат қилишнинг бир қисми ҳисобланади. Келгуси давр Яқин Шарқни ўз назоратига олганларники эканини ҳисобга олсак, Яқин Шарқ минтақасидаги қуруқлик, денгиз ва ҳаво йўлларига, шунингдек, минтақа ўз ичига олган хом ашёга ким эгалик қилса, у келгусида дунёнинг ҳақиқий хукмдори бўлади.

Фойда кўрувчи давлат ва зарар кўрувчи давлатнинг реакцияси.

• **Хитой зарар кўрувчи давлатлардан бири:**

Қўшма Штатларнинг Афғонистондан чиқиб кетиб, Толибон ҳаракатининг назоратни ўз қўлига олиши Хитойнинг бир қанча давлатлар билан ҳамкорлигини муваффақиятсизликка учратиш ҳамда «бир камар ва бир йўл» ташаббусини олдинга силжишини тўхтатиш борасида Вашингтоннинг истагига хизмат қилмоқда. Бошқа томондан, Вашингтоннинг Хитой фарбидаги Шинжон минтақасида уни Шарқий Туркистон номи остида бўлиб ташлаш учун уйғур бўлгинчиларини қўллаб-қувватлаётганини кўряпмиз. шунингдек, Покистон жануби-фарбидаги Балужистон вилояти мустақиллигини қўллаб-қувватлаётганига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Чунки бу Хитойнинг

мавжуд бўлиб туришини мураккаблаштиради ва йўқ қилади. Қўшма Штатлар Хитойни бу лойиҳани табиий равишда издан чиқариши мумкин бўлган хавф-хатарлар гирдобига тушириб қўйиш учун уни «бир камар ва бир йўл» лойиҳасини амалга оширишига ташлаб қўйди. Қўшма Штатлар тайёрлаган сунъий тўсиқлар бундан мустасно.

### **Табиий хавф-хатарлар:**

- Қарз юкини кўтариш: 43та паст ва ўрта даромадли мамлакатнинг 13тасидан ортиғидаги вазият иқтисодий аҳволнинг ёмонлашувига тўғри келади.
- Карбонад ангидрид чиқиндилари хавфи глобал миёсда 0.3 фоизни ташкил этади. Бу транспорт инфратузилмаси лойиҳалари натижасида юзага келади.
- Давлатларнинг сиёсалари, уларнинг ўзгариши ва давлат қонунларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ хавф-хатарлар. Бу ушбу лойиҳаларни уларнинг давом этишига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган қонуний музокараларга киритиб қўяди.

### **Сунъий тўсиқлар:**

Кўряпмизки, Хитой ўз йўлининг асосий нуқталарини сиёсий эътибор билан танламаган, аксинча, улар географик жиҳатдан танланган. Хитойнинг йўл ҳақидаги қараши дунёга, биринчи навбатда Хитой манфаатларига хизмат қилади. Аммо, Қўшма Штатлар таклиф этган «янги ипак йўли» дикқат билан ўрганилган. Чунки у Хитой, Россияга хизмат қилмайди ҳамда Яқин Шарқ юрагидан ва дунё артериясидан танланган. Ундаги танланган асосий давлатлар Америкага бутунлай тобе давлатлардир. Бу давомийликка хизмат қилади, «бир камар ва бир йўл», эса бундай эмас. Бу йўлдаги асосий марказларнинг аксарияти, жумладан, Покистон, Афғонистон, Миср, Туркия, Эрон, Ҳиндистон ва Қозогистон Қўшма Штатлар сиёсатига тобе. Буларнинг аксарияти Америка орбитасида айланади (унинг таъсири остида) ёки унга бутунлай малай. Бу унинг кечикишига ёки ишдан тўхтатилишига олиб келадиган стратегик хато. Бу давлатлар ғилдиракларга таёқ қўйиши, айниқса маълум вақтларда бу йўлнинг харакатини кечиктириши мумкин. Бу эса ушбу йўлдаги шаффофлик, ишонч ва хавфсизлик йўқолишига олиб келади.

### **Босқинчи сионист давлат ушбу лойиҳадан энг катта фойда оловчи давлатлардан биридир:**

Босқинчи сионист давлат ушбу лойиҳадан энг катта фойда оловчи давлатлардан бири ҳисобланади. Жиноятчи вужуд бош

вазири Бинямин Нетаняху бундай деди: «Мен (Исроил) давлати фуқароларига (Исроил)нинг ушбу иқтисодий йўлакда асосий чорраҳага айланиб бораётгани ҳақидаги хушхабарни етказишдан мамнунман». Яхудий вужуд ҳақидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, лойиҳа биринчи навбатда Яқин Шарқдаги Хитой таъсирига қарши иқтисодий ва стратегик мудофаа тизимини яратишга қаратилган. Бу ҳайратга солади ҳамда Яқин Шарқ ва бутун Осиё мамлакатларида сионистик вужуднинг тўлиқ интеграциялашувини таъминлайди. Шунингдек, бу йўл учун катта даромад келтиради ва яхудий вужуди учун ҳамма нарсани рӯёбга чикаради.

Минтақадаги сиёсий вазиятни кузатган ҳар бир киши Саудиянинг яхудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштириши муқаррар натижани олиб келишини тушунади. Чунки Саудия Арабистони бу вужуд билан яқин муносабатда бўлиши кераклигини билган ҳолда ушбу лойиҳага рози бўлди. Чунки яхудий вужуди ушбу лойиҳанинг асосий томони ва марказий нуктасидир. Газодаги бугунги воқеаларни якунига етказиш режаси сифатида, уни хоинлар қўлига топшириш режалаштирилган бўлиши, шунингдек, бутун юртни озод қилишга умид қилаётган саботли муробит мусулмон халққа қарши давлатлар тил бириктирган бўлиши мумкин.

Бу (Исроил) Газода шундай жиноятларга қўл уряптики, қаршилик ҳаракати билан фаластинлик мусулмон халқнинг кўрсатаётган сабот ва матонатлари, шубҳасиз, яқинда яхудийларни бу жиноятлари учун пушаймон қилади. Чунки яхудийлар қалбига даҳшат солинар экан, уларнинг ҳайбати синди ва ёлғонлари фош бўлди. Аллоҳнинг изни ила, Газодаги воқеалар уларнинг давлати тобутига қоқилган сўнгги мих бўлиб қолади ва ғалаба келади. Шунда яхудийларга у билан муносабатларни нормаллаштираётган кўрфаз давлатлари ҳам, янги ипак йўли ҳам, халқаро келишувлар ҳам фойда бермайди.

Ғарб шуни билмоқдаки, ким Яқин Шарқни ўз назоратига олса, қисқа вақт ичидан бутун дунё устидан ўз назоратини ўрнатади. Шунинг учун улар Яқин Шарқни ўз назоратларига олишда мусобақалашишаётди. Агар эътибор берсак, Хитой ўзининг «бир камар ва бир йўл» лойиҳасида Яқин Шарқ минтақасининг фақат чекка худудларига таянди. Бунинг бир қанча сабаблари бор ва энг асосийси у ўз лойиҳаси билан Ғарбни кўзгаб қўйишни истамади. Шу билан бирга, у ўз лойиҳасини амалга оширишда олдинга силжимоқда... Қўшма

Штатлар эса, пул, энергия ва асосий ресурсларни таъминлаш учун Яқин Шарқ ва Форс кўрфази давлатларига таянди. У йўлни қисқартиришга ва вақтни 40 фоиздан ортиқ миқдорда тежашга эришди... Шундай қилиб, томонларнинг хар бири ўз лойиҳасини амалга оширди... Бироқ, улар бир нарсани, яъни Халифалик давлати келаётганини ақлдан қочиришди... Аллоҳнинг изни ила, у барпо бўлган пайтда, уларнинг қўлга киритган нарсалари бир зумда вайрон бўлади.

Биз учун бугунги ҳолатимизга ўхшаш мисол бор. Константинопол Халифалик давлати (Усмоний давлат) томонидан 1453 милодий йилда фатҳ қилинган пайтда ипак йўли ва Хитой хукмрон эди. Мухаммад фотих Қора денгиз минтақаси устидан хукмронлик қилишга эришди. Дарданел бўғози назоратга олиниши билан Усмонийлар душманлар учун ипак йўлини ёпиб қўйдилар. Шунда Усмоний давлатга ғарбликлар томонидан солиқ ва транзит тўлови шаклида тўланган катта даромадлар тушди. Шунга ўхшаб, бугун биз ўз ерларимиздаги ҳамма нарсани, нима бўлишидан қатъий назар, ҳеч нарса тўламасдан тортиб оламиз. Биз бугунги халқаро қонунни тан олмаймиз, балки Хитойнинг «бир камар ва бир йўл» лойиҳаси бўладими ёки Американинг «Янги йўл» лойиҳаси бўладими бундан қатъий назар, бизнинг ерларимиздаги мавжуд ҳамма нарсани мулк қилиб оламиз. Биз савдо йўлларининг ҳаммасига ҳукмронлик қиласиз. Яқин Шарқ минтақасининг энг муҳим хусусиятларидан бири – дунё бўйлаб иқтисодий суверенитетга эришишdir. Бу суверенитет мусулмонлар халифаси ва бутун дунёга яхшилик келтирадиган Раббоний мабда ихтиёрида бўлади. Мусулмонлар халифаси Фаластин заминидан яхудий вужудни суғуриб ташлаб, уни Халифалик давлати бағрига қайтаради. Динини дунё матоси эвазига сотган хоин ҳукмдорлар томонидан талон-торож қилинган Уммат бойликларини қайтариб олади. Биз мусулмонга қарши тил бириктирган ёки унинг қонини тўккан хар бир шахсдан ҳисоб сўраймиз.

Бутун дунёга айтамизки, бугун бошимиздан кечираётган мусибатларга қарамай, биз келмоқдамиз. Чунки бу мусибатлар ҳақ рўёбга чиқиб, Росулуллоҳ  бизга ваъда қилганларидек пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлати барпо бўлиши учун бўладиган саралаш жараёнидир. Бу жараёнда дини, ери ва шарафини сотган ҳар бир хоин ва ҳар

бир малай фош бўлади... Аллоҳнинг изни ила биз албатта келамиз.

Эй куч-қудрат эгалари, Аллоҳ уларни халифа қилган зотлар қаторида бўлинг, Аллоҳ уларни бошқаларга алмаштирадиган одамлар қаторида бўлманг. Аллоҳнинг даъватига ва даъват фаолиятини олиб борувчиларга ёрдам бериш орқали шу замоннинг Саъдлари бўлинг. Ҳизб ут-Тахрирга ёрдам беришга шошилинг. Зоро, у даъват байробини кўтариб, Исломий ҳаётни қайта бошлашга, бутун башариятни ва мусулмонларни золимлар зулмидан қутқаришга чақирмоқда. Аллоҳнинг изни ила биз албатта келамиз ва Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзи бизда рўёбга чиқади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءامَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا أُسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي أَرْتَصَنَ لَهُمْ وَلَيَبْدِلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ حَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишини ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини голиб-мустаҳкам қилишини ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамлика айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир» [Нур 55]  
Парвардигоро, Сендан нусратингни тезлаштиришингни сўраймиз... □

## **ОММАВИЙ ҚИРГИН ҚУРОЛЛАРИ ҒАРБ ВА ИСЛОМ НҮКТАИ НАЗАРИДА**

**Доктор Лайс Абу Халаф**

«Оммавий қиргин қуроллари» атамаси ўзининг қирғинбарат таъсири доирасига кирган ҳар бир нарсани вайрон қилувчи қуролларга нисбатан қўлланади. Оммавий қиргин қуроллари уч турга: ядровий, кимёвий ва биологик қуролларга бўлинади. Бу қуролларнинг таъсири улар келтириб чиқарадиган тўғридан-тўғри вайрон қилиш билан чекланиб қолмайди, балки билвосита асоратларга ҳам кенгаяди. Чунки улардан бальзилари йиллар давомида инсонда сақланиб қоладиган майиб-мажрухлик ва касалликларга олиб келади. Ушбу мақолада биз барча турдаги ядровий қуролларни ва уларнинг хавфини мухокама қиласиз:

Ядровий қурол оммавий қиргин қуролларининг энг хавфли тури хисобланади. Майдонда ядровий қуролнинг таъсири кучли бўлгани учун, бугунги кунда давлатлар сиёсий босим ва стратегик мудофаа воситаси сифатида ўзлари эга бўлган ядро каллаклари сони бўйича бир-бири билан рақобатлашмоқда. Ядровий қуроллар икки турга: тактик ядровий қуроллар ва стратегик ядровий қуролларга бўлинади.

Тактик қуроллар жанг майдонида фойдаланиш учун мўлжалланган кичик ядровий каллаклар ва ишга тушириш (учириш) тизимидан иборат. Улар маълум бир худуддаги душман обьектларини кенг радиация таъсирини келтириб чиқармасдан вайрон қилиш учун мўлжалланган. Энг кичик тактик ядро қуролининг вайрон қилувчи қуввати бир килотонн ёки ундан кам бўлиши мумкин. (Яъни, портлашнинг кучи минг тонна портловчи тротил моддага тенг). Улардан энг каттасининг ҳажми 100 килотоннга етиши мумкин.

Тактик ядровий каллаклар одатда қанотли ракеталар ва артиллерия снарядлари каби анъанавий каллакларни олиб юрадиган ҳар хил турдаги ракеталарга ўрнатилиши мумкин. Шунингдек, тактик ядровий қуроллар самолётлардан ҳамда кемалардан отилиши мумкин. Бунга кемага қарши ракеталар ва торпедалар мисол бўлади.

Стратегик ядровий қуролларга келсак, улар вайрон қилувчи кучи жиҳатидан каттароқ, эҳтимол 1000 килотоннга етади ва улар узок масофалардан учириласди. Таққослаш учун, 1945 йилда АҚШ Хиросимага ташлаган атом бомбасининг қуввати 15 килотонни ташкил қилган.

Шунинг учун, агар қандайдыр бир шаҳарга ядервий бомба ташланса, у бириңчи сөніяда портлаб, қуёш сирти ҳароратидан юқори ҳароратли ёрқын нур чиқаради. Портлаш марказидан бир километр радиусдаги ҳамма нарса, ҳатто темир билан мустаҳкамланган бинолар ҳам бүгге айланади. Биноларнинг қулаши ва бомбадан чиқадиган ҳалокатли юқори иссиқлик түлкүни натижасыда кенг тарқаладиган ўлим ҳолатига құшымча равишда, бир километр радиусдан 7 километргача бўлган барча мавжуд обьектлар бутунлай вайрон бўлади. 7 километрдан 13 километргача бўлган радиусда ҳар бир киши учинчи даражали куйишларга дучор бўлади. Бундан ташқари, уларнинг танасига канцероген ва ҳалок қилювчи нурлар киради. Ўрмонлар ва ёғоч уйлар каби тез ўт оладиган ҳамма нарса ёниб кетади. 13 километрдан 21 километргача радиусда одамлар танасига канцероген нурлар кириб боришидан ташқари, улар бир қанча жароҳатларни оладилар.

Ядервий қуролга эга бўлишни хоҳлаган ҳар қандай давлат электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ядервий реакторларни ўрнатмасдан туриб, уранни бойитувчи заводни қуриши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош ассамблеяси ядервий куролни тақиқловчи ҳалқаро конвенцияни қабул қилган. Ядервий куролни тақиқлаш тўғрисидаги шартномада таъкидланишича, шартномани тасдиқлаган давлатлар ҳеч қаочон ва ҳеч қандай шароитда ядервий қуролларни ва бошка ядервий портловчи қурилмаларни ривожлантирмаслиги, синовдан ўтказмаслиги, ишлаб чиқармаслиги, сотиб олмаслиги, эгалик қилмаслиги ва сақламаслиги керак».

Бу шартнома 2017 йил 7 июлда БМТ томонидан Нью-Йоркда ўтказилган конференцияда қабул қилинган. У йигирма йил ичida ядервий қуролсизланиш бўйича қабул қилинган конунан мажбурий кўп томонлама бириңчи ҳужжат бўлди. Бу ҳужжат камида 50та давлат имзолаганидан кейин кучга киради. Ҳозиргacha асосий ядервий давлатлар: Америка, Британия, Россия, Хитой ва Франция шартномани имзоламаган.

БМТ бош котиби 2021 йил 22 январда ядервий куролни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома кучга кирганини қайд этди. Бу йигирма йилдан кўпроқ вақт ичida тузилган бириңчи кўп томонлама ядервий қуролсизланиш шартномасидир. Ядервий қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома уни тасдиқлаган давлатлар 50тага етганидан кейин кучга киради. Ушбу муносабат билан йўлланган номада БМТ бош котиби Антониу

Гутерриш «Ушбу шартнома ядервий қуролдан холи дүнёни яратиши йүлидаги мұхим қадам бўлиб, ядервий қуролсизланиш бўйича кўп томонлама ёндашувларни қўллаб-қувватлашнинг кучли далилидир», деди. Гутерриш ядервий қурол тобора ортиб бораётган ҳавф-хатарларни келтириб чиқараётганини, дунё уларни йўқ қилиш, шунингдек, улардан ҳар қандай тарзда фойдаланиш натижасида юзага келадиган ҳалокатли инсоний ва экологик оқибатларни олдини олиш учун шошилинч чоралар кўриши кераклигини таъкидлади. У бундай деди: «Ядервий қуролни йўқ қилиш БМТнинг қуролсизланиш бўйича биринчи устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Мен барча юртларни умумий ҳавфсизлик ва жамоавий ҳавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ушбу мақсадга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилишга чақираман». У шартномада белгиланган мақсадларга эришиш, жумладан, иштирокчи давлатларнинг биринчи учрашувига тайёргарлик кўришни интиқлик билан кутаётганини билдири.

Қуролсизланиш ғояси кўплаб муфакирлар онгига улар ҳалокатли урушларни бошдан кечиргандан ва аввалги урушларнинг инсониятга таъсирини, улар келтирган моддий ва инсоний ҳалокатни кўргандан сўнг кириб келди. Шунинг учун улар юртлар ва ҳалқлар ўртасида ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш воситаси сифатида қуролсизланишга чақирилар. Қачон ҳозирги ҳалқларни қирғинбарот қуролларнинг кескин тараққиёти ва кўп ишлаб чиқарилиши ҳамда ракеталар ва атом бомбалари даҳшатга солса, улар ушбу ядро даҳшатининг қуролсизланиш орқали барҳам топишидан умид қиласидар.

Шуниси эътиборга лойиқки, бу давлатлар бир юз эллик йил олдинги қуролсизланиш санасидан бошлаб бугунги кунгача қуролларни биргаликда чеклаш ёки қисқартиришга, шунингдек, у ёки бу турдаги қуролларни бутунлай йўқ қилишга эришишмаган. Кўплаб кетма-кет конференцияларга қарамай, биз буюк давлатларнинг ҳамон қуролланиш учун рақобатлашаётганини кўряпмиз. Улар асосий эътиборларини энг ҳалокатли қуролларга эга бўлишга қаратиб, бу ишга олимлари ва иқтисодларини жалб қилишмоқда. Икки йирик давлат, яъни Россия ва Америка дунёни янада қўрқувга соладиган даражада қуролланиш сиёсатини давом эттиришяпти ва бу қуролсизланиш бўйича ўтказилган шунча конференцияларнинг «самара»сидир.

Ҳозирги кунгача ядервий бомба фақат Японияда, яъни Америка уни иккинчи жаҳон уруши охирида (1945 йил 6

август) Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ташлаганида күлланған. Бунинг натижасыда Япония таслим бўлиб, иттифоқчилар ғалаба қозонган. Шундан сўнг Америка дунёдаги ҳамма ундан кўрқадиган биринчи давлатга айланган.

Ядрорий куролдан фойдаланиш инсониятнинг ҳалокатига олиб келади. Инсонлар ҳаёти кофириларни ташвишлантиргани учун, улар бу ҳақда ўйланишмайди. Аксинча, ядрорий курол кўлланишининг чекланиши ёки чекланмаслиги уларнинг шахсий манфаатлариридир.

Бугун дунёга ҳукмронлик қилаётган жирканч капиталистик тузум Уммат баҳтисизлигининг сабабчисидир. Кофири Farb ҳукмдорларининг устувор масаласи бўлган утилитаризм ва манфаатпараматлик уларнинг онгини шу даражада эгаллаб олдики, улар бутун инсоният учун хавфга айланишди. Японияга иккита атом бомба ташланиши одамлар ўлимига ва ўша ернинг вайрон бўлишига олиб келди ҳамда ядрорий нурланиш натижасыда генетик бузилиш келиб чиқди. Бу эса кофири Farb ҳукмдорларининг накадар хавфли кимсалар эканини кўрсатувчи энг кучли далиллар. Чунки ушбу қуроллардан фойдаланиш уларнинг ҳарбий сиёсати доирасида мавжуд. Улар бундан ўз манфаатларини амалга оширишни ва уларни ҳимоя қилишни кўзлашади.

Бугунги кунда инсоният Ислом татбиқ этилишига жуда муҳтож. Чунки одамларнинг ишларини ғамхўрлик билан бошқаришга асосланган ягона тузум Ислом тузумидир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافِةً لِّلَّاتِينَ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَكِنَّ أَكْثَرَ الْأَنْسَابِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга (мўминларга жсаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи, (кофириларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайгамбар қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар билмаслар»

[Сабаъ 28]

Одамлар ҳаёти ва уларнинг ишларини ғамхўрлик билан бошқариш Ислом давлатининг энг устувор масаласидир. Ислом давлати ички сиёсатда Исломни татбиқ этиш, ташки сиёсатда даъват ва жиҳод орқали одамларнинг ишларини бошқаради. Аллоҳнинг изни ила рошид Халифалик давлатини барпо этиш орқали Исломий ҳаёт қайта тикланса, армия энг замонавий ҳарбий, шу жумладан, ядрорий қуроллар билан қуролланади. Чунки ҳарбий сиёсатдаги шаръий ҳукм халифага душманни

күркітадиган қуроллар билан қуролланишни вожиб қилади. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَأَعِدُوا لَهُم مَا أَسْتَطَعْتُم مِنْ فُؤَادٍ وَمِنْ رِبَاطٍ أَخْيَلٍ تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ﴾

«(Эй мүмінлар), улар учун имконингиз борича куч ва әгарланған отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сиз билмайдиган — Аллоҳ биладиган бошқа бирорвларни ҳам қўрқувга солурсиз. Аллоҳ йўлида нимани сарф қиласангиз, сизга зулм қилинмаган ҳолда комил қилиб қайтарилур» [Анфол 60]

Ислом юртлари бойлик ва ўғлонлар омбори бўлиб, сони ва техникаси бўйича энг улкан армияларни юксак даражада ва энг замонавий илғор қуроллар билан таъминлаш имконига эга. Шунингдек, оғир саноатга ихтиослашган йирик заводларни куриш ва энг замонавий илғор қуролларни ишлаб чиқариш имконига ҳам эга.

Шунинг учун биз ҳар томонлама тайёргарлик кўришимиз керак. Бу Халифалик барпо бўлганида бирданига бутун дунёга карши уруш қилишимизни ёки Халифалик барпо бўлиши биланоқ бутун дунёга уруш эълон қилишимизни англашмайди. Чунки бу тасаввур қилиб бўлмайдиган ишдир. Росулуллоҳ ﷺ Мадинаға етиб бориб, Ислом давлатини барпо этишлари биланоқ бутун дунёга уруш эълон қилмадилар. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَإِمَّا تَخَافَنَ مِنْ قَوْمٍ خِيَانَةً فَأَثْبِدُ إِلَيْهِمْ عَلَى سَوَاءٍ﴾

«Агар (ўрталарингизда аҳд-паймон бўлган) бирон қавм тарафидан хиёнатни сезсангиз, уларга баб-баробар қилинг (яъни аҳд-паймонни бузишингиз мумкинлигини сиз ҳам баробар сездириб қўйинг)» [Анфол 58]

Шунга асосан, мусулмонлар душманга қарши урушда ядрорий қуролдан фойдаланишлари жоиз, гарчи душман мусулмонлардан олдин уларга қарши ядрорий қуролдан фойдаланмаган бўлса ҳам. Чунки барча давлатлар урушда ядрорий қуролдан фойдаланишни жоиз деб ҳисоблайди. Шунинг учун ундан фойдаланиш мусулмонлар учун жоиз. Аслида ядрорий қуролни қўллаш — унинг инсониятни қириб ташлаши эътиборидан — ҳаромдир. Зоро, жиход инсониятга Исломни олиб кириш билан жон баҳш этади. У инсониятни фанога юз туттириш мақсадида олиб борилмайди.

Инсонларга ғамхұрлық қилишга асосланған мабда Исломдир. Ядровий қуроллар инсониятни йүқ қилиш мақсадида ишлатилгани сабабли улардан фойдаланишни фақат Ислом тузумигина тақиқлаган. Исломдаги жиход инсонларга хәёт бахш этади. Бироқ Ислом давлати келажакда ядровий қурол саноатини душманни құрқитиш учун ишга туширишга мажбур бўлади, ҳатто вазият тақозо этса, ундан фойдаланиши ҳам мумкин. Чунки бундай оммавий қирғин қуролидан фойдаланишни ўзига ҳалол қилиб олган Farb хавфини бартараф этмоқ лозим. Айниқса, бугунги кунда энг ривожланган ва энг қирғинбарот қурол-аслаҳалар мавжуд экан, Исломий давлат то ядровий қуроллардан фойдаланилмаслигига ёки дунё бўйлаб уларнинг бутунлай йүқ қилинганига ишонч ҳосил қилгунига қадар бу турдаги қуролга эга бўлишда давом этади.

Дунё бу қуроллардан Ислом билан бошқарилсагина қутула олади. Савбон ﷺ дар ривоят қилинган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай марҳамат қилганлар:

«إِنَّ اللَّهَ زَوِيٌّ لِيَ الْأَرْضَ فَرَأَيْتُ مَسَارِقَهَا وَمَغَارَتَهَا، فَإِنْ أَمْتَيْ سَيَّبَلْعُ مُلْكُهَا مَا زُوِيٌّ لِيَ مِنْهَا»

«Аллоҳ менга ерни йиғиб күрсатди, шунда унинг кун чиқишидан кун ботишига қадар барча жойларини кўрдим. Умматим мулки менга йиғиб күрсатилган барча жойларгача етиб боради». Тамим Дорийдан ривоят қилинган ҳадисда у бундай дейди: Мен Росууллоҳ ﷺ нинг бундай деб айтганларини эшитдим:

«لَيَبْلُغَنَّ هَذَا الْأَمْرُ مَا بَلَغَ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ، وَلَا يَشْرُكُ اللَّهُ بَيْتَ مَدْرِ وَلَا وَبِرٍ إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ هَذَا الدِّينَ، بِعَزِيزٍ أَوْ بِذَلِيلٍ، عِزًّا يُعِزُّ اللَّهُ بِإِلْسَلَامِ، وَذُلًّا يُذَلِّ بِهِ الْكُفْرَ»

«Бу иш (Ислом дини) кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ биронта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизликки, у билан Аллоҳ Ислом динини азиз қиласи. Хорликки, у билан Аллоҳ қуфрни хор қиласи».

Бир кун келадики, у кунда Ислом Росууллоҳ ﷺ ҳадисларининг тасдиқи сифатида бутун дунёning мабдаси бўлади. Чунки инсоният учун Исломдан бошқа нажоткор йўқ. Аллоҳдан Ўз нусратини тезлаштиришини сўраб қоламиз. □

## Хоманай Ҳамасга: Сизларни сиёсий ва маънавий қўллаб-куvvatлаймиз... Аммо олиб бораётган урушингизга алоқамиз бўлмайди!

Фаластиндаги Ҳамас қаршилик ҳаракатининг сиёсий бўлими раиси Исмоил Ҳанийя ноябр ойи охирларида Техронга сафар қилиб, Али Хоманай билан баҳс-мунозара ўтказган. Мунозарага гувоҳ бўлган ва эркин маълумот беришлари учун ўз исмлари очиқланмаслигини талаб қилган эронлик ва Ҳамасдан уч нафар расмий бу ҳақда хабар қилиб, қуидагиларни таъкидладилар: Эрон Олий раҳбари Хоманай Ҳанийяга «Ҳамас ўзининг 7 октябрдаги ҳужумлари ҳақида Эронни хабардор қилмади. Қолаверса, Эрон Ислом республикаси Ҳамас номидан айни урушга кирмайди», дея очиқ айтди. «Рейтер» ахборот агентлигига кўра, Хоманай унга «Эроннинг Ҳамасга сиёсий ва маънавий ёрдам беришда давом этишини, аммо урушга бевосита аралашмаслиги»ни таъкидлаган. Хоманай Ҳанийяга «Фаластиндаги ҳаракатлар Эрон билан унинг Ливандаги иттифоқчиси «Ҳизбуллоҳ»ни Истроилга қарши урушга бутун кучлари билан қўшилишга тинмай чақиришмоқда, «Ҳамас» уларнинг овозини ўчириши керак», деган. «Ҳамас» ҳаракати ўзининг сиёсий бўлими раиси Исмоил Ҳанийя билан Эрон муршиди жаноб Али Хоманай ўртасидаги учрашув тўғрисидаги «Рейтер» хабарига изоҳ сифатида, «Биз айни хабарда келтирилган маълумотларнинг тўғрилигини инкор этамиз. Афсуски, асоссиз хабар чоп этилибди. Биз агентликни ҳар қандай хабарни текшириб кўришга чақирамиз», деган.

**Ал-Ваъй:** Хоманайнинг «Ақсо тўфони» операциясига бизнинг алоқамиз йўқ, дея тўғрисини айтгани яхши бўлди. Зотан, унинг бу баёноти тарих саҳифасида ўзининг фойдаси учун эмас, зарари учун қайд этилади. Ҳамас учрашувни инкор этса-да, сизиб чиққан бу хабарни воқелик ҳам исботлаб турибди. Эроннинг Газода бўлаётган ҳодисаларга нисбатан позициясини фақат АҚШ-Эрон ҳамкорлиги белгилайди. Унинг аралashiши эҳтимолдан холи эмас, бироқ, бу Американинг манфаати тақозосига қараб бўлади, бошқа ҳеч қандай манфаат тақозосига қараб эмас.

**Саудия ҳамон «Истроил» билан муносабатларни нормаллаштиришдан умидвор**

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұмиллар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Американинг «Axios» веб-сайти хабарига кўра, «АҚШ конгресс делегацияси уруш пайтида Саудияга сафар қилиб, валиаҳд шаҳзода Мұхаммад ибн Салмон билан учрашди». Учрашув чоғида Республикачилар партиясидан сенатор Линдси Грэм раислигидаги делегация саудиялик расмийлардан уларнинг ҳамон Истроил билан муносабатларни нормаллаштириш келишувига эришишга ҳаракат қилишдан манфаатдор эканликларини эшитган. АҚШ президенти Жо Байден маъмурияти Яқин Шарқда Саудия «Истроил»ни тан оладиган йирик келишувни амалга оширишга ҳаракат қилаётган эди. Бу 7 октябрдаги «Истроил»нинг Ғазо хужумлари бошланишидан илгари эди. Сенатор Грэм Байден маъмуриятининг Саудия-«Истроил» ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга бўлган ёндашувини юқори баҳолаб, бундай сўзларни айтди: «Мен Байден маъмуриятининг Саудия-«Истроил» ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга бўлган ёндашувини факат олқишлишга лойик деб биламан... Мен Трамп асос соглан ишни қуриб битираётгани билан Байден маъмуриятини табриклайман. Шунингдек, Саудия-«Истроил» ўртасида дунёни барқарорлаштирувчи келишувни амалга ошириш йўлида Байден маъмурияти билан ишлашга ҳаракат қиляпман». Оқ уй миллий хавфсизлик кенгashi вакили Жон Кирби журналистларга бундай деди: «Саудия Арабистони Байден маъмуриятига қироллик Ғазодаги уруш тугаганидан кейин ҳам Истроил билан муносабатларни нормаллаштирадиган келишувга эришишдан манфаатдор эканини таъкидлади». Кирбининг бу баёноти Саудия мудофаа вазири Холид ибн Салмоннинг Вашингтон сафари билан бир вақтга тўғри келди. Ибн Салмон АҚШ миллий хавфсизлик маслаҳатчиси Жейк Салливан билан учрашуви ортидан «Ғазода зудлик билан ўт очишни тўхтатиш, тинч аҳолини ҳимоя қилиш, инсонпарварлик ёрдамларини олиб кириш ва тинчлик жараёнини қайта бошлаш зарур»лигини таъкидлади.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу ерда – янги ипак йўли деб аталган лойиҳами ёки бошқасими – Саудия Арабистони ва Форс кўрфази давлатлари (Истроил) билан иштирок этган Америка ҳомийлиги остидаги истиқболли иқтисодий лойиҳалар мавжуд. Фаластин масаласи эса, бу ҳукмдорларнинг бирортасини ташвишлантирмайди, аксинча, унга қарши барчаси тил</p>		

бириктиришмоқда. Кўплаб ахборот воситалари хабарига кўра, исломий юртлар ҳукмдорлари яхудийларга нормаллашув келишувининг манфаати учун Фазо урушини тугатишни маслаҳат беришган.

### **Амирликлар яхудийларнинг Газода шунча жиноятлар содир этишаётганига қарамай Истроил Фаластинда албатта қолади, демоқда**

Бирлашган Араб Амирликларининг мудофаа, ички ишлар ва ташки ишлар қўмитаси раиси Али Рошид Нуаймий Газо секторида уруш бўлаётганига қарамай, Иброҳим келишуви хавф остида эмаслигини таъкидлади. Иброҳим келишуви, деганда Нуаймий 2020 йил ичida АҚШ раҳнамолигида Амирликлар, Баҳрайн, Марокаш ва Судан давлатларининг «Истроил» билан имзолашган муносабатларни нормаллаштириш келишувини назарда тутяпти. Европа яхудий ассоциацияси ва АҚШ-«Истроил» ўртасида жамоатчилик алоқалари қўмитаси билан бўлиб ўтган учрашувда Нуаймий «бу келишувлар бизнинг келажагимиздир», улар минтақада ўзгариш ясади, барчага хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонлик олиб келади, деди. Кейин «Истроил Фаластинда албатта қолади», деди. Қайд этиш жоизки, Амирликлар Ақсо тўғони операцияси бошлангандан бери Фаластин қаршилик ҳаракати тарафида эмас «Истроил»нинг тарафида туришда барча араб давлатларидан фаолроқ ҳаракат қилимоқда. Мисол учун, Амирликларнинг Хавфсизлик Кенгашидаги вакиласи Лана Закий Нусайба Ҳамасга Ақсо тўғони операцияси сабабли кескин ҳужум қилиб, «бу ҳаракат фаластиналарни тамсил этмайди», деди.

**Ал-Ваъй:** Биз бу Амирликлар ҳукмдорларидан ва Зойид авлодидан факат кишини ғазаблантирадиган ҳамда мусулмонларни, уларнинг динларини ва масалаларини таҳқирловчи хабарларни эшитяпмиз. Улар бу дунёда ҳам, охиратда ҳам албатта Аллоҳдан ўзларига муносиб жазони оладилар, инша Аллоҳ.

### **Оли Шайх Туркийнинг «Риёз мавсуми» сайлларини Ғазога ҳамдардлик сифатида бекор қилмаганлиги танқидларга сабаб бўлди**

Саудия кўнгилочар тадбирлар ҳайъати раиси Оли Шайх Туркийнинг «Риёз мавсуми» сайлларини Ғазога ҳамдардлик

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>сифатида бекор қилмаганлиги танқидларга сабаб бўлди. Ҳолбуки, ҳозирда Газо ахли ва гўдаклари зулм уришини бошдан кечириб, номус ва динларини мудофаа қилмоқдалар. Уларнинг босқинчилар қўлида дуч келаётган қирғинлари қатли ом даражасига етди... Мана шундай бир вақтда кўнгилочар тадбирлар ҳайъати раиси Оли Шайх Туркий чиқиб олиб, ўтган кунларда ўзи ва мамлакати дуч келган танқидларга раддия сифатида Фейсбукдаги сахифасида бундай сўзларни ёзди: «Бу ерда изоҳлаш керак бўлган муҳим нарсалар пайдо бўлди. Мен сўнгги пайтларда унча гапирмай қўйгандим, аммо ҳозир гапирмасам бўлмайди деб биламан... 1967 йилда давлатлар босиб олинганда ҳам ҳеч нарса тўхтатилмаган, Ливан урушида ҳам ҳеч нарса тўхтатилмаган, менинг мамлакатим етти йил уруш қилганда ҳам ҳеч нарса тўхтатилмаган, Саудиянинг қони ҳамма нарсадан қиммат...». Кейин яна қўшимча қилди: «Паст-аҳмоқ кимсалар биздан баланд келган пайтда ҳақиқатни изоҳлашга тўғри келяпти, мамлакат номи, менинг номим ва Риёз мавсуми номини масхаралаш қачон тугар экан, билмадим... Улар одамларнинг дикқатини бошқа нарсага чалғитиши учун шундай қилишяпти... Мамлакатимда обрў-эътиборли шахсларни нотўғри танқид қилишга қачонгacha рухсат берилади, ахир? Биз билан ҳар қандай шарафли ишда ҳамкорлик қилганлар қачонгacha қўрқитилади? Мен футболнинг – масалан – тўхтатилганини ёки бошқа эркин ва шарафли бир тадбирнинг ёхуд туризмнинг тўхтатилганини кўрмаганман?». Кейин сўзларини қуидагича тамомлади: «Мен Оли Шайх Туркийнинг номини араб ватандошим яхши тушуниб, яхши танийди ва менинг номимни нима учун, кимлар томонидан қўлланайтганини билади, дея ишонаман. Мана, ахвол аниқ, яна ўша услуб-воситалар, ўша матбуот ва ўша кимсалар... Лекин мен саудияликларданман, улар ўз ватанлари равнақи, ривожланиши тарафдорларидир, мамлакатга келган ҳар қандай зиёратчини севиб, олқишлийдилар».</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу Туркий деган кимса Ибн Салмон олиб келган кўғирчоқ бўлиб, унинг қўлига мамлакат бюджетидан пуллар бериб қўйилган. У бу пулларни аҳмоқлар замонида аҳмоқона бемаъни кўнгил очар ишларга сарфлаб ётибди... Бас, бу кимсани айблаб-танқид қилиш ўрнига, аввал айни амалга уни ўтқазган ва қўллаб-қувватлаётганларни айблаб-танқид қилиш</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
керак... Бу байрам тадбирларини тўхтатмай ўтказиш шу хўжайини томонидан буюрилган иш. Шундай экан, хўжайини уни бу ишлардан тўсармиди??		
<b>Уммон муфтиси: Биз учун Ғазо мусибатлари оғир, бироқ бу нусратнинг тўловидир... «Фитначиларга қулоқ солманг»</b>		
Уммон муфтиси шайх Аҳмад ибн Ҳамд Халилий бундай деди: «Мағрур Ғазо аҳли жонлари, аҳллари ва молларида учраётган бу мусибат биз учун оғир, бироқ бу буюк нусратнинг тўловидир. Фитначилар нима дейишмасин, мен уларни мана шу мағрурлик ва шараф йўлида қадам ташлашга даъват қиласман:		
<p style="text-align: center;">﴿إِن يَمْسَسْكُمْ قَرْحٌ فَقَدْ مَسَّ الْقَوْمَ قَرْحٌ مِّثْلُهُ وَتِلْكَ الْأَيَّامُ نُذَاوِلُهَا بَيْنَ النَّاسِ﴾</p> <p>«Агар сизларга жароҳат етган бўлса, анави қавмга ҳам худди шундай жароҳат етган. Ва Аллоҳ ҳақиқий иймон келтирган кишиларни билиши ҳамда ораларингдан шаҳидларни саралаб олиши учун бу қунларни одамлар орасида айлантириб турамиз. Аллоҳ золим кимсаларни севмайди»</p>		
<p style="text-align: right;">[Оли Имрон 141]</p> <p>Халилий «X» платформасида қолдирган постида бундай қўшимча қиласди: «Фитначилар шу нозик жойдан тортишяпти ва ушбу нусратнинг қадрини пастлатишияпти. Бироқ бу каби иддаолар мўминларнинг аҳд-паймонарига путур етказмаслиги керак, билъакс, иймонни, молу жонни фидо қилишни зиёда этмоғи лозим... Бу викорли Ғазо ҳалқи бугунги мустахкам пўлат позицияларидан қилча оғмасинлар ва нусратга етиб боргунларича юришдан тўхтамасинлар... Мен барча мусулмонларни ушбу қардошларининг билагига қувват бўлишга, қўлларидан қандай яхшилик келса ўша билан ёрдам беришларига чақираман, токи, ғазолик бу оға-инилари қадамларида собит ва қарорларида қатъий давом этсинлар».</p> <p>Ўтган ой ушбу Уммон муфтиси бутун мусулмон уламоларини Фаластин масаласи олдидаги ўз бурч ва вазифаларини таниб, уни сидқидиллик билан адо этишга даъват қилди. Фаластин хужумларини муҳокама қилишга оид ўтказилган Жаҳон мусулмон уламолари иттифоқи анжумани учун уламоларга юборган ўзининг видеомарузасида шайх бундай деди: «Ҳеч бирингизнинг ёрдамсиз ташлаб қўйишга ҳаққи йўқ. Уммат ёрдамсиз ташлаб қўйилган ҳамда душманга қарши Ислом буюрган ҳамкорликдан узоқлашган бир пайтда</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Эң азиз-қимматли нарсалари борасида мусибатланяпты... Сиз хукмдору фукародан мен Фаластин масаласига оид зиммангиздаги вазифани адo этишни талаб қиламан. Уммат бир-бирларига нисбатан раҳмли, уни хорланишини истаётган душманларига нисбатан қаҳрли бўлиши вожиб». У яна бундай қўшимча қилди: «Бироқ Уммат душмандан қўрқиб, ундан ёрдам сўрай бошлади... Бизнинг ҳам Аллоҳдан Ғазодаги заифхол бандаларига ёрдам беришини, кудратини кўрсатиб, душманлари устидан қувват ва нусратни беришини сўраб дуо килишдан бошқа нарса қўлимиздан келмаяпти».</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу олим айни позицияда ростгўйлик кўрсатмоқда. Шундай бўлсада, биз эр кишилар ҳақни танийдилар деймиз. Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмаётган ҳақни барадла ростгўйлик билан айтиётган уламолардан Аллоҳ рози бўлсин.</p>		
<p><b>АҚШ давлат бош прокурорининг собиқ маслаҳатчisi: Вашингтон Ғазога қарши жиноятларда шерикдир</b></p>		
<p>АҚШ собық давлат бош прокурори маслаҳатчisi Сара Флаундерс «Исройлнинг Ғазо секторида ва босиб олинган бошқа Фаластин ерларида ҳар куни содир этаётган жиноятларида Қўшма Штатлар ҳам юз фоиз шерикдир», деди. Яна қўшимча қилди: «Бу жиноятларда Қўшма Штатларнинг жавобгарлиги Исройлнинг жавобгарлигидан кам эмас. Чунки Вашингтон Тель-Авивни мисли кўрилмаган равишда ҳарбий, сиёсий, дипломатик ва молиявий қўллаб-қувватламоқда». Собиқ маслаҳатчи хозирда Қўшма Штатларнинг Ғазога, фаластинликларга, умуман турли халқларга қарши ўйнаётган бундай фашистик ва жиноий ролига имкон борича қарши туришга чақирди. У «Исройл кучлари содир этаётган ҳар бир жиноят Американинг долларлари билан молияланган. Зотан, агар АҚШнинг чексиз қўллаб-қувватлови бўлмагандан эди ер юзида «Исройл» деган нарса бўлмас эди», деди. Флаундерс, шунингдек, қуйидагиларни таъкидлади: «Қўшма Штатларнинг қурол-яроғларисиз ва уруш техникасисиз ҳамда миллиардлаб долларлик ёрдамларисиз Ғазодаги уруш бир кун ҳам – ҳатто бир дақиқа ҳам – давом этмаган бўлур эди... Зоро, «Исройл» Американинг уруш машинасидан дунёдаги ҳеч бир давлат олмаган жуда катта маблағ олди ва буни ўтган етмиш беш йилдан бери олиб келяпти. Буларнинг барчаси қирғинбарот</p>		

<b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b>	<p>قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ»      «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»</p>	<b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b>
<p>куроллардир. Бинобарин, Америка Газога қарши айни урушга аралашди... Америка Газога ва Фаластин масаласига қарши фақат бугун тил бириктираётгани йўқ, балки 1948 йилдан бери шундай қилиб келмоқда. Чунки Вашингтон сионист давлатининг бош қўлловчисидир. Шунинг учун у Газодаги ва Farrell Соҳилдаги қирғинларга шерик, ваҳоланки, бу АҚШ ва инсоният қадриятларига тамоман зиддир». Собиқ маслаҳатчи ўз сўзларини қуидагича тамомлади: «Агар Вашингтон халқаро қонунни бузган мамлакатларга, шунингдек, инсон ҳуқуqlари ва демократияни поймол қилаётган давлатларга санкция киритишда одил турганда эди, унинг санкцияларига дучор бўлган давлатларнинг энг каттаси Истроил бўлган бўлур эди. Бироқ биз икки томонлама стандартлар ва иккюзламачилик сиёsatларини кўриб турибмиз.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Ушбу мақолада айтилган гапларнинг муҳимлиги, уни давлатнинг билимдон собиқ сиёсий арбоби айтганлигидир, бу очик, кучли ва ибратли сўзлар. Ақсо тўфони, душман «Истроил» содир этган зулм ва ҳамма гувоҳ бўлаётган унинг мислсиз жиноятлари дунёдаги ҳалол ҳалқларнинг қўзини очиб, ўз давлатлари жиноятини тушунишга ва давлатларига қарши чиқишига унадади... «Истроил»нинг Farrellдаги энг катта жинояткор эканлиги ва фарблик кофирларнинг ўз ёлғонларини яширишга уринишаётганлиги фош бўлди. □</p>		

## ЯХУДИЙЛАРДАГИ МАВЖУД СИФАТЛАР УЛАРНИ ТАРК ЭТМАЙДИ

### ЗЕРО, АЛЛОХ БУНГА ГУВОХЛИК БЕРГАН

- Ислом ва мусулмонларга энг қаттиқ душманлик қилиш ва уларга зарар етказишга энг кўп ҳаракат қилиш сифатлари. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَتَجِدَنَ أَشَدَّ الْنَّاسِ عَدَاوَةً لِّلَّذِينَ آمَنُوا إِلَيْهُو وَالَّذِينَ أَشْرَكُوا﴾

*«Иймон келтирган зотларга энг қаттиқ адоват қилгувчи одамлар яхудийлар ва мушрик бўлган кимсалар эканини кўрасиз»* [Моида 82]

Ибн Касир тафсирида бундай келади: «Бунинг ягона сабаби шундаки, яхудийларнинг кофириллари ўжарлик, ношукрлик, ҳақиқатни кўриб кўрмаганга олиш, одамларга паст назарда қараш, илм соҳибларини камситишдан иборат. Шунинг учун кўп анбиёларни ўлдиришди, хатто Ресулуллоҳ ﷺ ни ўлдиришга бир неча бор қасд қилишди, ўзларига ўхшаган мушрикларни ул зотга қарши гижгижлашди. Шунинг учун уларга то қиёмат кунигача Аллоҳнинг лаънати кетма-кет ёғилиб туради». Саъдий тафсирида бундай келган: «Улар Ислом ва мусулмонларга энг қаттиқ душманлик қиласидиган ва уларга зарар етказишга энг кўп ҳаракат қиласидиган кимсалар. Чунки мусулмонларни ҳасаддан, адovатдан, ўжарликдан ва кофирилларни келиб чиқиб қаттиқ ёмон кўришади».

- Аллоҳнинг буйруғига оғизда риоя қилиб, амалда уни бузиш сифати. Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِيقَاتَكُمْ وَرَأَعْنَا فَوَقَكُمُ الظُّرُورُ خُذُوا مَا آتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَّاسْسُمُوا قَالُوا سِئَعْنَا وَعَصَيْنَا وَأَشْرَبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعِجْلَ بِكُفْرِهِمْ قُلْ إِنْسَمَا يَأْمُرُكُمْ بِهِ إِيمَنُكُمْ إِنْ كُثُمْ مُّؤْمِنِينَ﴾

*«Эсланг (эй Бану Исроил), биз аҳду паймонингизни олгач, устингизда Тур тогини кўтариб туриб, «Келтирган нарсамизни (динимизни) маҳкам ушланг ва қулоқ солинг», деганимизда, «Эшитдик ва бўйсунмадик», дедилар. Кофириллари сабаб кўнгиллари фақат бузоққа ибодат қилиш билан тўлади. Айтинг: «Агар сиз мўмин бўлсангиз, иймонингиз сизни мунча ярамас нарсаларга буюради?»*

[Бақара 93]

Саъдий тафсирида бундай келади: «Оятдаги

﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِيقَاتُكُمْ وَرَعَيْنَا فَوْقَكُمُ الظُّرُورَ حُذُوا مَا إِتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَسَمِعُوا﴾

(Эсланг (эй бани Исроил), биз аҳду паймонингизни олгач, устингизда Тур тогини кўтариб туриб, «Келтирган нарсамизни (динимизни) маҳкам ушланг ва қулоқ солинг», деганимизда), яъни келтирган нарсамизни (динимизни) маҳкам ушланг ва қулоқ солинг, десак

﴿قَالُوا سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا﴾

(Эшиитдик ва бўйсунмадик) дейишиди. Яъни уларнинг ахволлари кофирилклари сабабли шу бўлдики,

﴿وَأَشْرَبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعِجْلَ﴾

(Кўнгиллари фақат бузоққа ибодат қилиши билан тўлди).

﴿فُلٌ بِتَسْمَاءٍ يَأْمُرُكُمْ بِهِ إِيمَنْكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

(Айтинг: Агар сиз мўмин бўлсангиз, иймонингиз сизни мунча ярамас нарсаларга буюради?). Яъни сизлар иймонни даъво қиляпсиз, ҳақ динни мақтаган бўляпсиз, аммо Аллоҳнинг анбиёларини ўлдирдингиз ва Аллоҳни қўйиб, бузоққа сиғиндингиз, Аллоҳнинг набийси Мусо буни қайтарган бўлишига қарамай, унинг буйруқ ва тақиқларини қабул қилмадингиз, фақат таҳдид қилиниб, устингиздан Тур тоги кўтарилгандан кейингина қабул қилган бўлдингиз, оғизда риоя қилдингиз, амалда эса буздингиз... Сизлар даъво қилаётган бу иймон ва дин қандай иймон ва қандай дин бўлди? Сизлар даъво қилаётган иймон шу бўлса, у холда, кишини туғён қилишга ва Росууллоҳга кофир бўлишга, беҳисоб осийликка тортадиган бундай иймон намунча ярамас иймон бўлмаса?! Биз билган-ўрганган соғлом иймон эса, кишини барча яхшиликларга буюради, барча ёмонликлардан қайтаради... Шу билан яҳудийларнинг ёлғони фош бўлди, бир-бирига тескари, қарама-қарши ишлари аён бўлди.

• Аллоҳ Таолога тил текизишлари ва Аллоҳ фақир, ўзларини бой, дея даъво қилишлари. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَقَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلُ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ وَنَحْنُ أَغْنِيَاءُ سَنَّكُتْبُ مَا قَالُوا وَقَتَّلَهُمُ الْأَنْثِيَاءُ﴾

«Бигер ҳақиқи

«Албатта Аллоҳ «Аллоҳ камбагал, бизлар боймиз», деган кимсаларнинг сўзини эшиитди. Уларнинг айтган гапларини ва анбиёларни ноҳақ ўлдиргандарини ёзиб қўюрмиз» [Оли Имрон 181]

Бу оят хақида Ибн Касир тафсирида бундай дейилади: «Мұхаммад ибн Исҳоқ бундай деди: менга Мұхаммад ибн Абу Мұхаммад Икримадан, Икрима Ибн Анасадан ушбуни ривоят қиласы: «Абу Бакр Сиддик رض яхудийларнинг дарсхонасига кирса, бир түп яхудийлар Фанҳас исмли кимсанинг атрофига йиғилишган экан. Яхудийларнинг уламо ва раввинларидан бўлган бу Фанҳаснинг олдида Ашиъ исмли раввин ҳам бор эди. Абу Бакр رض бундай деди: «Холингга вой бўлсин Фанҳас, Аллоҳдан қўрқ ва мусулмон бўл. Аллоҳга қасамки, сен Мұхаммад Аллоҳнинг Росули эканини ва Аллоҳ даргоҳидан хақни олиб келганини биласан. Чунки бу ҳақда сенларнинг Таврот ва Инжилларнинг ёзилган», деди. Фанҳас бундай деди: Эй Абу Бакр, биз Аллоҳга фақир муҳтоҷ эмасмиз, балки у бизга муҳтоҷ, у бизга тазарру қилганидек биз унга тазарру қилмаймиз, чунки ундан беҳожатмиз. Агар у бой-беҳожат бўлганда эди, биздан қарз сўрамаган бўлар эди. Қарз сўраётганини сизнинг пайғамбарингизнинг ўзи айтган. Сизни судхўрликдан қайтарадиу, ўзи бизга судхўрлик билан беряпти, беҳожат бўлганда эди бизга судхўрлик билан бермас эди... Шунда Абу Бакр رضнинг ғазаби тўлиб, Фанҳас юзига қаттиқ тарсаки туширди ва «жоним кўлида бўлган зотга қасамки, agar биз билан сенларнинг ўртангда аҳд бўлмагандан эди, каллангни танангдан жудо қилган бўлур эдим...», деди. Фанҳас Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسالہ وسَّعْ نَعْمَانَ олдиларига борди ва «дўстингиз нима қилганини кўриб қўйинг», деди. Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسالہ وسَّعْ نَعْمَانَ Абу Бакрга «Бундай қилишга сизни нима мажбур қилди?», деб сўрадилар. Абу Бакр رض айтиб берди: «Ё Росууллоҳ, бу Аллоҳнинг душмани Аллоҳ ҳақида жуда ёмон гапларни гапирди, Аллоҳ фақир, биз боймиз, деди. Мен бу гапларидан Аллоҳ учун ғазабландим ва юзига тарсаки туширдим». Аммо Фанҳас бундан тонди ва мен ундан гапларни гапирмадим, деди. Ана шунда Аллоҳ Таолонинг мазкур

﴿لَقَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ وَّنَحْنُ أَغْنِيَاءُ﴾

(Албатта Аллоҳ «Аллоҳ камбагал, бизлар боймиз», деган кимсаларнинг сўзини эшилди), ояти нозил бўлди. Буни Ибн Абу Хатим ривоят қилган. Аллоҳ Таолонинг

﴿سَنَكْتُبُ مَا قَالُوا﴾

(Уларнинг айтган гапларини ёзиб қўюрмиз), дегани айтган бу гапларини ёзиб кўямиз, деб таҳдид қилиш ва охиратдаги азоби билан қўрқитишидир. Шунинг учун унга

﴿وَقَتَّلَهُمُ الْأَنْيَاءَ بِعَيْرٍ حَقٍ﴾

(анбиёларни ноҳақ ўлдирганларини) қарина қиляпти, яъни улар Аллоҳ ҳақида шундай гапларни гапиришди, Аллоҳнинг Росули билан шундай муомалада бўлишиди, бас, Аллоҳ ҳам уларни шундай ёмон-оғир жазо билан «мукофотлайди», дейилмоқда.

• Келишув ва шартномаларни бузиш сифатлари. Тарих уларнинг тошбагир, кazzоб, хиёнаткор каби сифатларига гувоҳлик берган. Дарҳақиқат, яхудийлар Набий ﷺ ни ўлдиришга бир неча бор уринишиди ва бу билан ул зот билан тузган аҳдномаларини бузишиди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فِيمَا نَقْضَاهُمْ مَيْشَقَهُمْ لَعَنَّهُمْ وَجَعَلْنَا قُلُوبَهُمْ قَسِيَّةً يُحِرِّفُونَ الْكِلَامَ عَنْ مَوَاضِعِهِ وَنَسُوا حَظًا مِمَّا دُكَرُوا بِهِ وَلَا تَرَأَلَ تَطْلُعُ عَلَى حَآيَةِ مِنْهُمْ إِلَّا قَلِيلًا مِنْهُمْ فَأَعْفُ عَنْهُمْ وَأَصْفَحُ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

«Сўнг аҳд-паймонларини бузганлари сабабли уларни лаънатладик ва тошбагир қилиб қўйдик. Улар (Тавротдаги Мұхаммад алаихис-саломнинг пайғамбар бўлишлари ҳақидаги) сўзларини ўз ўринларидан ўзгартирадилар, ўзларига эслатма қилиб берилган нарсалардан эса (кўп) ҳиссасини унутиб юборганлар. (Эй Мұхаммад), сиз мудом улар тарафидан қилинган бирон хиёнат устидан чиқасиз. Магар улардан (Исломни қабул қилган) озчилик кишиларгина хиёнат қилмайдилар, холос. Бас, уларни афв этиб, кечириб юбораверинг. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади» [Моида 13]

Ибн Касир тафсирида бундай келади:

﴿فِيمَا نَقْضَاهُمْ مَيْشَقَهُمْ لَعَنَّهُمْ﴾

(Сўнг аҳд-паймонларини бузганлари сабабли уларни лаънатладик) дегани улар келишилган аҳдномани бузишгани сабабли уларни лаънатладик, яъни уларни ҳақдан узоқлаштиридик ва ҳидоятдан қувдик, демакдир.

﴿وَجَعَلْنَا قُلُوبَهُمْ قَسِيَّةً﴾

(*тошбагир қилиб қўйдик*) дегани тошбағирликлари сабабли хеч бир насиҳатни олишмайди, деганидир.

﴿يُحِرِّفُونَ الْكَلِمَ عَنْ مَوَاضِعِهِ﴾

(*Улар сўзларни ўз ўринларидан ўзгартирадилар*). Яъни тушунчалари бузилиб, Аллоҳнинг оятларини нотўғри ишлатиши ва китобини нозил қилингандаги маъносидан бошқача таъвил қилишди ва Аллоҳ ирода қилмаган маънолар беришди, сўнг Аллоҳ айтмаган сўзларини айтишди, Аллоҳ буларнинг барчасидан асрасин бизни.

﴿وَذُسْوا حَطَّا مِمَّا دَكَرْتُ لَهُمْ﴾

(*Ўзларига эслатма қилиб берилган нарсалардан эса (кўп) ҳиссасини унумтиб юборганлар*). Яъни Аллоҳнинг амрларига рағбат қилмай, тарк қилишди. Ҳасан айтади: Улар ўз динлари асосини ва амаллар қабул қилинишига сабаб бўлувчи Аллоҳнинг буюрган вазифаларини тарк этишди. Ҳасандан бошқа бири деди: Амал қилмоқни тарк этиб, жуда ёмон аҳволга тушиб қолишиди... На соғлом диллари қолди, на тўғри табиатлари, на кучли амаллари...

﴿وَلَا تَرَالْ تَطَلَّعُ عَلَىٰ حَآبَةٍ مِّنْهُمْ﴾

(*Эй Муҳаммад), сиз мудом улар тарафидан қилинган бирон хиёнат устидан чиқасиз*). Яъни Сиз Муҳаммад ﷺ на ўзингизга ва асҳобларингизга бўлган уларнинг макр ва хиёнатларининг устидан чиқасиз. Мужоҳид бундай деган: Яъни яхудийларнинг Набий ﷺ ни тугатиш-йўқ қилишга иchlари тўла ўч, демакдир.

﴿فَأَعْفُ عَنْهُمْ وَاصْفَحُ﴾

(*Бас, уларни афв этиб, кечириб юбораверинг*). Мана, уларни афв этиб, кечириб юбориш асл нусрат ва зафардир. Бу худди салафи солиҳлардан бири айтган мана бу гап кабидир: «Сиз ҳақингизда Аллоҳга осий бўлган кимсага нисбатан муомалангиз сиз унинг Аллоҳга қанчалар итоат қилишига караб бўлсин». Мана шундай қилса, улфат бўлади, ҳақ устида жамланилади, шоядки Аллоҳ уларни ҳидоятлайди. Шу боис Аллоҳ Таоло

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

(*Албатта, Аллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади*). Сизга ёмонлик қилганларга сиз яхшилик қилаверинг демоқда. □

# ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

БУРУЖ СУРАСИ ТАФСИРИ

﴿وَالسَّمَاءُ ذَاتُ الْبُرُوجِ ﴾ وَاللَّيْلُمَوْعِدُ ﴿ وَسَاهِدٌ وَمَشْهُودٌ ﴾ قُلْ أَصْحَابُ الْأَخْدُودِ ﴿  
 الْنَّارُ ذَاتُ الْوَقُودِ ﴾ إِذْ هُمْ عَلَيْهَا قُعُودٌ ﴿ وَهُمْ عَلَىٰ مَا يَفْعَلُونَ بِالْمُؤْمِنِينَ شُهُودٌ ﴾ وَمَا نَعْمَلُوا  
 مِنْهُمْ إِلَّا أَنْ يُوْمَنُوا بِاللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَبِيدِ ﴿ الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ  
 شَهِيدٌ ﴾ إِنَّ الَّذِينَ فَتَنُوا الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَتُوبُوا فَلَهُمْ عَذَابٌ جَهَنَّمَ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلْحَرِيقِ  
 ﴿ إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ جَنَاحٌ تَحْتَهَا الْأَنْهَرُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْكَبِيرُ ﴾  
 إِنَّ بَطْشَ رَبِّكَ لَشَدِيدٌ ﴾ إِنَّهُ هُوَ يُبَدِّئُ وَيُعِيدُ ﴾ وَهُوَ الْغَفُورُ الْوَوْدُ ﴾ ذُو الْعَرْشِ الْمَجِيدُ ﴾  
 فَعَالٌ لَنَا يُرِيدُ ﴾ هَلْ أَتَنَاكَ حَدِيثُ الْجُنُودِ ﴾ فَرْعَوْنَ وَثَمُودٌ ﴾ بَلْ الَّذِينَ كَمْرُوا فِي تَكْدِيبٍ  
 ﴿ وَاللَّهُ مِنْ وَرَائِهِمْ مُحِيطٌ ﴾ بَلْ هُوَ قُرْءَانٌ مَجِيدٌ ﴾ فِي لَوْحٍ مَحفُوظٍ ﴾

«1. Буржлар эгаси бўлмиши осмонга қасам. 2. Ваъда қилинмиши (Киёмат) Кунига қасам. 3. (Ўша Кунда) гувоҳ бўлгувчи (барча халойиққа) ва гувоҳ бўлингувчи (барча воқеа-ҳодисалар)га қасами, 4-5. (Ўзига улоқтирилган одамларнинг таналаридан иборат бўлган) «ўтинг»ли олов - (ўша олов ловуллаб ёнаётган) чоҳ эгаларига лаънат бўлсин! 6. Ўшандада улар ўша (чоҳ)нинг устида ўтириб олган, 7. Ва мўминларга қилаётган ишларига ўзлари гувоҳ бўлган эдилар. 8-9. Улар (мўминлардан) фақат у (мўмин)лар кудрат ва мақтov эгаси бўлган Аллоҳга — осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган зотга имон келтирганлари учунгина ўч олдилар! Аллоҳ барча нарсага гувоҳдир! 10. Албатта мўмин ва мўниналарни фитнага солиб, (бу қилмишларидан) тавба қилмаган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир ва улар учун ўт азоби бордир! 11. Албатта имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жсаннатлар бордир. Мана шу катта баҳтдир. 12. (Эй Муҳаммад), шакшубҳасиз Парвардигорингизнинг (коғирларни азоб билан) ушлиши қаттиқдир. 13. Албатта Унинг Ўзи бошлар (яъни бошлаб ўққдан бор қилур) ва қайтарур (яъни халойиқни ўлганларидан кейин қайта тирилтиур). 14. У (мўминларга) магфиратли муҳаббатли зотдир. 15. (У) ариш соҳиби бўлмиши буюк зотдир. 16. (У) истаган нарсасини амалга оширгувчиidir. 17-18. (Эй Муҳаммад), сизга

**қүшинларнинг — Фиръавн (ва унинг одамларининг) ҳамда Самуд (қабиласининг) хабари келдими? 19. Йўқ, коғифр бўлган кимсалар (ўзларидан аввал ўтган динсиз кимсалар йўлиқкан азоб-ҳалокатлардан ибрат олмай, ҳали ҳам Қуръонни) ёлгон дейшида (оёқ тираб турибдилар!). 20. Ҳолбуки, Аллоҳ уларнинг ортида (барча нарсани билиб) ихомта қилиб тургувчиидир. 21-22. Йўқ, (улар ёлгон дейшишаётган нарса) Лавҳул-Маҳфуздаги (яъни ҳар қандай бўзилиш ва ўзгаришдан сақланган-ҳимояланган Лавҳадаги) Буюк Қуръондир»**

[Буруж 1-22]

Шайх Мутаваллий Шаъровий (роҳимаҳуллоҳ) тафсирида бундай келади:

﴿وَالسَّمَاءُ ذَاتُ الْبُرُوج﴾

**(Буржлар эгаси бўлмиши осмонга қасам).** Бу ерда осмон қўёш, ой ва юлдузларнинг ҳолат (фаза)ларининг эгаси, яъни уларни ўз ичига олган, деган маънода. Зеро, бу юлдуз-сайёралар ўз ҳаракатида Аллоҳ Таолонинг қудрати ва раҳматининг баркамоллиги ҳамда имми ва ҳикматининг кенглигига далолат қилувчи, энг комил тартиб ва низом билан тартиблаштирилган.

﴿وَالْيَوْمُ الْمَوْعِد﴾

**(Ваъда қилинмиши (Қиёмат) Кунига қасам).** Бу Аллоҳ Таоло унда махлуқотларини йиғиш, аввалгию охиргиларни ҳамда узогу яқиндагиларни тўплаш ҳақидаги ваъдасидир. Аллоҳнинг ваъдаси ўзгармайди, чунки Аллоҳ ўз ваъдасига тескари иш қилмайди.

﴿وَشَاهِدٍ وَمَشْهُودٍ﴾

**((Ўша Кунда) гувоҳ бўлгувчи (барча ҳалойиққа) ва гувоҳ бўлингувчи (барча воқеа-ҳодисалар)га қасам).** Бу мана шу сифат билан сифатланган ҳар бир кимсани ўз ичига олади: кўрувчи ва кўрингувчи, ҳозир бўлгувчи ва ҳозир бўлинган ва ҳоказо.

Қасамёд қилинган нарса бу Аллоҳнинг мунаvvар оятлари, зоҳирий ҳикматлари ва бепоён раҳматидан иборат қасам ўз ичига олган нарсалардир.

﴿فُتَلَ أَصْحَبُ الْأَخْذُود﴾

**(Чоҳ эгаларига лаънат бўлсин).** Бу уларнинг ҳалок қилиниши ҳақидаги дуои баддир.

﴿الْأَخْذُود﴾

**(Чоҳ)** ердан қазиладиган чуқур.

Бу чоҳ эгалари коғир қавм бўлиб, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор эди. Улар ўзларининг динига киришга мўминларни

мажбурлашгач, мұмынлар буни рад этишди. Шунда кофирлар ердан соғ қазиб, унга ўт ёқиши. Кейин соғ атрофига ўтириб, мұмынларни фитнага солиб, ўтга рүбарў қилишди. Ким уларнинг динини қабул қылса қүйиб юбориши. Ўз имонида маҳкам турғанларни ўтга ташлашди. Бу Аллоҳға ва Унинг мұмын гурухига қарши очилған уруш эди. Шунинг учун Аллоҳ Таоло

﴿ قُتِلَ أَصْحَابُ الْأَخْدُود﴾

**(Чоғ эгаларига лаънат бўлсин)** дея уларни лаънатлади, ҳалок қилди ва дўзах азоби билан таҳдид қилди. Сўнг соҳни сифатлаб бундай деди:

﴿ إِنَّمَا يَعْلَمُ عَلَىٰ مَا يَفْعَلُونَ بِالْمُؤْمِنِينَ شُهُودٌ﴾

((Ўзига итқитилган одамларнинг таналаридан иборат бўлган) «ўтин»ли оловдир. Ўшанда улар ўша (чоғ)нинг устида ўтириб олган, 7. Ва мұмынларга қилаётган ишларига ўзлари гувоҳ бўлган эдилар). Бу зулм ва қалб қаттиқлигининг энг катта шаклидир. Чунки улар Аллоҳнинг оятларига кофир бўлишди, уларни инкор қилишди ҳамда имон ахлига уруш очиб, уларни ундан қалблар жирканадиган азоб билан азоблашди. Шунингдек, мұмынларни соҳга ташлар эканлар ўша ерда ўтириб томоша қилишди. Улар мұмынлардан ўзлари мақталаётган ва у орқали саодатга эришадиган бир хислати учун ўч олишди. Яъни азиз ва мақтовга сазовор, бошқача айтганда, ҳар бир нарсадан ғолиб кучли ва ўз сўзи, сифати ва ишида мақтовга сазовор Аллоҳга имон келтирғанликлари учун ўч олишди.

﴿ وَالَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾

**(Осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган зот).** Яъни Ўз маҳлуқотлари ва бандаларига нисбатан худди подшоҳ ўз мулкини тасарруф қилганидек иш юритади демакдир.

﴿ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ﴾

**(Аллоҳ барча нарсага гувоҳдир).** Яъни билиш, эшитиш ва кўришда барча нарсага гувоҳ. Наҳотки бу исёнчилар азиз ва қудратли Аллоҳнинг уларни ушлашидан қўрқмаган бўлса. Улар ўзларининг Аллоҳга кул эканликларини ва Аллоҳ уларнинг хўжайини бўлиб, Унинг изнисиз бир-бирига ҳукмронлик қила олмасликларини наҳотки билишмаса. Ёки Аллоҳ Таоло уларнинг қилаётган амалларидан хабардорлиги ва амалларига кўра жазолашини билмаган бўлса. Йўқ, албатта кофир алдов-хиёнат отига минади, золим эса гумроҳ бўлиб, тўғри йўлни кўрмайди.

Сўнгра Аллоҳ Таоло ваъда бериб, тавба қилишни таклиф қилди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ فَتَنُوا الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَتُوْبُوْ فَلَهُمْ عَذَابٌ جَهَنَّمَ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَخْرِيقٍ﴾

(Албатта мүмин ва мүминаларни фитнага солиб, (бу қилмисшларидан) тавба қилмаган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир ва улар учун ўт азоби бордир). Яъни ёндирувчи қаттиқ азоб бор. Ҳасан (роҳимахуллоҳ) айтади: Аллоҳнинг карами ва саҳоватига қаранг, улар Аллоҳнинг дўстлари ва итоат аҳлини ўлдирсалар-у, У уларни тавба килишга чақиряпти.

Золимларнинг жазоланишини айтар экан, мүминларга мукофот берилиши ҳақида эслатади: ўз амаллари билан

﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

(имон келтирган) ва аъзолари билан

﴿وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ﴾

(солиҳ амал қилган зотлар) учун

﴿أَلَّهُمْ جَنَّتُ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْكَبِيرُ﴾

(остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Мана шу катта баҳтдир). Бу туфайли улар Аллоҳнинг розилигига эришдилар.

﴿إِنَّ بَطْشَ رَبِّكَ لَشَدِيدٌ﴾

(Парвардигорингизнинг ушлаши қаттиқдир). Яъни жиноят ва улуғ гуноҳ аҳлини жазолаши қаттиқдир. Аллоҳ Таоло бошқа ояти каримада айтганидек, золимларни пистирмада кутиб туради:

﴿وَكَذَلِكَ أَخْدُ رَبِّكَ إِذَا أَخْدَ الْقُرَى وَهِيَ طَلِيلَةٌ إِنَّ أَخْدَهُ اللَّمَمُ شَدِيدٌ﴾

«Парвардигорингиз (аҳли эгалари) золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши азоби алами ва қаттиқдир» [Худ 102]

﴿إِنَّهُ هُوَ يُبَدِّئُ وَيُعِيدُ﴾

(Албатта Унинг Ўзи бошлар ва қайтарур). Яъни У яратишни бошлаш ва қайта тирилтиришда ҳам ёлғиздир, бу ишда унга шерик йўқдир.

﴿وَهُوَ الْغَفُورُ﴾

(У магфиратли) тавба қилганларнинг барча гуноҳларини кечирадиган ҳамда истигфор айтиб қайтганларнинг хатоларини афв этадиган зотдир. (الْوَدُودُ Мұхаббатли) яъни унинг муҳаббати хеч кимникига ўхшамайди. Улуғлик ва гўзаллик сифатларида, маъно ва ишларда хеч нарса Унга ўхшамаганидек, хос бандалари

қалбидаги Үнга бўлган муҳаббатга ҳам, муҳаббат турларининг ҳеч бири ўхшамайди. Шунинг учун Үнга бўлган муҳаббат бандаликнинг асл-моҳиятидир. У муҳаббатнинг барча турларидан олдин ва устун турадиган муҳаббатдир. Агар муҳаббатнинг барча турлари үнга тобе бўлмаса, бу унинг эгасига азоб бўлади. Аллоҳ Таоло Ўз маҳбубига меҳрибон зотдир. Аллоҳ Таоло:

﴿كُبَّهُمْ وَيُجْنُونَ﴾

**(Аллоҳ уларни яхши қўурур, улар Аллоҳни яхши қўурурлар)**, деб айтганидек, муҳаббат – бу соф севгиdir. Унда ажойиб сир бор. Аллоҳ Таоло (اللّٰهُوَ مُحَابَّٰتٗ)ни (الْغَفُورُ مَاغْفِرَاتٗ)га боғлади, бу гуноҳкорлар Аллоҳга тавба қилиб, қайтсалар уларнинг гуноҳларини кечиради ва яхши кўради маъносини англатади. Шунинг учун Аллоҳ бандаларининг гуноҳларини кечиради, аммо уларни қайтиб яхши кўрмайди, демаслик керак, буни баъзи хатокорлар айтади.

Аллоҳ Таоло бандаси тавба қилган пайтда ундан хурсанд бўлади. Бир киши туясига ейдиган, ичадиган ва керакли нарсаларини ортиб, уни кимсасиз сахрова йўқотиб кўйди. Кейин ундан ноумид бўлиб, дарахтнинг соясида ўлимни кутиб ётган эди, кўзини очиб қараса устида туяси турибди, шунда у туясининг тизгинидан ушлаб олади. Аллоҳ Таоло бандасининг тавбасидан ушбу киши туясидан хурсанд бўлганидан кўпроқ хурсанд бўлади. Бу мумкин бўлган энг катта кувончdir.

﴿ذُو الْعَرْشِ الْمَجِيدُ﴾

**(У арши соҳиби бўлмиши буюк зотдир).** Унинг арши ер-у осмонлардан кенгdir. Еру осмонлар Унинг аршига нисбатан сахрога ташланган узук кабидир. Аллоҳ Таоло Аршни алоҳида эслатаётгани уни буюклигидандир. Чунки Арш Аллоҳ яратган маҳлуқотлар ичида Ўзига энг яқинидир. Бу (الْمَجِيدُ)ни мажиди деб жар қилиб ўқилса Аршга сифат бўлади, мажиду деб раф қилиб ўқилса Аллоҳга сифат бўлади. Демак, (الْمَجِيدُ) буюклик сифатларнинг энг кенги ва улуғидир.

﴿فَعَالٌ لِمَا يُرِيدُ﴾

**(У истаган нарсасини амалга оширгувчиdir)** яъни нимани хоҳласа қиласди, бирор нарсани хоҳласа, бўл дейди бўлади. Хоҳлаган ишини қиладиган зот фақат Аллоҳdir.

Аммо махлукотлар бир нарсаны хоҳласа, унга ёрдам бергувчи ва қайтаргувчи бўлиши керак. Аллоҳ Таоло иродасини ёрдам бергувчиси ҳам йўқ, ирова қилган нарсасидан қайтаргувчи ҳам йўқ.

Кейин элчилар келтирган нарсаларнинг тўғрилигига далолат қилувчи баъзи амалларни зикр қиласди:

﴿هَلْ أَنْتَكَ حَدِيثُ الْجَنُودِ فِرْعَوْنَ وَهَامُودَ﴾

(Эй Муҳаммад), сизга қўшинларнинг — **Фиръавн** (ва унинг одамларининг) ҳамда **Самуд** (қабиласининг) ҳабари келдими?). Яъни қандай қилиб элчиларни ёлғончига чиқаришгани ва Аллоҳ Таоло уларни ҳалок қилгани ҳақида хабар келдими?

﴿بِلِّأَنَّذِينَ كَفَرُوا فِي تَكْذِيبٍ﴾

**(Йўқ коғир бўлган кимсалар** (ҳали ҳам қуръонни) ёлғон дейишида (оёқ тираб турибдилар)). Яъни улар ёлғон дейиши ва қайсарликда давом этмоқдалар, уларга оятлар ва панд насиҳатлар фойда бермаяпти.

﴿وَاللَّهُ مِنْ وَرَآبِيهِمْ حُكْيَطٌ﴾

**(Холбуки, Аллоҳ уларнинг ортида** (барча нарсани билиб) **иҳома қилиб тургувчи****дир**). Яъни уларни Аллоҳнинг илми ва қудрати ўраб туради. Бу худди Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنَّ رَبَّكَ لِيَأْمُرُ صَادِ﴾

**«Шак-шубҳасиз Парвардигорингиз** (барча нарсани) **күзатиб тургувчи****дир**» [Фажр 14] деган қавлига ўхшайди. Бунда кофирларни ўзлари унинг қўли ва назорати остида бўлган зотнинг азобидан қаттиқ қўрқитиш бор.

﴿بِلِّهُو قُرْءَانٌ مَّحِيدٌ﴾

**(Йўқ у буюк Куръондир).** Яъни у маънолари кенг ва буюк, яхшилик ва илмга бой бўлган Куръондир.

﴿فِي لَوْحٍ مَّحْفُوظٍ﴾

**(У лавҳул маҳфуздадир).** Яъни у ўзгартириш, қўшиш ва камайтиришдан ҳамда шайтонлардан сақланган. Аллоҳ Таоло бу лавҳул Маҳфузда барча нарсани мустаҳкам қилиб қўйган. Бу Куръоннинг буюклиги ва улуғлигига ҳамда унинг Аллоҳ ҳузуридаги мартабасига далолат қиласди. Аллоҳ билгувчироқдир. □

## ЯХУДИЙЛАР ИСЛОМГА, УНИНГ ПАЙҒАМБАРИГА ВА УММАТИГА БҮЛГАН ДУШМАНЛИКЛАРИДА ТО ҚИЁМАТГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

Яхудийлар римликлар томонидан мағлубиятта учрагач, Мадинаи Мунавварага күчіб ўтдилар. Чunksи улар охирги замон пайғамбари юборилиши яқинлашиб қолғанини билишар эди. Уларнинг маълумотларига кўра, (У Фаран тоғидан порлайди) деб Тавротда айтилганидек, Маккадан чиқиши керак эди. Яна улар пайғамбарни ўзларидан бўлади деб ўйлашар ва ҳатто қўшни арабларни у билан қўрқитишар эди.

Яхудийлар ўз одатларига кўра, қаерда яшашларидан катъий назар, ер юзида зулм қилиш, хиёнат, фитна, ёлғон, айёрлик, бузуклик, жанжал қўзғатиш, уруш қилиш, низо қўзғаш, аҳд ва ваъдаларни бузиш, бошқалардан фойдаланиш ва уларни босиб олиш каби табиатга эга. Бундан ташқари, улар рибо, баҳиллик ва бошқаларнинг молини ноҳақ ейиш орқали катта бойлик топиш билан машҳур бўлганлар. Улар ҳар қандай халқ ва миллатлар билан муомала қиласар эканлар, кон қонига сингиб кетган мана шу хислат орқали муомала қиладилар. У фақат мусулмонларга чекланган эмас. Лекин у ақидавий диний жиҳати туфайли мусулмонларга нисбатан янада ортади. Шунинг учун улар барча улардан нафратланадиган, қувғин ва сургин қилинган ва қиёматгача азоб чекадиган халқдир. Аллоҳ Таоло бу ҳақда бундай дейди:

﴿وَإِذْ تَأْذَنَ رَبُّكَ لَيَبْعَثَنَّ عَلَيْهِمْ إِلَى يَوْمَ الْقِيَمَةِ مَن يَسُومُهُمْ سُوءُ الْعَذَابِ إِنَّ رَبَّكَ

لَسَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

«Ўшанда Парвардигорингиз албатта уларнинг устига қиёмат кунигача ёмон азоб билан азоблайдиган зотларни юборишини билдирган эди. Шубҳасиз, Парвардигорингиз (коғирлар учун) азоби қаттиқ, (мўминларни эса) магфират қилгувчи, меҳрибондир» [Аъроф 167]

Яхудийларнинг Пайғамбаримиз ﷺ билан бўлган тарихига келсак, улар ўзларидан бўлмаган кишини элчи бўлишига рози бўлмадилар. Лекин Мадинадаги Авс ва Хазраж қабилаларининг иймонга келиши сабабли, улар Росууллоҳнинг даъватига ҳийла қилиш, қабилаларни у зотга қарши қўйиш ва Мадинада Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул бошчилигидаги мунофиқлик ҳолатини кучайтириш учун фитна уюштиришга киришдилар. Улар исломий даъватга заар өтказиш учун ҳар қандай воситани ишга солиши: Росууллоҳ ﷺ ни ўлдиришга ҳаракат қилиш, Авс ва Хазраж қабилалари иймон келтирганидан кейин улар ўртасига жоҳилият фитнасини солиши, бозорларда муслима аёлларга тажовуз қилиш, Росууллоҳ ﷺ билан тузилган келишув ва Мадина келишувини бузишлари, Қурайш кофирлари ва мушриклари билан иттифоқ тузиш, буларнинг барчаси ўша воситалар жумласидан эди. Бу соҳада улар Мадинага бостириб кириш ҳамда Ислом ва мусулмонларни йўқ қилиш учун қабилаларни тўплаш билан энг ёмон ишларни қилиши. Аҳзоб ғазоти уларнинг фитна ва режаларидан иборат эди.

Аммо Росууллоҳ ﷺ уларга нисбатан Мусо ﷺнинг пайғамбарлигига ишонадиган аҳли китоблардек муносабатда бўлдилар. Дарҳақиқат уларни ўзининг пайғамбарлиги ва динига иймон келтиришга чақирди. Лекин улар Росууллоҳ ﷺнинг даъватини инкор қилиш ва унга қарши фитна қилишда қаттиқ турдилар. Улар исломий жамият марказида яشاшаётгани ва у ердаги заифлик ва куч ўринларини билганликлари ҳамда даъватга катта хатар туғдираётгани учун, Росууллоҳ ﷺ улар томонидан қилинган ҳар бир хиёнатдан кейин улар билан уруш асосида муомала қилишга ҳаракат қилди. Бу иш то Аллоҳ Таоло уларни ўлдириш, рад этиш ва Араб ярим оролидаги сиёсий таъсирини йўқ қилиш орқали мусулмонларни улардан халос қилгунигача давом этди.

Росууллоҳ ﷺ уларга нисбатан ишлатган услублардан бири ўлдириб-йўқ қилиш услуби эди. Масалан Каъб ибн Ашрафнинг ўлдирилиши, у Бану Назирлик яхудий шоир бўлиб, ўз шеърларида Қурайшни Мұхаммад ﷺга қарши

гижгижлар ва уларни ўлдиргани учун ундан ўч олишга ундар эди. У яна ўз шеърлари орқали Курайшга Мадина ахолисининг ҳаммаси ҳам Мухаммад тарафида эмаслигини очиб берар ва Қурайшни Бадрда мағлуб бўлишлари натижасида пайдо бўлган умидсизлик ҳолатидан уйғотар эди... Яҳудий Абу Аффокнинг ўлдирилиши, у ҳам Росууллоҳ ﷺга қарши гижгижлаб шеър ёзар эди... Асмо бинти Марвон исмли яҳудий аёлнинг ўлдирилиши, у Ислом ва мусулмонларни айблар, ансорларни Росууллоҳга эргашганликлари учун қоралар, у зотни масхара қилиб, унга қарши гижгижлар эди. Ибн Санина ва Хайбар яҳудийларидан бўлган Абу Рофеъ ибн Абулҳақиқларнинг ўлдирилиши... Бу амалиётлар яҳудийларни кўркитиб вахимага туширди. Лекин улар ўз килиқлари, бузғунчиликлари ва келишувларни бузишларидан қайтишмади. Шунинг учун улар билан бошқача муомала қилиш керак бўлиб қолди. Натижада уларнинг илдизи билан йўқ қилган ғазотлар бўлди. Росууллоҳ ﷺ биринчи бўлиб Мадина ичкарисидаги Бану Қайнуқо ва Бану Назирга қарши уруш қилди. Кейин Мадина атрофидаги Бану Қурайзага қарши уруш қилди. Сўнгра яҳудийларнинг Араб ярим оролидаги асосий кальяси хисобланган Хайбарга уруш қилди. Шундан кейин Фадак, Таймовъ ва Умми Қуро каби яҳудий қабилаларга қарши уруш қилди.

1 – **Бану Қайнуқо ғазоти:** Бану Қайнуқо Мадинада яшагани учун мусулмонларга хатари кўпроқ эди. Улар мусулмонларга қарши кўп душманчилик қилишди. Бу эса Росууллоҳ ﷺни улардан қутилиш хақида фикрлашга ундини. Бир муслима аёл Мадинадаги уларга қарашли бозорга кирганда бир гурух яҳудийлар тўпланиб юзини очишини хоҳлашди, лекин у бош тортди. Шунда бир яҳудий орқасидан бориб кўйлагининг этагини орқа тарафига боғлаб кўйди. Ҳалиги аёл ўрнидан турган эди кети очилиб қолди ва яҳудийлар унинг устидан кулишди. Аёл мусулмонлардан ёрдам сўраган эди, бир мусулмон шу ишни қилган яҳудийга ташланиб, уни ўлдириди. Шунда яҳудийлар ҳам унга ташланиб, уни ўлдиришиди.

Мусулмоннинг оиласи мусулмонлардан ёрдам сўраган эди улар билан Бану Қайнуқо ўртасида низо келиб чиқди. Натижада Пайғамбаримиз ﷺ яхудийларни йигиб, уларни огоҳлантирилар ва мусулмонларга озор беришдан тийилишлари ва аҳдга риоя қилишлари ва акс ҳолда Қурайшнинг бошига тушган нарса уларга ҳам тушиши тўғрисида айтдилар. Шунда улар: «Эй Мұхаммад сен урушни билмайдиган қавмга йўлиққанинг ва уларни ўлдириш учун фурсат топганингдан алданма. Аллоҳга қасамки, агар биз сенга қарши уруш қилсак кимлигимизни билиб оласан ва бошқасидан кўрмаган нарсани биздан кўрасан», дейишди. Шу муносабат билан Аллоҳ Таоло қўйидаги оятларни нозил қилди:

﴿قُل لِّلَّذِينَ كَفَرُوا سَتُغْلِبُونَ وَتُخْسِرُونَ إِلَى جَهَنَّمَ وَبَئْسَ الْمِهَادُ قَدْ كَانَ لَكُمْ عَيْنٌ فِي فِئَتَيْنِ الْتَّقْتَاتِ فِيَّ تُقْتَلُنَّ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَخْرَى كَافِرٌ يَرُوْنَهُمْ مُشْلِيمِينَ رَأَى الْعَيْنِ وَاللَّهُ يُؤَيِّدُ بِنَصْرٍ مَنْ يَشَاءُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لِعْبَرَةً لَا وَلِيَ الْأَبْصَرُ﴾

«(Эй Мұхаммад), қуфр йўлини тутган кимсаларга айтинг: «Шак-шуబҳасиз (бу дунёда) маглуб бўласизлар ва (охиратда) жаҳаннамда тўпланажаксиз. Нақадар ёмон жой у!» (Эй яхудийлар), сизлар учун бири Аллоҳ йўлида жанг қилган, иккинчиси кофир бўлган икки гурӯҳ орасидаги тўқнашувда ибратли ҳодиса бўлган эди. Улар (мусулмонлар) ўз кўзлари билан (кофирларнинг) икки баробар кўп эканини кўриб турар эдилар. Аллоҳ эса Ўзи истаган кишиларни ғолиб қилиш билан қўллаб-қувватлайди. Албатта бу воқеада фикр эгалари учун ибрат бордир» [Оли Имрон 12-13]

Шунинг учун Пайғамбаримиз ﷺ олдиларида фақат улар билан жанг қилиш қолди. Сўнг уларга юриш қилди, мусулмонларнинг сони етти юз жангчи атрофида эди. Байроқни Али ﷺга топширди. Мусулмонлар уларни ўн беш кеча қамал қилганидан сўнг, уларнинг қалбига қўркув тушиб, таслим бўлишди. Улар Пайғамбаримиз ﷺдан уларни озод қилиши ҳамда аёллари ва болалари ўзларига қолиши, бойликлари ва қуролларини ул зотга топширишлари эвазига Мадинадан сургун қилишини

сўрашди. Пайғамбаримиз ﷺ бунга рози бўлиб, бойликлари ва қуролларини мусулмонларга тақсимлаб бердилар. Сўнг ўзларини Шомдаги Азраот деган жойга сургун қилдилар.

## 2 – Бану Назир ғазоти:

Бану Назирнинг Росууллоҳ ﷺ ни ўлдириш ҳақида режа тузаётгани ҳақидаги хабар ул зотга етиб келгач, уларни сургун қилишга қарор қилдилар. Бошида Росууллоҳ уларни ўн беш кун ичида қалъаларини ташлаб, Ясиридан чиқиб кетишлари тўғрисида огоҳлантирдилар. Лекин улар дастлаб у кишига бўйсунишдан бош тортдилар. Кейин у кишининг ҳукмини қабул қилиб сургунга рози бўлишди. Лекин Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул бошчилигидаги бир гурух мунофиқлар уларга одам юбориб «Бардам бўлинглар! Ҳимояланинглар! Биз сизни ҳаргиз ёрдамсиз қолдирмаймиз. Агар уришсангиз, биз ҳам сиз билан бирга уришамиз. Агар сизларни сургун қилишса, биз ҳам сиз билан бирга чиқиб кетамиз», дейишди. Шу муносабат билан Аллоҳ Таоло қуидидаги оятларни нозил қилди:

﴿ أَلَمْ تَرِ إِلَى الَّذِينَ نَافَقُوا يَقُولُونَ لِإِخْوَنِهِمُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لِئِنْ أُخْرِجْتُمْ لَتَحْرُجَنَّ مَعَكُمْ وَلَا تُطِيعُ فِيهِمْ أَحَدًا وَإِنْ قُوْتُلُتُمْ لَتَنْصُرَنَّكُمْ وَاللَّهُ يَشَهُدُ إِنَّهُمْ لَكَذِبُونَ ﴾ لِئِنْ أُخْرِجُوا لَا يَخْرُجُونَ مَعَهُمْ وَلِئِنْ قُوْتُلُوا لَا يَنْصُرُونَهُمْ وَلِئِنْ تَصْرُوهُمْ لَيُوْلَى الْأَذْبَرَ ثُمَّ لَا يُصْرُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад), мунофиқ кимсалар ўзларининг аҳли китоблардан (яҳудийлардан) бўлган кофир биродарларига: «Қасамки, агар сизлар (Мадинадан) қувиб чиқарилсангизлар, албатта бизлар ҳам сизлар билан бирга чиқиб кетурмиз ва сизлар(га қарши уришиш) тўғрисида ҳеч қачон бирон кимсага итоат этмасмиз. Агар сизларга қарши жанг қилинса, албатта бизлар сизларга ёрдам берурмиз», дейишларини кўрмадингизми? Аллоҳ гувоҳлик берур-ки, улар шак-шубҳасиз ёлгончидирлар. Қасамки, агар (яҳудийлар ўзиёрларидан) қувиб чиқарилсалар (мунофиқлар) улар билан бирга чиқиб кетмаслар, қасамки, агар

(яҳудийларга қарши) жанг қилинса (мунофиқлар) уларга ёрдам ҳам бермаслар ва агар (фаразан) ёрдам берсалар ҳам, албатта яҳудийлар (мўминлар томонидан маглуб қилиниб) ортларига қараб қочурлар ва кейин уларга бирон ёрдам берилмас» [Ҳашр 11-12]

Шунда улар Пайғамбаримизнинг ҳукмига рози бўлишдан бош тортиб қалъалари ортидан ҳимояланишиди. Уларнинг қалъалари мустаҳкам бўлиб, фатҳ қилиш қийин эди. Росууллоҳ ﷺ эса уларнинг хурмозорларини кесиб, ёқиб юборишга буюрдилар. Бу эса уларнинг қалбига ноумидлик солди ва ўзаро шивир-шивир қилиб, сўнг таслим бўлишди. Улар Росууллоҳ ﷺдан кўчириб юборишларини, уларнинг қонини тўқмасдан ва ўзлари билан қуролларидан ташқари түя кўтара оладиган миқдордаги мол мулкларини олиб кетишга рухсат беришларини сўрашди. У зот бунга рози бўлди. Дарҳақиқат, Қуръон Бану Назирнинг такаббурлиги ҳамда қалъаларимиз Аллоҳнинг амридан бизни ҳимоя қилади деб ўйлаган ҳолларида қалъалари билан ҳимояланиши ҳақида айтган эди. Қуйидаги оятларда эса уларнинг мағлуб бўлиши ҳамда уйларини ўз қўллари ва мусулмонларнинг қўллари билан вайрон қилишлари ҳақида айтади:

﴿هُوَ الَّذِي أَخْرَجَ الَّدِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَبِ مِنْ دِيَرِهِمْ لَا وَلَأَلْحَسِرِ مَا ظَنَّتُمْ  
أَنَّ يَخْرُجُوا وَلَقَطُّنَا أَنَّهُمْ مَانِعُتُهُمْ حُصُونُهُمْ مِنَ اللَّهِ فَأَتَتُهُمُ اللَّهُ مِنْ حَيْثُ لَمْ يَكُنْتُسُبُوا  
وَقَدَّفَ فِي قُلُوبِهِمُ الرُّعْبَ يُخْرِبُونَ بُيُوتَهُمْ بِأَيْدِيهِمْ وَأَيْدِيُ الْمُؤْمِنِينَ فَاعْتَرُوْا يَتَأْوِلِي  
الْأَبْصَرِ﴾

«У аҳли китоблардан (яҳудийлардан) кофир бўлган кимсаларни биринчи тўплашидаёқ ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарган зотдир. (Эй мўминлар), сизлар уларнинг чиқиб кетишларини ўйлаган ҳам эмас эдингиз. Улар ҳам ўзларининг қўргон-қалъаларини Аллоҳ(нинг азобидан) тўсгувчи деб ўйлаган эдилар. Бас, Аллоҳ(нинг азоби) улар ҳисобга олмаган томондан келди ва дилларига кўрқинч солди. Улар уйларини ўз қўллари ва

*мўминларнинг қўллари билан бузурлар. Бас, эй ақл  
эгалари, (уларнинг аҳволидан) ибрат олингиз!» [Ҳашр 2]*

### **3 – Бану Қурайза ғазоти:**

Бану Қурайза яхудийлари билан Росууллоҳ ﷺ ўртасида улар билан уришмаслик ва улар ҳам Росууллоҳ ﷺ билан уришмаслик ҳамда у кишига қарши ҳеч кимга ёрдам бермаслик тўғрисида аҳд ва келишув бор эди. Лекин улар Аҳзоб ғазотида аҳдни бузиб, Росууллоҳ ﷺ ва у кишининг даъватига қарши Қурайш ва мунофиқлар билан ҳамкорлик қилишди. Росууллоҳ ﷺ уларга аҳд ва келишувни эслатиб қўйиш учун Саъд ибн Муоз ва Абдуллоҳ ибн Равоҳани юбордилар. Лекин улар қаттиқ рад килиб, аҳдни бузишда қаттиқ туриб олишди. Росууллоҳ ﷺ Қурайш ва гуруҳлар мағлубиятга учрагунича сукут қилди. Хандак ғазотида мусулмонлар ғалаба қозондилар. Росууллоҳ ﷺ Хандак майдонидан кайтган куниёқ уларга хужум қилишга қарор қилди. Росууллоҳ ﷺ вақтдан ютиш ҳамда яхудийлар ва уларнинг Қурайш ва мунофиқлардан иборат иттифоқчилари тушиб қолган руҳий аҳволдан фойдаланиш учун, шунингдек, улар ўз аҳволларини қайта тартибга солиш ва қувватини оширадиган алоқаларни ўрнатишга фурсат бермаслик учун мусулмонларга аср намозини факат Бану Қурайзага борганда ўқишига буюрди. У киши байроқни Али ؏га берди ва мусулмонлар гуруҳлар уларни қамал қилиб турган пайтда чеккан машаққатларига қарамасдан Али ؏га эргашиши.

Мусулмонлар яхудийларнинг қалъаларини ўраб олиб, уларга тош ва ўқлар ота бошладилар. Бану Қурайза қамал пайтида қалъаларидан чиқа олмади. Чунки мусулмонлар уларни ҳамма тарафдан ўраб олган эди. Бир неча кун қамал қилингач, яхудийлар таслим бўлишди. Сўнгра уларга нисбатан Бану Назирдек муомала қилишини сўрашди. Лекин Росууллоҳ ﷺ бундан бош тортдилар ва уларнинг иттифоқчиси бўлмиш Авс қабиласи орасидан ўзларининг устларидан ҳукм чиқариши учун хоҳлаган кишини танлашларини таклиф қилдилар. Улар Саъд ибн Муозни танлашган эди, Саъд улардан аҳдни бузиб, жанг

қилган эркакларни ўлдириш, аёллар ва болаларни асирга олиш ва мол-мулкларини мусодара қилишга ҳукм чиқарди. Росууллоҳ ﷺ ўзи ҳам худди шундай ҳукм чиқармоқчи эди. Шунинг учун «Саъд»нинг ҳукмини ижро қилишга буюрди. Дарҳақиқат, Қуръони карим гурухлар кўшинининг мағлуб бўлиши, Бану Курайза ғазоти ва мусулмонларнинг ғалабаси ҳақида шундай баён қиласди:

﴿ وَرَدَ اللَّهُ الَّذِينَ كَفَرُوا بِعَيْنِهِمْ لَمْ يَنَالُوهَا حَيْرًا وَكَفَى اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ الْقِتَالُ وَكَانَ اللَّهُ قَوِيًّا عَزِيزًا وَأَنَّرَلَ الَّذِينَ ظَهَرُوهُمْ مِنْ أَهْلِ الْكِتَبِ مِنْ صَيَاصِيهِمْ وَقَدْ فِي قُلُوبِهِمُ الْرُّغْبَةُ فِرِيقًا تَقْتُلُونَ وَتَأْسِرُونَ فَرِيقًا وَأَوْرَكُمْ أَرْضَهُمْ وَدِيرَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ وَأَرْضًا لَمْ تَطْغُوْهَا وَكَانَ اللَّهُ عَلَى كُلِّ شَئٍ قَدِيرًا ﴾

«Аллоҳ кофирларни (яъни фирқаларни) хафа ҳолларида қайтарди. Улар бирон яхшилик фойдага эришмадилар. Аллоҳ мўминларга жанг тўгрисида кифоя қилди (яъни осмондан шамол ва фаришталар юбориб, мўминларни жангсиз ғолиб қилди). Аллоҳ кучли, қудратли бўлган зотdir. У (фирқаларга) ёрдам берган, аҳли китобдан иборат бўлган кимсаларни (Аллоҳ) ўз қалъаларидан туширди ва дилларига қўрқинч солди. (Энди) сизлар (улардан) бир гуруҳни ўлдиурсизлар, бир гуруҳни асир олурсизлар. Ва сизларни уларнинг ерларига, ҳовли-жойларига, молу мулкларига ва (ҳали) сизларнинг оёқларингиз етмаган ерларга ворис қилди. Аллоҳ ҳар нарсага қодир бўлган зотdir» [Аҳзоб 25-27]

#### 4 – Хайбар ғазоти:

Хайбар яхудийлари Ҳижоз заминидаги энг кўп сонли, энг кўп қуролланган ва энг мустаҳкам қалъага эга гуруҳлардан бири эди. Уларни тош билан урилган қалъалар ўраб турар ва бу қалъалар уларни хар қандай ҳужумдан сақлаб қолади деб ўйлашарди. Уларда такаббурлик ҳукмрон бўлиб, эгаллаб турган қуроллари ва бойликлари уларни алдаган эди. Хайбар қалъасида ўн минг жангчи бўлиб, ўзининг кучини кўрсатиш учун хар куни саф тортиб қалъадан чиқар ва мусулмонларнинг кучини пастга урар эдилар. Улар «Мұхаммад ҳеч қачон

бизга ҳужум қила олмайди» деб такрор-такрор айтишар эди. Қурдатга бўлган бу ишонч Хайбар яхудийларини ва Мадина яхудийларини алдаган эди. Улар мусулмонларга бундай дейишар эди: «Аллоҳга қасамки, Хайбар сиздан мустахкамроқдир. Агар сиз Хайбарни, унинг кўргонларини ва унинг одамларини кўрганингизда, уларга етиб бормасдан қайтган бўлар эдингиз. Тоғ чўққиларида баланд истехкомлар бор, Хайбарда минглаб қалқонлар бор. «Асад» ва «Гатафон» араблардан фақат хайбарликлар билан ҳимояланишади. Шунинг учун сизлар Хайбарга кучингиз етмайди». Вақт ўтиши билан Хайбар Мадинадан сургун қилинган яхудийлар учун бошпанага айланди. Улар Исломдан ўч олиш ҳамда Пайғамбаримиз ﷺ маҳрум қилган мавқе ва манфаатларини қайтариб олиш учун имконият кутаётган эдилар.

Мусулмонлар улар туфайли тўхтовсиз мاشақкатда яшашди, Росулуллоҳ ﷺ улар етказаётган озорларга сабр қилди ва мусулмонларни ҳам сабрга чақирди. Росулуллоҳ ﷺ уларга қарши уруш қилишдан қайтаришига сабаб ундан ҳам каттароқ ва кучлироқ душман, яъни Қурайш бор эди. Бу ғазотнинг олдингилардан фарқи бор эди. Чунки у Бану Қурайза воқеаси ва Ҳудайбия сулҳидан кейин бўлди. Зоро, Росулуллоҳ ﷺ Хайбар билан шуғулланиш ва унинг таҳдида барҳам бериш учун Қурайшни заарсизлантириб, ўзига қарши ҳарбий тўқнашув майдонидан четлатди.

Аҳзоб ғазотида Хайбар қабиласи бошқа қабилаларни бирластиришда катта рол ўйнаб, Исломни бутунлай йўқ қилишга харакат қилган эди. Гурухлар Хандак жангидаги чарчаб, Росулуллоҳ ﷺ Ҳудайбия сулҳини тузиб, Қурайшни заарсизлантирганидан кейин, Росулуллоҳ ﷺ уларнинг Хайбардаги қалъаларига уруш қилишни кўзлади. Сўнгра қўшинни йиғиб, борадиган жойни сир тутди. Мадинадан бир минг олти юз жангчи билан чиқди ва байрокни Али ؓга топширди. У киши ўз харакатларини сир сақлайдиган йўллардан юрди. Яхудийлар тунда мусулмонлар қўшини уларнинг майдонларига тушиб олганини пайқамай қолишиди. Аллоҳ

Таоло Росууллоҳ ﷺ га нусратни ва Мадинага ғалаба қилган ҳолда, ўлжа билан қайтишини ваъда қилган эди. Сайидимиз Али ؏ бу жангда унтилмас жасорат кўрсатди. Мусулмонлар унинг бошчилигига ўлимга тик қараб, Хайбар қалъаларига хужум қилишди ва ғалабага эришишди. Яхудийлар эса таслим бўлиб, Пайғамбаримиздан кечиришини сўрашди. Пайғамбаримиз уларнинг мол мулкига эга бўлганидан кейин бунга рози бўлди. Пайғамбаримиз билан яхудийлар ўртасида ерлари ўзларига қолиши ва ҳосилнинг ярми ўзларига, ярми эса мусулмонларга бўлиши ҳақида битим тузилди.

5 – **Фадак яхудийлари:** Хайбарга қўшни бўлган Фадак яхудийлари Хайбарга нима бўлганини эшитгач, улар Росууллоҳ ﷺ элчи жўнатиб, ўз ерларини тенг ярмини бериш борасида сулҳ тузиш истаги борлигини билдиришди. Росууллоҳ ﷺ уларнинг таклифига рози бўлди.

6 – **Аммо аҳолиси яхудийлар бўлган Водил Курога келсан,** улар Ислом ва мусулмонларга қарши фитна уюштирган эдилар. Росууллоҳ ﷺ уларга бориб, уларни қамал қилди ва аҳолисини Исломга даъват қилди. Уларга агар Исломни қабул қилсалар, молу жонларини сақлаб қолишлари ва ҳисоб-китоби Аллоҳга экани тўғрисида хабар берди. Лекин улар бундан бош тортиб уришишга қаттиқ туриб олишди. Кейин икки тараф ўртасида чекланган тўқнашувлар содир бўлди. Пайғамбаримиз ؏ уларни Исломга киришга даъват қилас ва улар эса бош тортар эдилар. Бу ҳол ул зотни қамални янада мустаҳкамлашга унлади. Сўнг Пайғамбар ؏ уларнинг юртларини куч билан фатҳ қилишга муваффақ бўлди. Сўнгра тўрт кун ичida ўлжаларни ўз эгаларига бўлиб бериб, экинзорларни ҳосилнинг тенг ярмини бериш эвазига яхудийларга қолдирди.

7 – **Аммо Таймось яхудийларига келсан,** исломий ғалабалар хабарини эштишгач, Росууллоҳ ﷺ билан жизя бериш борасида сулҳ тузишди ва ўз юртларида қолдилар. Хайбар ва унинг атрофидаги ерларнинг қулаши билан Исломга қарши туриш, унинг йўлига тўсиқлар

кўйиш ва унга қарши фитна уюштиришда ўз ролини ўйнаётган сўнгги яхудий жамоаси тугатилди. Шунингдек, Ҳижоз яхудийларининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қуввати батамом йўқ қилинди. Натижада Араб ярим оролида ёлғиз Ислом калимаси олий бўлди.

**Яхудийларнинг Исломга, унинг пайғамбарига ва Умматига бўлган душманчилиги қиёматгача давом этади:**

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَتَجِدَنَّ أَشَدَّ النَّاسِ عَدَاوَةً لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا إِلَيْهِودَ وَالَّذِينَ أَشْرَكُوا﴾

«Иймон келтирган зотларга энг қаттиқ адоват қилгувчи одамлар яхудийлар ва муширик бўлган кимсалар эканини кўрасиз» [Моида 82]

Яна Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا تَأَذَّنَ رَبُّكَ لَيَبْعَثَنَّ عَلَيْهِمْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَمَةِ مَنْ يُسُومُهُمْ سُوءُ الْعَذَابُ إِنَّ رَبَّكَ لَسَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

«Ўшанда Парвардигорингиз албатта уларнинг устига қиёмат кунигача ёмон азоб билан азоблайдиган зотларни юборишини билдирган эди. Шубҳасиз, Парвардигорингиз (кофирлар учун) азоби қаттиқ, (мўминларни эса) магфират қилгувчи, меҳрибондир» [Аъроф 167]

Аллоҳ Таоло Муҳаммад ﷺ ни Ислом билан юборгандан бери яхудийлар бугунгача шу динга ва унинг Пайғамбарига ҳйла қилиб келишади. Пайғамбаримиз ﷺ вафот этганидан кейин, мусулмонлар дучор бўлган кўплаб фитналарнинг ортида улар тургани қайд этилган. Уларнинг баъзилари Ислом либосини кийиб, мусулмонлар номидан Исломга хужум қилишган. Уларнинг Усмон даврида Ибн Сабо раҳбарлигига фаоллик кўрсатганларлини ва Усмон Халифаликка ҳақли эмас, деган баҳона билан мусулмонларни унга қарши кўйганларлини шулар жумласидандир.

Агар Ислом тарихини кўздан кечирадиган бўлсак, мусулмонларга зарар етказадиган ҳар бир низо ёки

ходисада яхудийлар роли борлигини кўрамиз. Гарчи бу воеаларнинг барчаси дастлаб улар томонидан уюштирилмаган бўлсада, бироқ, бир оз вақт ўтгандан кейин барибир уларнинг фитна оловини ёкишларига гувоҳ бўласиз. Яхудийлар мусулмонлар ўртасига тафриқа солиш ҳамда уларнинг ақида ва ахлоқини бузиш учун ҳаракат қилаётганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Тадқиқотчилар ўз асарларида адашган гурухлар (хаворижлар) уруғини сепганлар яхудийлар эканлигини тасдиқлайдилар. Қодёнийлар ва Баҳоийлар пайдо бўлгач, яхудийлар уларни қўллаб-қувватлаб, ўз бағрига олдилар. Улар ўзларини мусулмон қилиб кўрсатган лекин ўз динида қолган дўйнма яхудийлари қўли билан Усмоний Халифаликни қулатища лаънати Британия билан ҳамкорлик қилишди. Кейин Исломга душман бўлган илмонийлик билан ҳукм юритишини йўлга қўйдилар. Бу нарса мусулмонларнинг бошига тушган энг катта мусибат бўлди. Сўнгра Фаластин давлати ўз халқидан тортиб олинди. Бу Ислом ва мусулмонларга қарши глобал тажовузнинг энг жирканч амалиётларидан бири бўлиб, унда яхудийлар учун ватан қуриб берилди. Шунингдек, унга ишғол қилиш, кўчириш, қатл қилиш, қийноқ ва зўравонликлар ҳамроҳ бўлди...

Бу босқинчи давлатни мустаҳкамлаш ва унга халқаро ҳуқуқ беришда Англия, Америка, Россия, Италия ва бошка кофир давлатлар ёрдам берди. Улар бу давлатни қурол ва бойлик билан қўллаб- қувватладилар. Шундай қилиб, Қуръондаги яхудий ва насронийлар бир-бирига дўстлиги ҳақидаги ҳақиқат яққол кўринди: Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَحَذَّرُوا إِلَيْهُودَ وَالنَّصَارَىٰ أُولَئِكَ بَعْضُهُمْ أُولَئِكَ بَعْضٌ وَمَنْ يَتَوَلَّهُم مِّنْكُمْ فَإِنَّهُ مِنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾

«Эй мўминлар, яхудийлар ва насронийларни дўст туттмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас»

[Моида 51]

Улар ҳалигача Ислом ва мусулмонларга қарши бу нафратли иттифоқда давом этмоқдалар. Яқинда (Исроил)нинг Ғазода мусулмонларга қарши бошлаган ҳужуми олдида мусулмон юртлари ҳукмдорлари ҳар кандай инсоний туйғудан холи шармандали ва қабих позицияни эгаллашди... Оқибатда бу позициялари ўз ҳалқарини уларга ва яхдийларга қарши чиқишга мажбур қилди... Дарҳақиқат, (Ақсо тўғони) операцияси (Исроил)ни йўқ қилиш учун катта нарса керак эмаслигини кўрсатди. Ҳатто унинг атрофидаги энг заиф режимлар ҳам буни уddyалай олишини кўрсатди. Лекин улар буни хоҳламайдилар, чунки улар Фарблик ҳукмдорларнинг маҳсулидир. Бу ҳукмдорлар ушбу вужудни химоя қилиш борасида ваъда берганларидан кейингина Фарблик ҳукмдорлар уларни ҳоким қилиб тайинлади. Шунингдек, улар ўз Умматига қарши Фарбнинг режасига юришга тайёрлиги, Умматни куфр билан бошқариши ва қанчалик қимматга тушмасин Умматнинг бирлашишини олдини олишга ваъда берганларидан кейингина ҳоким қилиб тайинлади.

Шунинг учун бу ҳукмдорларнинг Ироқ, Афғонистон ёки Суриядада бўлсин, (терроризм)га қарши уруш шиори остида Ғарб билан Исломга қарши урушда қатнашиб, ўз Умматига қарши иттифоқ тузганликларини кўрдик. (Ақсо тўғони) операциясида Туркиядан тортиб Саудиягача уларнинг яхдийларга нисбатан тутган позициясини кўрдик.

Бу ҳукмдорлар ўз қўшинлари ва хавфсизлик хизматлари орқали ўз ҳалқарининг ғазабидан ҳимояланishiади. Улар армиялар қўмондонлигига ўзлари каби малай, хоин, диндан узоқ ва шафқатсиз лаънати етакчиларни қўядилар. Аммо бу армиялар тақволи ҳалол зобитларга тўладир. Улар ҳам ўз ҳалқлари каби бу аччик воқеликдан аламланмоқдалар, Исломга амал қилиб, бундай воқеликка рози бўлмаяптилар, воқеликдан ҳалқлари ғазабланганидек ғазабланмоқдалар... Бас, мана шундай холис зобитлар ўз ҳукмдорларининг бундай зулмларида давом этишларига тўқсинглик қилишлари,

уларни ўзгартиришлари, ўз устларида Аллоҳнинг хукмини барпо этишлари ҳамда мусулмон юртларидаги кофирларнинг манфаатини ва хукмдорларни ҳимоя қилиш эмас, балки куфрга қарши жиҳод қилишлари керак. Уларнинг қўлида куч бор, шариат уларни худди Саъд ибн Муоз Росулуллоҳ ﷺга ансор бўлганидек, Аллоҳга ансор бўлишларига буюради. Хукмдорларни ўзгартириш Аллоҳнинг динига содик бўлган куч эгаларига муҳтоҷdir. Ўшалар золим хукмдорлар ва уларга эргашганларни қўлидан тутади. Буни ҳалқ Уммат сифатида қила олмайди, чунки у қуролланмаган. Лекин куч эгалари оёққа турса, Уммат улар билан бирга бўлади ва яхудийлар билан жанг қилганига хурсанд бўлганидан кўра кўпроқ хукмдорларни ўзгартирганига хурсанд бўлади.

Чунки айнан мана шу хукмдорлар яхудийларни ҳимоя қилишмоқда, вужудини сақлашмоқда ва уларнинг вужудига тўсқинлик қилаётган ёки уларга хавф туғдираётган ҳар қандай кишини таъқиб қилмоқда... Биз Газода содир бўлаётган воқеалар тифайли Уммат хукмдорларни ўзгартириш борасида қўшинларни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ масъул деб хисоблаётганини кўрдик... Чунки бу уларнинг шаръий вазифаси бўлиб, яқинда Аллоҳ Таоло уларни ҳисоб-китоб қиласди... Ҳа, улар Ислом учун ва Ислом билан бошқариш учун қувват манбаи бўлишлари керак. Ўз хукмдорларини ва хукмдорларнинг ортида турган Фарб манфаатини ҳимоя қилиш вазифаларидан воз кечиб, Ислом давлатини барпо этишни ҳимоя қилишга ва жиҳод фарзини, жумладан яхудийларга қарши жиҳодни адо этишга ўтишлари керак. Эҳтимол, Аллоҳ Таоло Пайғамбаримизнинг

**«نَفَّاثِكُمْ يَهُودُ فَتَقْتُلُونَهُمْ»**

«Яхудийлар сизлар билан жанг қиласди ва сизлар уларни ўлдирасизлар...» ҳадисидаги хушхабарини уларнинг қўли билан амалга оширап. Эҳтимол улар пайғамбаримиз

**«مَّ تَكُونُ خِلَافَةً رَّاشِدَةً عَلَى مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ»**

**«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид  
Халифалик бўлади»** дея хушхабар берган рошид  
Халифалик давлатининг қўшинлари бўлишар.

Яхудийларнинг Росууллоҳ замонидаги, яъни Куръон нозил бўлиб улар ҳақида гапираётган замондаги тарихи биз яшаб турган бугунги тарихидан фарқ қилмайди. Айниқса, Куръон ва Суннат бугун биз билан яхудийлар ўртасида бўлаётган кураш ва унинг ниҳояси ҳақида айтган. Яъни уларнинг бутун умри давомида тарқоқ яشاши ва Фаластинга йиғилишганда улар илдизи билан қўпориб ташланиши ҳақида айтган. Яхудийларнинг мусулмонлар билан бўлган тарихи ҳақида аввал хабар қилганларимиз бугунги воқеаларга жуда ўхшайди. Қалбларига ҳаёт муҳаббати сингдирилган яхудийлар Куръонда таъкидланганидек, ўзларини сақлайдиган ва ҳимоя қиласиган мустақил кучга эга эмаслар. Аксинча, улар одамларнинг қўллаб-қувватловига муҳтождирлар. Мудом, Америка бошчилигидаги Farb давлатлари шу яхудийлар томонида турмас эканлар, берилган шунча қурол-аслаҳалар билан на ўзларини ҳимоя қили олишади ва на кўнгиллари таскин топади. Аллоҳ Таоло ўз китобида зикр қилган ва уларга ёрдам берадиган (Одамларнинг аҳди паноҳида бўлмаса) деган қавлининг маъноси шудир... Улар мусулмонлар билан, худди бугун бўлаётганидек, фақат мустаҳкам қалъалар ва деворлар ортидагина уриша оладилар... Ақсо тўфонида содир бўлган воқеалар Куръон ва Суннатда келган ҳақиқатнинг энг аниқ тасвирини беради. Бундан ташқари, бу (Исройл)нинг тугашига оз колгани ҳамда бу нафақат бизнинг, балки яхудийларнинг ҳам ўз тақдирлари борасидаги фикрлари эканини таъкидлайди. Аллоҳ Таоло айтади:

وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ وَلَا كَيْنَ أَكْثَرُ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢١﴾

**«Аллоҳ ўз ишида голибdir, лекин одамларнинг кўплари  
(буни) билмайдилар»**

[Юсуф 21] □

## ХАЛҚЛАРДАН ФАРҚЛИ ЎЛАРОҚ ФАРБ ҲУКМДОРЛАРИ ҲАМ АРАБ ҲУКМДОРЛАРИ ҲАМ БИР ХИЛ ҲУКМ ЮРИТИШАДИ

«Ақсо түфөни» амалиёти юз бериши биланоқ, Фарб давлатлари раҳбарлари, гүё юз берган воқеа уларга келган балодек, (Исроил)га қатор зиёратларга шошилишиди... Уларнинг хар бири шундай баёнотларни беришдики, бу баёнотлар яхудийлар томонидан янги туғилган чақалоқлар, аёллар ва қарияларни ажратмай мусулмонларнинг ўлдирилишига, уйлар бузилишига, шифохоналарга зарба берилишига ва шаҳарлар вайрон этилиб, улардаги хаёт омиллари йўқ қилинишига йўл очди. Мана, Байден (Исроил) билан тўлиқ бирдамлигини изхор қилиш учун у ерга ташриф буюрди. У (исроиллик)ларга «сиз ёлгиз эмассиз», деб мурожаат килди, шунингдек, 10 миллиард доллар миқдорида бошлангич ёрдам ажратди. Вашингтон бортида минглаб аскарлар бўлган иккита самолёт ташувчи кемани чақириб, босқинчини жангда зарур бўладиган барча қурол-яроғлар билан тъминлади. У (Исроил)нинг «ўзини химоя қилиш учун» керакли бўлган нарсаларга эга бўлишини тъминлашини тъкидлади. Буларнинг барчасидан хавфлироги, (Исроил) Газога қарши бошлиши мумкин бўлган қуруқликдаги урушни қўллаб-куватлаш учун иккى минг америкалик аскарни жойлаشتirdи.

Британия бош вазири Сунакка келсак, у (Исроил)нинг позициялари ва ҳикояларини қабул килди. (Исроиллик)ларга «Давлатингиз хавфсизлигини қайта тикилаш сизнинг ҳуқуқингиз эмас, балки бурчингиздир», деб мурожаат килди. У (Исроил) ўғирланганларни қайтариб олмагунча, яқин ҳамкорликни ва (Исроил)ни қўллаб-куватлашни давом эттиришга ишонишини билдирап экан, «(Исроил) ўзини химоя қилиш ҳуқуқига эга», деди. Сунак (Исроил) байробги рангидаги оқ кўйлак кийишни ва оқ галстук тақиши тандади.

Макронга келсак, у Ирок ва Сурияда Исломий Давлат Ташкилотига қарши уришаётган халқаро коалиция (Исроил)нинг Газо секторига қарши давом эттаётган урушида (Исроил) армиясига қўшилиши учун коалиция доирасини кенгайтиришга чақириди. Макрон Ҳамасга қарши кураш «шафқатсиз бўлиши керак»лигини ургулаб, (Исроил)ни ёлгиз ташлаб қўймасликка ваъда берди. Германия канцлери Шолцга келсак, у «Ақсо түфөни» амалиётидан кейин (Исроил)га ташриф буюрган биринчи ҳукумат раҳбари бўлди. Германия канцлери (Исроил)га етиб келиши биланоқ, «Ҳ» платформасида ибронийча постида: «Менинг (Исроил)га ташрифим дўстларнинг ташрифидир. Германия сабот билан (Исроил)нинг ёнида туради», деб ёзди. Германия канцлери сўзини давом эттириб: «Германияда яхудийларга ҳужум килган ҳар бир киши, гүё ҳаммамизга ҳужум қилгандек бўлади», деди...

**Ал-Ваъй:** Фарб ҳукмдорларининг мусулмонларга ва уларнинг масалаларига нисбатан душманлигининг сабаби Исломнинг ўз мабда ва ҳазоратлари билан ракобат қилишидан каттиқ кўркишларидир. Уларнинг мусулмон юртларидаги ҳукмдорлар билан бўлган муносабатлари – уларни ўзлари олиб келишгани учун – жуда яхши. Бироқ мусулмонлардан – бу мусулмонлар ёлгиз Аллоҳга бўйсунгандилклари, сотиб олинмаганликлари ва сотилмаганликлари сабабли – кўркишид. Шунинг учун Фарб ҳукмдорларининг ҳам, мусулмон юртларидаги ҳукмдорларнинг ҳам доимий ташвиши мусулмонларнинг бўйинларини ўз киличлари остида ушлаб тuriшdir. Фарб ҳукмдорлари ҳам, мусулмон юртларидаги ҳукмдорлар ҳам Газода содир бўлаётган воқеалар борасида бир хил позицияда. Улар (Исроил)нинг қаршилиқ ҳаракатини йўқ қилишини кутишмоқда. Шунда улар минтақадаги тинчлик ва Америкага таслим бўлиш режаларини давом эттиришади... Шу ўринда биз Аллоҳ Таолодан мусулмон юртлардаги кувват эгалари, армия зобитлари орасидан мўмин гурухнинг қалбини очиб, уларнинг ҳукмдорларга қарши ҳаракатга келишини, хокимиятни қўлга олиб, уни ўзларини ер юзида Аллоҳнинг ҳукмими ўрнатишга баҳшида этган қишиларга топширишларини сўраб қоламиз...

﴿يَوْمَ يُنَزَّلُ مِنْ بَيْنِ السَّمَاوَاتِ وَمَنْ أَعْرَيْتُ أَرَجَحَمِنَةً﴾

«Ўша кунда мўминлар Аллоҳ нусрат бергани сабабли шодланурлар. (Аллоҳ) Ўзи хоҳлаган қишига нусрат берур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир» [Рум 4-5] □

## (ИСРОИЛ) ДРУЗЛАРИ ФАЗОГА ҚАРШИ УРУШДА АРМИЯНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

Тахминан 150 минг киши бўлган друзлар (Исроил)даги умумий аҳолининг 2 фоизини ташкил этади. Улар (Исроил) чегаралари хавфсизлигини таъминлашни ўз мажбуриятлари деб хисоблашади... Улар учта давлат: Фаластин, Ливан ва Сурия ўртасидаги чегара учбurchагида жойлашган. Друзларнинг сиёсий амалдори: «Ҳар бир друз ўзи яшаётган ер билан боғланган. Бу риштани узib бўймайди», деди. Бу ерда 299-харбий батальон жойлашган. Батальон аъзоларининг 70 фоизи друзлар бўлиб, улар маҳсус мақомга эга «куролдошлардир». Улар (Исроил)да харбий хизматни ўтаётган ягона араблар бўлиб, уларнинг кўпчилиги юкори фуқаролик, харбий ва сиёсий лавозимларни эгаллаган. (Яъни улар вазирлар, депутатлар, харбий зобит ва хавфсизлик хизмати ходимларидир). Айтишларича, друз жамоаси вакиллари ўзларига нисбатан камситиши сиёсати олиб борилаётганига норозилик сифатида яхудий хукуматига қарши норозилик намойишлари ўтказишган. Яъни друзлар яхудийлар каби тўлақонли фуқаро бўлишни хоҳлашади. Бу ерда гап друз жамоасининг диний раҳбарларини ҳам ўз ичига олади. (Исроил) олиб бораётган кирғин уруши муносабати билан Фаластиндаги друз жамоаси раҳбари шайх Муваффақ Тариф баёнот беруб, друз жамоаси (Исроил) давлатининг ажралмас кисми эканлигини таъкидлади. У ўз баёнотида (Исроил) армиясини ва Фазога қарши урушни тўлиқ кўллаб-кувватлашини таъкидлаб бундай деди: «Биз юрт жанубидаги аҳоли пунктларига килинган террорчилик хужумини бартараф этишда хавфсизлик кучларини кўллаб-кувватловчи позицияда турамиз. Терроризм ҳеч қачон яхудий ёки арабни ажратмайди».

(Исроил)даги друз жамоасида ҳукм суроётган умумий мухит давлатга содиқлиkdir. Бу садоқат друзларнинг (Исроил)даги ҳаёт ишларининг турли жабхаларида иштирок этишида яққол кўринади. Уларнинг орасида ватанпарварлик гояси устунлик киласи, эркаклари армияда мажбурий харбий хизматни ўтайди. Друзлар миллий мудофаада, яъни, армияда, полицияда, жосуслик хизматида ва қамоқхоналарда ишлашади. Улар юкори харбий мартабага эришишган. Уларнинг орасида Фазо урушида ҳалок бўлганлар бор. Друзлар расмийсининг билдиришича, сўнгги ҳафталарда друз жамоаси вакиллари орасидан қирқдан ортиқ киши ўлдирилган. Уларнинг аксарияти Ҳамаснинг 7 октябрдаги хужумига қарши туриш чоғида ҳалок бўлган. Бу расмийга кўра, Фазода ўлдирилган юқори мартабали (Исроил) харбий кўмандони друздир... Улар Фазога қарши урушда (Исроил) армиясига ёрдам юборишмоқда ва у учун хайрия маблағларини иғишишмоқда. Терроризмга қарши кураш бўйича яхудийлар қандай тушунчага эга бўлса, друзлар ҳам худди шундай тушунчага эга ва бу борада яхудийлар ишлатадиган сўзларни ишлатишади. Хавфсизлик кучларини ва (Исроил) фуқароларини химоя килишга чакиришади. Исими айтилмаслигини сўраган харбий муазимнинг билдиришича, друзлар томонидан жангда кўрсатилган намунавий ишлар ва жасорат уларнинг элита бўлинмаларида кучли иштирок этишини таъминлади...

**Ал-Ваъй:** Друзлар Исломдан чиқкан ботиний тоифалардан бири бўлиб, уларнинг келиб чиқиши Исломийларга бориб тақалади. Друз мазҳаби исломий мазҳаб хисобланмайди, аксинча, у Исломдан мустакил ва ўзига хос бўлган динидир. Улар оз сонлилиги билан танилган. Биз уларнинг ўзларини сақлаб қолиш учун кучли давлат томонида турганини кўрамиз. Улар (Исроил) давлатини кўллаб-кувватлашга бор кучларини сарфлашмоқда. Фаластиндаги мусулмонлар ўзларига нисбатан друзларнинг шафқатсизлигидан шикоят киладилар. Улар буни давлатга ҳаддан ташқари содиқликларини исботлаш учун қилишади. □